

Абдуғаффор Жўраев

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Абдуғаффор Жўраев

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ
СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

*Касб-ҳунар коллежлари учун
ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ-2007

Масъул муҳаррир:
Ваҳобов Алишер Восиқович, и.ф.д., профессор.

Такризчилар:
Н.Ҳайдаров, и.ф.д., профессор,
П.Саидходжаев, и.ф.н., доцент.

Абдуғаффор Жўраев.

Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма, Т.: “Турон-Иқбол” нашриёти –2007. –230 бет.

Аннотация

Мазкур ўқув қўлланмада юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар, солиқларга тенглаштирилган тўловлар, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари ҳамда солиқларнинг амал қилиш хусусиятлари акс эттирилган.

Ўқув қўлланма иқтисодий йўналишдаги коллеж ўқувчилари учун мўлжалланган.

В данном учебном пособии отражены налоги и приравненные к ним платежи, взимаемые с физических и юридических лиц, порядок их исчисления, а также, особенности функционирования налогов.

Учебное пособие предназначено для учащихся колледжей в области экономики.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
I БЎЛИМ. СОЛИҚҚА ТОРТИШ АСОСЛАРИ.....	
1-мавзу. Солиққа тортиш асослари ва солиқли ҳамда унга тенглаштирилган тўловларга тавсиф	
II БЎЛИМ. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ..	
2-мавзу. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи.....	
3-мавзу. Соддалаштирилган солиқ тизими (ягона солиқ тўлови).....	
4-мавзу. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш.....	
5-мавзу: Қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ягона ер солиғи.....	
6-мавзу: Қўшилган қиймат солиғи	
7-мавзу. Акциз солиғи	
8-мавзу. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи.....	
9-мавзу. Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	
10-мавзу. бодонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ.....	
11-мавзу. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.....	
12-мавзу. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.....	
III БЎЛИМ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ	
13-мавзу. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи.....	
14-мавзу. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи	
15-мавзу. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.....	
16-мавзу. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ	

IV БЎЛИМ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМЎАРМАЛАРГА	
МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР	
17-мавзу. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси	
18-мавзу. Республика йўл жамғармаси	
19-мавзу. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси	
ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР	
ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ	
КУРСИ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ ВАРИАНТЛАРИ.....	
АТАМАЛАР ШАРҲИ	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	

КИРИШ

Мамлакатда олиб борилаётган кенг қамравли иқтисодий ислохотларни амалга оширишда авваломбор солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизмини таҳлил қилиш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим»¹, - деган эдилар.

Бундан ташқари, 2005 йилнинг 28 январида Мухтарам И.А.Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга атрофлича тўхталиб, 2005 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб бердилар. Мамлакатимизда **солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш** зарурлиги ҳам муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларида солиқ тўловчиларга солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда илғор мамлакатлар ижобий тажрибаларидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.²

Шу боисдан ҳам таълим тизимида солиқ соҳасидаги билимларни ўргатишда Республикамизда амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислохотларни ўқувчиларга тўлароқ етказиш, шу соҳа бўйича истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув юртлари таълим йўналишлари бўйича стандарт, дастур, илмий-услубий кўрсатмалар, тавсиялар ва ўқув қўлланмалар, дидактик материаллар, кўргазмали воситалар, видеомаърузалар тайёрлаш, солиқ соҳасида амалий тадқиқотлар олиб бориш, илғор ахборот ва педагогик технологиялар таълим тизимида тадбиқ этишни муваффақиятли амалга ошириш бугунги кунда ҳукуматимиз диққат эътиборида бўлган асосий вазифалардан биридир.

Шунинг учун ҳам ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистонда амалда бўлган солиқлар, йиғимлар ва солиққа тенглаштирилган тўловларни ўрганишга бағишланган бўлиб, у иқтисодий йўналишда таълим олаётган коллеж ўқувчиларига бағишланган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -358 б.

² “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь -№20(3565).

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонуни, “Солиқ кодекси”, йўриқномалар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа солиқ қонунчилигига тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланмада биз солиқлар, йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмаларни тўрт гуруҳга бўлиб ўргандик. Биринчи бўлимда солиққа тортиш асослари, солиқлар ва солиққа тенглаштирилган тўловларга умумий тушунчалар берилган. Шунингдек, ушбу бўлимда солиқларнинг иқтисодий моҳияти, уларнинг ўзига хос белгилари, солиқларнинг солиққа тортиш объектига қараб гуруҳланиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўриб чиқилган.

Иккинчи бўлимда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида 80 фоиз атрофида ўзининг солиқ тушумлари билан ҳисса қўшаётган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар ўрганилган. Ушбу бўлимда асосан солиқларнинг тўловчилари, солиқ объекти, солиқ имтиёзлари, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш муддатлари қисқа ва лўнда берилишига ҳаракат қилинган ва ҳар бир солиқ турлари бўйича ўқувчиларнинг фанни ўзлаштиришларига ёрдам берувчи шартли мисоллар келтирилган.

Учинчи бўлим – жисмоний шахсларни солиқ тортиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи, ер солиғи, даромаддан олинадиган солиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг қатъий белгиланган солиқлари, шунингдек, жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқларни кўриб чиқишга ҳаракат қилинган. Ушбу бўлим мазмун моҳиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Амалий мисоллар ҳам келтирилган.

Тўртинчи бўлимда бюджетдан ташқари жамғармалар: пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармалари – уларнинг тўловчилари, жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг объекти, ставкалари ва тўлаш муддатлари кўрсатилган.

Қўлланма охирида юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишга, солиқларнинг ҳуқуқий асосларини қамраб олишга ҳаракат қилинган тест саволи вариантлари келтирилган. Ушбу тест саволи вариантлари ўқувчиларни ўзларининг устида янада кўпроқ ишлашларига, фанни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ушбу ўқув қўлланма камчиликлардан ҳоли эмас. Улар кейинги нашрларда албатта эътиборга олинади.

Муаллифдан

I БЎЛИМ. СОЛИҚҚА ТОРТИШ АСОСЛАРИ

1-Мавзу: Солиққа тортиш асослари ва солиқли ҳамда унга тенглаштирилган тўловларга тавсиф

- Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- Солиқларнинг ўзига хос белгилари.
- Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.
- Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган юридик ва жисмоний шахслар.
- Бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар.
- Солиқларнинг гуруҳларга ажратилиши. Юридик ва жисмоний шахслар тулайдиган солиқлар ва йиғимлар.

Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” га қонун ва шу каби бевосита солиққа оид қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб турилади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари солиқ кодексга мувофиқ бўлиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ Кодексдан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартнома қоидалари амалда қўлланилади.

Солиқ солиш-юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ҳов бўлиши мумкин эмас. Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши лозим, солиқ имтиёзларини белгилашда эса албатта ижтимоий адолат принципларига риоя этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги-сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

2) солиқ Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3) бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш;

4) солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5) солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш;

6) солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш;

7) солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

1) белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, почта манзили ўзгарган тақдирда эса (нотижорат ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда ҳам), бу ҳақда солиқ органларини ўн кунлик муддат ичида ёзма равишда хабардор этиш;

2) солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

3) бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;

4) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

5) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш;

6) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш;

7) солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатлар солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди-сотди қилганда ҳам пул муносабатлари мавжуд. Лекин биз уларни солиқ дея олмаймиз. Солиқ муносабати бўлиш учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнини амалга ошириши шарт.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, уларга: мажбурийлик, хазинага тушишлик, қатъийлик ва доимийлик, аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик белгилари мавжуддир.

1. Биринчи белги-мажбурийлик. Солиқ ва йиғимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг тамойили асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий томондан давлат учун кафолатланган.

2. Иккинчи белги солиқларнинг давлат мулкига айланишидир. Солиқлар албатта хазинага-давлат бюджетига тушади. Борди-ю, тўлов бошқа жамғармаларга тушса, унда солиқ муносабати бўлмайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихда бир неча юз йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар бўлган. Илмий асоси қанча чуқур бўлса, солиқлар шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади ёки жуда кам ўзгаради. Лекин давлат иқтисодий ислохотлар олиб бораётган вақтда амалдаги солиқларни солиқ тўловчиларнинг манфаатини ўйлаган ҳолда соддалаштиради ёки айримларини бекор қилиши мумкин.

4. Тўланган солиқлар мамлакат миқёсида ҳаммага бир хил миқдорда қайтиб келмаслиги мумкин, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи бу йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқ ва йиғимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб-интизомни ўрнатиш ва бошқа ижтимоий-зарурий хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади. Демак, солиқ тўловчилар нуқтаи-назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тўланадиган (тўлов) ҳақдир. Солиқлар бюджетга ва давлат пул фондларига келиб тушадиган,

мажбурий характерга эга бўлган пул тўлови муносабатларидир. Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари, шу жумладан, молиявий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс, тадбиркор ўз товарига эркин баҳо белгилаши, маҳсулот етказиб берувчини топиши ва ўзи истеъмолчини топиб унга маҳсулотни сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Эркин иқтисодиёт шароитида солиқлар ҳам эркин, очиқ, аниқ бўлади, демократик тўловга айланади.

Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки у ваколат берган давлат органи томонидан

белгиланади.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили ҳукуматнинг кейинги молия йили учун макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети прогнози тўғрисидаги махсус қарори асосида белгиланган нормативлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- а) мол-мулк солиғи;
- б) ер солиғи;
- в) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- г) транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқ;
- д) айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;
- е) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўловчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинadиган солиқ, айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ҳамда юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади. Ушбу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида айрим маҳаллий солиқлар ва йиғимларни умумий, қатъий ставкаларда белгилаши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинadиган солиқ, айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ҳамда юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимларнинг миқдорлари, уларни ундириш тартиби, улар бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этиш Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Юридик шахслар томонидан бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисобварақларида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳар бир тури бўйича юритилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўз вақтида тўланиши, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ ва йиғимларни тўловчилар зиммасига юкланади.

Маҳаллий солиқ ва йиғим тўланишининг тасдиғи бўлиб амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк муассасаси ёки ваколатли орган берган ҳужжат ҳисобланади.

Айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим тўловчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу товарлар билан белгиланган тартибда чакана савдони амалга оширадиган юридик шахслар ҳисобланади.

Йиғим айрим товар турлари билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун тўланади. Айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи рухсат гувоҳномаси билан тасдиқланади.

Рухсат гувоҳномаси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан конунчиликда белгиланган тартибда берилади.

Йиғим ҳар бир тур товар учун ҳамда ҳар бир савдо объекти бўйича алоҳида, ушбу товар тури учун белгиланган миқдорларда ҳар ойда ҳисобот ойининг 25 кунига қадар тўланади.

Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимнинг тўловчилари бўлиб, янги барпо этилаётган юридик шахслар ёки юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Давлат мол-мулки негизида барпо этиладиган акциядорлик жамиятлари, шунингдек деҳқон хўжаликлари мазкур йиғимни тўлашдан озод этиладилар.

Янги барпо этилаётган юридик шахс учун йиғимни уларнинг муассислари (юридик ва жисмоний шахслар) тўлаши мумкин.

Йиғим юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳаллий бюджетга банк муассасалари орқали тўланади.

Йиғим рўйхатдан ўтказишга ариза берилгунга қадар тўланади.

**Соддалаштирилган
солиқ тизимига ўтган
юридик ва жисмоний
шахслар.**

Ўзбекистон солиқ тизимида
соддалаштирилган (ихчамлаштирилган) солиқ
tizimiga ўтган юридик ва жисмоний шахслар
ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидаги солиқларни
тўлайдилар:

1) Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган, шунингдек фойдали қазилмаларни қавлаб олишни амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар Солиқ Кодексида белгиланган тартибда акциз солиғи ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаганлари тақдирда, ягона солиқ тўлови тўлашга ўтишлари мумкин. Ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ тўловчиларда импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти ҳам сақланиб қолади.

2) Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бундан мустасно), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (мол-мулк солиғи, айрим турлардаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, юридик шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим бундан мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар.

3) Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, акциз солиғини ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилганлик учун қўшилган қиймат солиғини истисно этганда, амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ўзи етиштирадиган қишлоқ хўжалиги

маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича ягона ер солиғини тўлайдилар. Ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича солиқ солишнинг ўзи белгилаган ставкалар бўйича солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлашни назарда тутувчи алоҳида тартибини белгилаши мумкин.

5) Кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун устама фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин. Устама фойда солиғи тўловчилар, уни тўлаш тартиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6) Лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўлайдилар. Ялпи тушумдан ягона солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**Бюджетдан ташқари
жамғармаларга
ажратмалар**

Бюджетдан ташқари жамғармаларга қуйидагилар киради:

- 1)
еспу́блика йўл жамғармасига ажратмалар;
- 2) Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратма;
- 3) Пенсия жамғармасига ажратма;
- 4) Ягона ижтимоий тўлов; Бу тўлов ўз навбатида қуйидагича тақсимланади:
 - Пенсия жамғармасига – 24,2 фоиз;
 - Бандлик жамғармасига – 0,5 фоиз;
 - Касаба уюшмаси жамғармасига – 0,3 фоиз.

**Солиқларнинг
гуруҳларга ажратилиши.
Юридик ва жисмоний
шахслар тулайдиган
солиқлар ва йиғимлар**

Ўзбекистон солиқ тизимида амалда бўлган солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинadиган солиқлар
2. Даромаддан олинadиган солиқлар
3. Мол-мулк қийматидан олинadиган солиқлар
4. Ер майдонига қараб олинadиган солиқлар.

Оборотдан олинadиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинadиган солиқлар

киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан олинадиган солиқлари киради. Бу гуруҳ солиқларга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юқини бошқалар зиммасига юклатиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқлар таркибига барча даромаддан тўланадиган солиқлар ва мол-мулк (ресурс) солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайитирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охиросида мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак бу гуруҳ таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқдир.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир. Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни эгри солиқларнинг барчаси бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равишда қўйилади.

Эгри солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар республикада ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортиқча пул массасини) бирмунча чегаралаб туради. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан-тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси илмий асосланмасдан ошириб юборилса бундай ҳолатда корхоналар ўз товарларини сотиш қийинчилигига дуч келишлари мумкин.

Жаҳон солиқ амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлигига баҳо бериш мумкин. Масалан. АҚШда бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар салмоғининг 90 фоизга яқин бўлиши бу мамлакат иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Биз қуйида Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида тўғри солиқларнинг таркибини ва ундаги ўзгаришларни кўриб чиқамиз (1-жадвал).

Келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 1999-2003 йиллар мобайнида тўғри солиқларнинг мамлакат давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, халқаро бюджет амалиётида шаклланган тенденциялар нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг ўрни³

№	Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002	2003	2003 йилда 1999 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
1.	Давлат бюджети даромадлари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
2.	Шу жумладан: тўғри солиқлар	40,6	37,8	37,7	34,6	35,8	-4,8

Чунки, мазкур тенденцияларга мувофиқ, бозор иқтисодиёти шароитида тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи барқарор тарзда сақлаб турилиши ёки ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқлари киради.

1999-2003 йиллар мобайнида эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган (2-жадвал).

Мазкур тенденциянинг мавжудлиги давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор

³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

даромад манбалари ҳисобланади ва эгри солиқлар бўйича тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркибида эгри солиқларнинг ўрни⁴ (фоизда)

№	Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002	2003	2003 йилда 1999 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
1.	Давлат бюджети даромадлари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
	Шу жумладан: -эгри солиқлар	46,1	45,6	51,9	54,6	57,8	+11,7

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатларини ўсиш тенденциясига эга эканлиги давлат бюджети даромадлари ҳажмини узлуксиз ошириб боришни тақозо қилади. Бу эса, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи каби барқарор даромад манбаларини бюджет даромадларининг таркибидаги юқори салмоғини таъминлашни тақозо қилади.


Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб бир-бири билан ўзаро боғланган.

Солиқларнинг умудавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга ва йиғимларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни, жумладан, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, муҳофаа, муҳофаа, хавфсизликни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор шу каби стратегик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлишни талаб этади. қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умудавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона

⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

моҳиятга эга бўлиб, улар бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳисобланади.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳокимият органлари асосан фуқароларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни, жумладан, мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос.



1-чизма. Юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар⁵

Шунинг учун ҳам маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади ва улардан бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда умумдават солиқларидан ажратмалар берилади. (масалан, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва йиғимларнинг ҳал қилувчи қисмини юридик шахс солиқлари ва бошқа тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар қуйидаги умумдават ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлайдилар (1-чизма).

Юридик шахслар солиқ тўловчи бўлиши учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга бўлишлари ҳамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган (кодга эга) бўлишлари шарт.

Жисмоний шахслар Давлат бюджетига қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлайди:

1. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ.
2. Мол-мулк солиғи.
3. Ер солиғи.
4. Жисмоний шахсларнинг автомобилларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлиги учун солиқ.
5. Жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда даромадига ўрнатилган қатъий ставкадаги солиқ.
6. ва бошқа қонунчиликда назарда тутилган солиқлар ва йиғимлар.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ тизими тушунчаси нимани ифода этади?
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини тавсифланг?
3. Қайси юридик ва жисмоний шахслар соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган?
4. Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади?
5. Солиқларнинг умумдават ва маҳаллий солиқларга ажратишнинг сабаби нимада ва улар қандай фарқланади?
6. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?

⁵ Муаллиф томонидан Солиқ кодекси асосида ишлаб чиқилди.

II БЎЛИМ. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ

2-Мавзу: Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи

- **Даромад (фойда) солиғининг жорий қилиниши, иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.**
- **Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти.**
- **Жами даромадлар таркиби, жами даромаддан чегирмалар.**
- **Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар.**

Соли

қ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни бюджетга тўлаш муддатлари.

**Даромад (фойда)
солиғининг жорий
қилиниши, иқтисодий
моҳияти ва аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси давлат
бюджети даромадлари 1991 йилга қадар
асосан далаат корхоналари фойдасидан
ажратиладиган ажратмалар ҳисобидан
шаклланади. Ушбу фойдадан ажратма

давлат томонидан белгиланган мажбурий тўлов бўлиб, у корхоналар баланс фойдасининг 90 фоизгача бўлган қисмини бюджетга олиб кетар эди. Қолган маблағлар эса корхона томонидан эмас, балки юқори ташкилот топшириғига кўра фондларга тақсимланади эди.

Республикаимиз маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиши туфайли мамлакатимиз хўжалик турмушида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Натижада мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши, корхоналарнинг имкониятини ошириши, бозор инфраструктураси ривожланиши билан мажбурий ажратмаларнинг аввалги тизими корхоналарнинг хўжалик юритиш самарадорлигини таъминлай олмай қолди ҳамда улар бевосита ва билвосита инвестиция дастурларига тўсқинлик қила бошлади. Чунки, фойдадан ажратма ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра фақат давлат корхоналари фойдасидан ажратилиши лозим эди.


Бозор муносабатлари ривожланиши билан иқтисодиётни солиқлар ёрдамида тартибга солиш хусусан, фойдадан ажратмалар ўрнига даромад солиғини жорий этиш зарурати пайдо бўлди ва 1992 йилдан бошлаб барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар “Даромад” солиғини тўлашга ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси рубл минтақасида қолиб турган вақтда даромад солиғини олишга ўтиш пул қадрсизланиши туфайли иш ҳақи ўсишини чеклаш учун давлат томонидан мажбурий чора бўлди. Бундай шароитда ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи ёмонлаша бошлади. Натижада маҳсулотга талаб пасайиб, сотишдан олинган тушум ҳажми камайгани ҳолда, улар ўз ишлаб чиқаришлари йўналишини ўзгартиришга,

фойда олмасалар ҳам жуда ката миқдорда ишчиларга иш ҳақи тўлашга мажбур бўлдилар. Бундай ҳолатда амалиётда корхоналар ҳисобот даврида фойда билан фаолиятларини якунламасада даромад солиғини иш ҳақи фондидан белгиланган ставкада тўлашга мажбур эдилар.

1995 йил январ ойидан бошлаб солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида республикада корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ жорий этилди. Шу билан бир қаторда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун даромад солиғи ва ялпи даромад солиғи тартиби сақлаб қолинди (тижорат банклари, суғурта компаниялари, кино-концерт фаолияти олиб боровчи муассасалар, кўнгил очар ўйинларни ташкил этувчи корхоналар, биржа ва бошқа шу каби корхоналар).

1998 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодексининг 6-моддасига кўра юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи умумдават солиқлари таркибига кириб, у давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий манбаларданбири ҳисобланади.



1-диаграмма. 2001-2005 йилларида юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги салмоғи⁶

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғининг улуши 2000 йилда 12,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2005 йилда 6,3 фоизни ташкил этган, яъни таҳлил этилган 6 йил давомида бу кўрсаткич 2 баробарга камайган. Бу юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи ставкаларини йилдан-йилга пасайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Даромаднинг кўп қисми корхоналар ихтиёрида қолиши уларнинг инвестицион фаоллигини оширади, янги ишчи ўринлар, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар кўрсатиш учун молиявий имконият яратилади.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2000-2005 йилларидаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогноз ива Давлат бюджети параметрлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари материаллари асосида тайёрланган.

**Солиқ тўловчилар
таркиби, солиқ объекти**

Солиқ кодексига кўра юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Аммо солиққа тортишнинг алоҳида тартибига ўтган корхоналар, жумладан ягона солиқ тўловига ўтган микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари, ягона ер солиғи тўловчи кишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар бу солиқни тўламайдилар. Улар ўзлари учун ихчамлаштирилган солиқни тўлайдилар. Булардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг фақат алоҳида турларига қатъий ставкада солиқ тўловчилар ҳам бу солиқни тўламайдилар.

Солиққа тортиш мақсадида даромад (фойда)га солиқ тўловчиларни резидентлар ва норезидентларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб, Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳамда бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар Ўзбекистонда ва ундан ташқаридаги фаолиятдан олган даромадларидан даромад (фойда) солиғига тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари эса фақат Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишдан олган даромадлари бўйича солиққа тортиладилар.

Резидентлар доимий фаолият кўрсатувчилар бўлса, норезидентлар фаолияти Республикада вақтинчалик характерга эга.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилари бўлиши учун кўйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- рухсат этилган фаолиятдан даромад (фойда) олиши;
- ўзининг мол-мулкига эга бўлиши;
- мустақил тугалланган бухгалтерия балансига эга бўлиши;
- банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши;
- идентификацион рақамга эга бўлиши.
- маҳаллий ҳокимият органларидан рўйхатдан ўтган бўлиши.

Умумий тартиб бўйича юридик шахслар шу шартларга жавоб берсагина даромад (фойда) солиғи тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

**Жами даромадлар
таркиби, жами
даромаддан чегирмалар**

Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқни тўлиқ, тўғри аниқлаш (ҳисоблаш) учун уларнинг жами даромадлари таркибига нималар киришини мукамал ўрганиш зарур бўлади.

Юридик шахсларнинг жами даромади таркибига улар томонидан олинishi лозим бўлган (олинган) ортилган товар, бажарилган иш,

кўрсатилган хизмат ҳақлари каби пул ва бепул (пулсиз) қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Демак, олинган кредитлар жами даромадга киради.

Жами даромад таркибига қуйидагилар киради:

- маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум. Унга ортилган маҳсулот қийматини тўлаш учун ҳисоблашиш ҳужжатларида кўрсатилган сумма; буюртмачи томонидан тасдиқланган, бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар; кўрсатилган хизматни бажарилганлигини тасдиқловчи суммалар киради. Воситачилик фаолиятидан (комиссион тақдирлаш) даромад олувчи ташкилотлар учун тушум ҳамма битимлар бўйича комиссион тақдирлаш (процентлар) суммалари ҳисобланади.

- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активлар сотишдан даромадлар.

Корхонанинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинган даромадларни аниқлашда солиққа тортиш мақсади учун ушбу асосий воситалар ва мол-мулкнинг сотилиш ва қолдиқ қийматлари ўртасидаги (ошиб кетган ҳолда) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати асосий фондлар, моддий активлар, арзон ва тез эскирувчан буюмларга нисбатан қўлланилади.

- фоизлар ва дивидендлар турида олинган даромадлар;

- бепул олинган мулклар. Лекин бепул олиш бир тизим ичига кирувчи корхоналар томонидан бўлса унда даромад ҳисобанмайди. Тизим дейилганда вазирликлар, концернлар, уюшмалар трестлар ва шу каби ҳаракатлар тушунилади;

- мулкларни ижарага беришдан олинган даромадлар. Аммо амортизация қилинадиган асосий воситалар лизинг шартномаси бўйича ижарага берилса, солиққа тортиш мақсадида мулкни сотиб олган ҳисобланади;

- роялти-интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқидан даромадлар, муаллифлик ҳақлари, патентлари, чизмалар товар белгилари, янги моделлардан даромадлар;

- бепул молиявий ёрдам (бюджет маблағларидан ташқари);

- даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан келадиган даромадлар. Қонунчиликка кўра даво муддати юридик шахслар учун 3 йил қилиб белгиланган (мисол: корхона сотувчи олдида 2003 йил январ ойида берилган 500 минг сўмлик товар учун кредитор қарзи мавжуд эди. Ушбу кредиторлик қарзининг пайдо бўлган даврдан 3 йил муддат, яъни даъво қилиш муддати ўтгандан сўнг 2006 йил январда корхона 500 минг сўмни ўзининг даромадига олиши шарт);

- илгари чегирма қилинган қарзлар, зарарлар ва умидсиз қарзларни тушишидан олинган суммалар.

Бундай даромадларга қуйидагилар киради:

- аввал чегирмага олиб борилган ва кейинги солиқ даврларда қопланган суммалар;

- аввал чегирмага олиб борилган харажатларни (зарарларни) қоплаш учун олинган ихтиёрий компенсациялар.

Олинган компенсация қопланган солиқ даври учун даромад бўлиб ҳисобланади.

■ валюта счёти бўйича ижобий курс фарқлари. Бунда хорижий валютада қилинган операциялар натижасида келиб чиқадиган фарқ тушунилади. Бундай фарқ товарлар операциясини амалга оширган кун билан ушбу операция бўйича ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилган кунда бухгалтерия ҳисобида операцияни сўмдаги кўрсатишида ёзилиш вақтида ҳосил бўлади.

■ фавқулодда даромадлар (бунда олинган даромад корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлиши керак эмас ҳамда корхона раҳбариятининг қарорига бевосита боғлиқ бўлмаслиги керак);

■ ҳар хил даромадлар (товарларни қўшимча баҳолаш натижасида олинган даромад, юкланган ёки қарздор томонидан тан олинган жарима, пеня ва бошқа санкциялар).

Даромадлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори Билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан аниқланади ва қўйидаги кетма-кетликдаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

1) маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.

ЯФ=ССТ-ИТ, бу ерда:

ЯФ-ялпи фойда, ССТ-сотишдан олинган соф тушум, ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;

2) асосий фаолиятдан олинган фойда.

АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ, бу ерда:

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда, ДХ-давр харажатлари, БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

3) умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар).

УФ=АФФ+МД-МХ,

бунда: УФ-умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда; МД-молиявий фаолиятдан даромадлар; МХ-молиявий фаолият харажатлари;

4) солиқ тўлангунча олинган фойда.

СТФ=УФ+ФП-ФЗ,

бунда: СТФ-солиқ тўлагунча олинган фойда; ФП-фавқулодда вазиятдан олинган фойда; ФЗ-фавқулодда вазиятдан кўрилган зарар.

Йилнинг соф фойдаси, корхона даромад солиғини ва ундан кейин ободонлаштириш ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлагандан сўнг корхонанинг ўзида қолади.

Демак, соликқа тортиладиган даромад солиқ тўлагунча олинган фойдага Низом бўйича унинг 1 ва 2 иловалардаги харажатларни қайта қўшиш билан аниқланади.

Жами даромаддан чегирмаларга қуйидагилар киради ва улар соликқа тортиладиган даромаддан чегирилади:

- қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, божхона божлари суммалари;

- банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно;

- ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар ва бошқа оммавий томоша ташкилотлари бундан мустасно).

- белгиланган тартибда киритилган рента тўловлари суммаси;

- ижара ҳақи (лизинг тўлови);

- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

- чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматлари қиймати;

- мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақиға ҳисобланган суммалар;

- маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификациялаш ишларига ҳақ тўлаш суммалари;

- нормалар бўйича хизмат сафари, вакиллик мақсадлари, реклама, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари суммалари;

- маҳаллий ҳокимият органлари тасдиқлаган нормада солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълим муассасалари, уй-жой фондини сақлашга харажатлар суммалари, юқоридаги мақсадларга улуш қўшиб қилинган харажатлар;

- қонун бўйича бошқа шу каби мажбурий тўловлар.

Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадларини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган Низом бўйича уларнинг жами даромадларидан жами харажатларини (чегирмаларини) чиқариб ташлаб шу Низомда белгиланган даромадга қайта қўшилаётган харажатларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Банклар ва суғурта ташкилотларида Низомдаги чегирмалардан ташқари жами даромаддан қуйидагилар чегирилади:

1. Банклар бўйича:

- кредит ресурслари учун тўловлар;

- операцион харажатлар;

- пул маблағлари ва бойликларни ташиш ва сақлаш харажатлари;
- мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар, шу жумладан жисмоний шахсларга;
- хавф-хатар операциялари захираси ҳисоботидан чиқарилган умидсиз ссудалар.

2. Суғурта ташкилотлари бўйича:

- қайта суғурталаш шартномаси бўйича берилган тўловлар суммаси;
- ҳисобот даврининг охирига ҳаракати тўхтатилмаган суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномаси бўйича тўловлар;
- суғурталаш ва қайта суғурталаш мажбуриятлари бўйича ҳисобланган ва тўланган суммалар;
- сўров муддати атрофида суғурта ҳолат бўйича тугалланмаган тўловлар суммаси;
- зарар миқдори кўрсатилмаган, суғурта ҳолат кирим тўғрисида хабар берилган шартнома бўйича тўловлар суммаси;
- суғурта ҳолат олдини олиш тадбирларига йўналтирилган маблағлар;
- суғурта ташкилотининг захира фондига 20 фоизгача бўлган миқдорда ажратма, лекин шу фондлар миқдори уларнинг устав фондининг 25 фоизига етгунча ажратмалар.

Солиқ тўловчилар (банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) сўров муддати тамом бўлиши билан умидсиз қарзларни чегириш ҳуқуқига эга, агар улар товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш билан боғлиқ бўлиб илгари жами даромадга олинган бўлса.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пеня суммаси қимматли қоғозлар реализация қилинганда вужудга келган зарарлар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳамда ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар жами даромаддан чегирилмайди.

Тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганда вужудга келган зарарлар асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида Солиқ кодексида белгиланган нормалар доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари, номоддий активларга қилинган харажатлар жами даромаддан эскириш тарзида ҳар ойда уларнинг бошланғич қиймати асосида ҳисобланган нормалар, геологик тадқиқотлар ва шунга ўхшаш харажатлар амортизация нормаси бўйича 15 фоиз миқдорида жами даромаддан чегирилади.

Бюджет билан даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни юридик шахслар мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим тармоқлар юридик шахсларининг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари ҳам мумкин.

**Солиқ ставкалари ва
солиқдан имтиёзлар**

Юридик шахсларнинг даромад (фойда)
солиғи ставкалари ҳар йили Вазирлар

Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкаси 1998 йилда 36 фоизни ташкил этгани ҳолда 2001 йилда 26 фоизга тушган. 2002 йилга эса 24 фоиз, 2003 йилдан бошлаб 20 фоиз, 2004 йил 18 фоиз, 2005 йил 15 фоиз қилиб белгиланган.

Қуйидаги жадвал маълумотларида юридик шахсларнинг даромади (фойдаси) га солиқ ставкалари келтирилган.

3-жадвал

2006 йилдан юридик шахслар даромади (фойдаси) га солинадигна солиқ ставкалари⁷

№	Тўловчилар	Солиқ тортиладиган даромадга, %
1	Юридик шахслар (2-3 бандлардагидан ташқари)	12
2	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
3	Болалар учун товарлар, аёллар гигиена буюмлари, бадий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар	10
4	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (иш, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспорт қилувчи корхоналар учун:	
5	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	ставка 30% га пасайтирилади ставка 2 марта пасайтирилади

Норезидент солиқ тўловчининг даромадини чет элга ўтказилаётганда 10 фоиз миқдорида даромадга (фойдага) солиқ ундирилади.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борган норезидентнинг даромади ҳеч қандай чегирмасиз даромад манбаида қуйидаги ставкаларда солиққа тортилади:

- дивидендлар ва фоизлардан;
- суғурта мукофотлари, суғурталаш ва қайта суғурталаш хавф-хатари тўловлари;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан Халқаро алоқа учун телекоммуникация ва транспорт хизмати (фрахта даромади);

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПФ-244-сонли қарори.

- роялти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув хизмати, маслаҳатлар ва бошқа даромадлар.

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тўлов манбаида 10 фоизли ставка билан солиққа тортилади.

Солиққа тортиш мақсадида дивиденд деб акциялардан ва бошқа хўжаликлар-субъектларининг устав капиталидаги қатнашиш улушидан олган даромадлари тушунилади.

Фоизларга эса депозит омонатлар, қарздор мажбуриятлар ва бошқа қимматли қоғозлардан олган даромадлар киради.

Манбаида солиққа тортилган ва дивиденд, фоиз олган норезидент жами даромадидан тегишли тартибда белгиланган ҳужжатларни тақдим этган тақдирда чегирма олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Солиқ кодексига кўра даромад (фойда) солиғидан бериладиган имтиёзларни 3 гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1) Солиқдан тўлиқ озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари;

2) Солиқдан вақтинча озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари;

3) Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадларининг камайирилиши.

Даромад (фойда) солиғидан қуйидаги юридик шахслар тўлиқ озод этилади:

1) протез-ортопедия маҳсулотлари, инвентарлар ҳамда ногиронлар учун хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар-асосий фаолият тури бўйича;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фахрийлари ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари);

3) даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устаконалари;

4) жазони ижро этувчи муассасалар;

5) нотижорат юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан ташқари.

Нотижорат ташкилотларига қуйидагилар киради:

- фақатгина бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилладиган, харажатларни қоплаш учун бюджетдан дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва фондлари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

- тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган ижтимоий-хайрия ва бошқа мақсадларда

тузилган ташкилот ва бирлашмалар;

6) шаҳар йўловчи транспорти (такси, маршрутли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган хизматлар бўйича;

7) Юридик шахслар тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромад (фойда)лари бўйича;

8) юридик шахслар умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қуриш ишларини амалга оширишдан олинган даромад (фойда)лари бўйича.

Қонунчиликда даромад (фойда) солиқдан қуйидаги юридик шахсларни вақтинчалик озод қилиш кўзда тутилган:

1) янги ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли товарлари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромади (фойдаси) бўйича рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан 2 йил муддатга;

2) чет эл инвесторлари иштирокидаги янги ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар:

- агар ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоиздан ортиғи болаларбоп маҳсулотлардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 5 йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади;

- агар чет эл сармоясининг улуши корхона устав фондининг 50 фоизи ва ундан кўпни ташкил этса. Ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 2 йил муддатга озод этилади;

3) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан дастлабки 7 йилга озод этилади;

4) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш (узум ва мевалардан винолар, ўткир ичимликлар тайёрлашдан ташқари) халқ истеъмоли товарлари ва бинокорлик материаллари, тиббиёт асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга, иккиламчи хом-ашё ва маиший чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган, устав фондидаги чет эл капитали 30 фоиздан ортиқ бўлган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар-рўйхатдан ўтган даврдан эътиборан икки йил давомида;

5) кўрғонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудларида янги тузилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлаган пайтдан эътиборан 3 йилга озод этилади. Кейинги йилларда солиқ ставкаси икки марта камайтирилади. Ишлаб чиқариш техника аҳамиятига эга бўлган

ва қурилиш материаллари, маиший коммунал хизматлари ишлаб чиқарса имтиёз кичик ва ўрта бизнесга ҳам тегишлидир.

6) Янги тузилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминлов ва тайёрлов ташкилотларидан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан эътиборан биринчи йили 25%, иккинчи йили 50% белгиланган ставкадан камайтирилган солиқ тўлайдилар. Кейинги йиллар белгиланган ставкада тўлиқ тўлайдилар;

7) ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмалари;

8) қишлоқ жойларида янги ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушгандан бошлаб 3 йил муддатга. Бу муддат ўтгандан сўнг кейинги икки йил мобайнида мазкур қўшма корхоналар учун солиқ ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

9) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бор юридик шахслар;

10) дивиденд тариқасида олинган даромад, дивиденд тўлаган корхонанинг устав капиталига йўналтирилса солиқдан озод этилади.

Янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар (қўшма корхоналардан ташқари) аввалдан ишлаб турган корхоналар, уларнинг филиаллари негизида ташкил қилинса, корхоналардан олган асбоб-ускуналарни хўжалик-фаолиятида ишлатаётган бўлса берилмайди.

Янги ташкил этилаётган корхоналарга берилган имтиёзлардан улар бир йил ичида тугатилса, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ солинадиган даромад (фойда) қуйидаги суммага камайтирилади:

а) экология, саломатлик ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

б) инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача муассасалар қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шarti билан, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

в) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар даромади (фойдаси)дан шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Истеъдод” жамғармаси дастурларини молиялашга йўналтириладиган маблағлар суммасига.

д) Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси куйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи 1 фоиз камайтирилади.

е) ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган даромадлар.

Солиқ тўловчиларга Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланиши кўзда тутилган.

Солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни бюджетга тўлаш муддатлари	Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ўсиб боровчи якун билан чиқарилган даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ ҳисобини рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ идораларига йил чоракларига оид ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларида топширадилар.
---	--

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ ҳисобини тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиб олиши мумкин. Хабарномада бунинг сабаби ҳамда ҳисоботлар, солиқ ҳисоби қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) 5 кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи 15 кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ ҳисобини тақдим этиши шарт.

Даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларида белгиланган шакл (-- илова) ва тартибда тақдим этилади.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғини даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисобларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичида тўлайдилар.

Масалан, 1 чорак учун ҳисоботлар 12 апрелгача топшириш керак, демак солиқ ҳисоби ҳам 12 апрелгача топширилади. Солиқни тўлаш шу кунгача амалга оширилади. Қўшма корхоналар чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар ҳисобланган солиқни тўлашлари шарт.

Йилнинг ҳисобот чорагида товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан кўпроқ миқдорда даромад (фойда) олган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича жорий тўловларни ҳар ойнинг 15-кунида йилнинг чораги бўйича даромад (фойда) солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлайди.

Юридик шахслар аванс тўловлар суммасини ҳисоблаб чиқариш учун йилнинг жорий чораги биринчи ойининг 5-кунигача солиқ рўйхатидан ўтган жойдаги солиқ органига йилнинг тегишли чорагида олиши мўлжалланган даромад (фойда) ҳамда белгиланган даромад (фойда) солиғи ставкаси асосида маълумотнома тақдим этадилар. У қўйидаги шаклда бўлади (4-жадвал).

Ҳар ойнинг 15 санасига 44,8 минг сўмдан (134,4:3) солиқдан жорий сумма корхонанинг шахсий ҳисоб рақамига ёзиб қўйилади.

Йил мобайнида тўланган даромад (фойда) солиғи жорий (бўнак) суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

4-жадвал

«Санжар» хусусий корхонасининг 2006 йил 3 чораги учун кутилаётган даромад (фойда)дан бюджетга жорий тўловлар тўғрисида маълумотнома

Кўрсаткичлар номи	минг сўм
1. Кутилаётган даромад (фойда)	5850
2. Солиқ ставкаси, фоизда	12
3. Бюджетга тўлаши лозим бўлган 3-чорак учун солиқ суммаси	702,0

Жорий тўловлар белгиланган муддатларгача бюджетга тўланмаса уларга нисбатан Солиқ қонунчилигида кўзда тутилган ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 0,07 фоиз миқдорида пеня (молиявий жарима) қўлланилади.

Ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олган даромади 200 каррали минимал иш ҳақидан кам бўлган корхоналар чоракда бир марта тўлов тўлайдилар. Аввалги чоракларда тўлаган солиқлари ҳисобга олиб борилади.

Солиқ тўловчилар биринчи чорак, ярим йил ва йил ўтиши билан йил бошидан ҳисобланган якун билан солиқни ҳақиқий олинган даромаддан келиб чиқиб даромадга солиқни мустақил ўзлари ҳисоблаб чиқадиладар. Йил мобайнида тўлаган солиқлари ҳисобот йилидаги ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинади.

Ҳақиқий олинган даромад (фойда)га қараб ҳисобланган солиқ суммаси (фарқи) бюджетга чораклик ва йиллик молия ҳисоботи топшириш мўлжалланган кунгача тўланади (1-илова).

Ортиқча тўланган солиқ суммаси келгуси тўловларга ўтказилади ёки солиқ тўловчига бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи бўлмаса ундан ёзма ариза олган кундан бошлаб 30 кун ичида корхонага қайтарилади.

Даромад (фойда)га солиқни ўз (тўлов) манбаида ушлаб қолиш ҳоллари мавжуд. Қўйидаги даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқларни манбаида ушлайдилар:

- юридик шахсларга дивиденд ва фоизлар тўловчилар;
- доимий муассасаси бўлмаган юридик шахс норезидентларга тўловлар тўловчилар;

даромад (фойда)га солиқни ушлаш ва бюджетга ўтказиш жавобгарлиги даромадлардан солиқ тўлашни амалга оширувчи юридик шахслар зиммасига тушади. Даромаддан солиқ тўловчи юридик шахс солиқ суммасини ушламаган тақдирда бюджетга ушланмаган солиқ суммаси ва у билан боғлиқ бўлган жарима ва пеняни ҳам тўлайди.

Дивиденд ва фоизлар тўловчи юридик шахслар қўйидаги шаклда солиқ ҳисобини топширадилар ва тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 кун ичида солиқ суммасини бюджетга ўтказишади.

5-жадвал

Дивиденд ва фоизларга солиқ ҳисоби⁸
(2006 йил январь ойи учун, минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Тўловчи маълумоти бўйича	Солиқ инспекцияси маълумоти бўйича
Ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар	2500	2500
Солиқ ставкаси	10	10
Бюджетга тўлаши лозим бўлган солиқ суммаси-жами	250	250

Даромадларни манбаида тўловчи юридик шахслар молия йили тугаши билан 30 кун ичида давлат солиқ хизмати идораларига ҳамда даромад олган юридик шахсларга уларнинг талаблари бўйича далолатнома топширадилар. Унда шу шахсларнинг рўйхат рақамлари, номлари, умумий олинган даромад ва жами тўланган солиқ суммаси ҳисобот йили учун кўрсатилган бўлади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси 5 кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи 15 кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ ҳисобини тақдим этиши шарт.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Қўйидаги маълумотларга асосан даромад (фойда) солиғини ҳисобланг. (маълумотлар м. сўм ҳисобида келтирилган)

1. Маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан тушган тушум – 4380
2. Қўшилган қиймат солиғи – 688
3. Акциз солиғи – 500
4. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари – 2695

⁸ Муаллиф томонидан Солиқ кодексига асосан ишлаб чиқилди.

5. Сотиш харажатлари – 35
6. Маъмурий харажатлар – 83
7. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад – 35
8. Олинган дивидендлар – 75
9. Валюта курси бўйича мусбат фарқ - 29
10. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар – 15
11. Фавқулодда фойда – 5
12. “Харажатлар таркиби тўғрисида....” ги Низомнинг 1-илова харажатлари - 312
13. Солиқ имтиёзи - 100

Ечилиши:

1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг объекти “Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ аниқланиб, унга мувофиқ солиқ объектини аниқлаш кўйидаги тартибда олиб борилади.

$$\mathbf{ЯФ = ССТ - ИТ = 3192 - 2696 = 497}$$

(бу ерда, ЯФ - ялпи фойда; ССТ - сотишдан олинган соф тушум; ИТ- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари).

$$\mathbf{АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ = 497 - 118 + 35 = 414}$$

(бу ерда, АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда; ДХ - давр харажатлари; БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар).

$$\mathbf{УФ = АФФ + МД - МХ = 414 + 104 - 15 = 503}$$

(бу ерда, УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ - молиявий фаолтят харажатлари).

$$\mathbf{СТФ = УФ + ФП - ФЗ = 503 + 5 = 508}$$

(бу ерда, СТФ- солиқ тўлангунгача олинган фойда; ФП-фавқулодда фойда; ФЗ- фавқулодда зарар).

2. СТФга юқоридаги Низомнинг 1-илова харажатлари ва 2-илова харажатларининг фарқи тикланади, яъни бизнинг мисолимизда:

$$508 + 312 = 8200 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

Ушбу суммадан акциялар ва қимматли қоғозлардан дивидендлар (фоизлар) тўлов манбаида солиққа тортилганлиги боис чегирилади, яъни:

$$820-75=745 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

Шундан солиқ бўйича имтиёзлар чегирилади, яъни

$$745-100=645 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

3. 2006 йил учун даромад (фойда) солиғи ставкаси 12 фоизлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ суммаси:

$$\mathbf{Д(ф)с = 645 \times 12 / 100 = 77.4 \text{ минг сўмни ташкил этади.}}$$

2-масала. Ишлаб чиқариш корхонаси иккинчи йил фаолият юритмоқда, унинг фойда солиғи тўлагунгача бўлган даромади (2-сон, 170-сатр) 150 минг сўм бўлган.

Ҳисобот даври учун қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Ҳокимиятга ҳомийлик ёрдами кўрсатилган – 18 минг сўм;

Қариялар уйига ёрдам кўрсатиш учун – 249 минг сўм (йил давомида тўпланган эскириш – 281 минг сўм);

Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим бўлган даромад солиғи неча сўмга тенг?

3-масала. Қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиқлар тўловчиси ишлаб чиқарувчи корхона 2005 йил ҳисобот даври учун қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Ички бозорда маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 12800 минг сўм;

Чет эл валютасига сотилган маҳсулот 14 минг АҚШ доллари миқдорида (юк ортилган вақтда 1 АҚШ доллари – 1140 сўм);

Омборхоналарни ижарага беришдан олинган соф даромад – 2700 минг сўм;

Ускуналарни ўз вақтида олиб келиб ўрнатилмагани учун сотувчи корхонадан тушган жарима ва шартномада кўрсатилган қўшимча тўлов – 998 минг сўм;

Ёрдамчи корхонадан олинган дивидендлар (дивиденддан ундирилган солиқ ҳақидаги маълумот мавжуд) – 1339 минг сўм;

“Ишонч” фирмаси томонидан ходимлар бўлимига тегишли 1751 минг сўмлик компьютер дастури яратилган ва текинга ўрнатиб берилган.

2004 йилда қонунчиликка асосан чегирмага олиб борилган 3005 минг сўмлик сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушган.

Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарни – 11375 минг сўм, шу жумладан ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши белгиланган меъёрга нисбатан 2 коэффициент қўлланилган бўлиб, 2100 минг сўмни ташкил этган.

Ўтган давр учун қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Меъёр чегарасида ўзининг маҳсулотини реклама қилиш учун – 125 минг сўм сарфланган;

Бошқарувда ишловчилар учун иш ҳақи бўйича харажат – 4495 минг сўм;

Хизмат сарфари харажатлари, меъёргагиси – 392 минг сўм, меъёрдан юқори – 85 минг сўм;

Хизмат автомобили сақлаш учун харажатлар – 145 минг сўм;

Уяли телефон – 1345 минг сўм;

Ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган асосий воситалар эскириши – 895 минг сўм; Ҳисобот даврида ҳисобварақлар бўйича олинган қўшилган қиймат солиғи – 925 минг сўм.

Аниқланг:

1. *Ҳисобот даврида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғи суммасини.*

2. Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини.

3. Корхонанинг молиявий натижалари бўйича ҳисоботни тузинг.

4. Ҳисобот даври учун даромад (фойда) солиғининг шаклини тўлдилинг.

Масалани ечиш даврида мол- мулк солиғи, ер солиғи ҳамда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларга аҳамият бермасликка рухсат этилади.

4-масала. Қуйидаги маълумотларга асосида даромад (фойда) солиғини ҳисобланг (минг сўм):

1. Сотишдан олинган соф тушум – 3192
- шундан экспорт фаолиятидан – 670
2. Солиқ тўлангунга қадар олинган фойда – 508
3. Олинган дивидендлар – 75
4. Солиқ бўйича имтиёзлар – 100

Ечилиши:

1. Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ юридик шахсларнинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспортига имтиёзли ставкалар белгиланган. Демак, имтиёзли ставкаларнинг қайси бирини қўллашни аниқлаш учун экспорт маҳсулотининг умумий сотиш ҳажмидаги салмоғи аниқланади, яъни:

$$(670 / 3192) \times 100 = 20.9$$

Ушбу мисолда экспорт маҳсулотининг умумий сотиш ҳажмидаги салмоғи 20.9 фоизни ташкил этади. Бундай ҳолда белгиланган даромад (фойда) солиғи ставкаси 30 фоизга камайдиган, яъни:

$12 \times 30 / 100 = 3.6$ га, демак корхона даромад (фойда) солиғини 8.4 фоизда ($12 - 3.6$) тўлайди.

$$2. 508 + 312 - 75 - 100 = 645 \text{ минг сўм.}$$

$$645 \times 8.4 / 100 = 54.18 \text{ минг сўм.}$$

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғини тўловчилар кимлар?
2. Резидент ва норезидент нима?
3. Солиқ объекти ва солиққа тортиладиган даромадларга нималар киради?
4. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи ставкалари қандай белгиланган?
5. Қандай юридик шахслар даромад (фойда) солиғидан тўлиқ озод этилади?
6. Қандай юридик шахслар даромад (фойда) солиғидан вақтинчалик озод этилади?
7. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан камайтирилади?
8. Солиқ ҳисобини топшириш ва солиқни тўлаш тартиби қандай?

**Даромад (фойда)га солиқ бўйича 2006 йил 3 чорак
учун солиқ ҳисоби (рақамлар шартли)**

Кўрсаткичлар	қаторлар №	Сумма м.с
Фойдага солиқ тўлангунгача бўлган, молиявий якун (2 шакл «Молиявий якунлар тўғрисидаги ҳисоботнинг» 170 сатри)	010	2000
«Харажатлар таркиби тўғрисидаги» Низом бўйича солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (Илова №1)	020	200
Ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан камайтирилмайдиган сарфлар (Илова №2)	030	-
Солиққа тортиладиган базадан камайтириладиган илгариги қилинган харажатлар (махсус балансдан ташқари 010 сўётдан қилинган ҳисоб)	040	-
Солиққа тортиладиган базага киритиладиган сарфлар (030 қатор-040 қатор)	050	-
Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан дивидендлар (процентлар)	060	100
Солиққа тортиладиган даромад (фойда) (қаторлар 010-020-050-060)	070	2100
Солиқдан имтиёз (ҳисоби бўйича)	080	200
Имтиёзи ҳисобга олинган даромад (фойда) (070-080)	090	1900
Белгиланган солиқ ставкаси	100	12
ўзгартиш қилинган солиқ ставкаси	110	-
Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (қатор 090*110:100%)	120	158,3
ҳисобот даврида тўланган жорий тўлови суммаси	130	138
қўшимча ҳисобланади	140	20,3

3-Мавзу: Соддалаштирилган солиқ тизими (ягона солиқ тўлови)

- **Ягона солиқ тўловини тўловчилар, солиқ объекти.**
- **Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар.**
- **Солиқ ҳисобини тақдим этиш ва солиқни бюджетга тўлаш муддатлари.**
- **Ягона солиқ тўлови бўйича тўловни кечиктириш тартиби ҳамда унинг аҳамияти.**

Ягона солиқ тўловини тўловчилар, солиқ объекти.

2005 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон солиқ тизимида кичик бизнес субъектларининг баъзи тоифалари учун *ягона солиқ тўлови жорий қилинди.*

У бирхиллаштирилган бўлиб, қуйидаги мажбурий тўловларни тўлаш ўрнига жорий қилинади:

- ягона солиқ;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;
- Республика йўл жамғармаси;
- Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар унинг суммасини солиқ солинадиган база ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қиладилар. Бунда солиқ органларига давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида тақдим этилмайди, шунингдек пенсия, йўл ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар суммалари алоҳида тўланмайди.

Ягона солиқ тўлови *фақат кичик бизнес субъектлари - микрофирмалар ва кичик корхоналарга* татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида”ги ПФ-3305 сонли фармонига кўра 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес субъектлари таркибига қуйидагилар киритилган:

- якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар;
- ходимларининг ўртача йиллик сони:
 - ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан;
 - хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаган тармоқларда 10 кишидан;
 - улуғуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;
- қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати 100 кишидан;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари 50 кишидан;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Кичик бизнес субъектларига амалдаги солиқ қонунчилигига кўра тадбиқ этиладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялар фақат юқоридаги санаб ўтилган субъектларга тааллуқли бўлади.

У ёки бу корхонанинг юқорида айтилган субъектлар тоифаларининг бирортасига киритилиш мезони бўлиб ходимларнинг йиллик ўртача сони, шу жумладан унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишлайдиганлар сони ҳисобланади.

Ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутувчи солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими *ягона солиқ тўловчиси ҳисобланган кичик бизнес субъектларининг қуйидаги тоифаларига тадбиқ этилмайди:*

1) харид, таъминот-сотиш корхоналари;

2) брокерлик фирмалари;

3) комиссия шартномаси асосида хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар.

Улар учун илгари белгиланган *ягона солиқ* тўлашни назарда тутувчи солиқ солиш тизими сақлаб қолинади. Тегишлича, кўрсатилган субъектлар *давлат мақсадли жамғармаларига* (бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига, шунингдек мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига) белгиланган ажратмаларни тўлашни давом эттирадilar.

Ягона солиқ тўловининг жорий этилиши *солиқ солишнинг махсус тартиби белгиланган* ва ушбу сабабга кўра бошқа тизимни танлаш ҳуқуқига эга бўлмаган кичик бизнес субъектларига ҳам дахл этмайди. Буларга қуйидагилар киради:

1) улгуржи ва чакана савдони амалга оширувчи, шунингдек умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар. Улар учун *ялпи даромад солиғи ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар* тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади;

2) лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар. Улар ўзлари учун белгиланган *ялпи тушумдан ягона солиқни ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл*

жамғармаси ва Мактаб таълимини ривожлантириши жамғармасига ажратмаларни тўлашни давом эттирадилар;

3) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

Улар *ягона ер солиғи* тўловчилари сифатида ўз солиқ мақомларини сақлаб қоладилар. Шу билан бир қаторда белгиланган тартибда *Пенсия, Йўл жамғармалари ва Мактаб таълимини ривожлантириши жамғармасига ажратмаларни* тўлашда давом этадилар;

4) автотранспортни қисқа муддат сақлаш жойлари, болалар ўйин автоматлари, ўйин автоматлари, шу жумладан пул (буюм) ютуқли автоматлари билан таваккалчилик асосидаги ўйин автоматлари залларини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчилар, бильярдхоналар. Улар учун *қатъий белгиланган солиқ, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни* тўлаш сақланади.

Ягона солиқ тўлови солиш объекти (солиқ солинадиган айланма) бўлиб ялпи тушум ҳисобланади.

Қуйидагилар ялпи тушум таркибига киритилади:

1) маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушган тушум суммаси.

Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳалаш-қидирув ва илмий-тадқиқот корхоналари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган ялпи тушум тушунилади.

Лизинг компаниялари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда лизинг берувчининг даромади (маржа)дан келиб чиқиб ҳисобланган ялпи тушум тушунилади;

2) асосий фаолиятдан бошқа даромадлар.

Қуйидагилар асосий фаолиятдан бошқа даромадларга киритилади:

а) ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар;

б) ҳисобот йилида аниқланган, ўтган йиллардаги даромадлари;

в) рента даромади, микрофирма ва кичик корхоналар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сингари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғланмаган операциялардан бошқа даромадлар;

г) микрофирма ва кичик корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар;

д) кредиторлик ва дебиторлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш.

Товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига қараб солиқ солинадиган ялпи тушумга киритилади;

- ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан текинга олинган мол-мулк;
- з) бошқа операцион даромадлар.
- 3) *молиявий фаолиятдан даромадлар.*

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига қуйидаги даромадлар киритилади:

- а) олинган роялти ва капитал трансферти;
 - б) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда микрофирма ва кичик корхонага тегишли бўлган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;
 - в) мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа);
 - г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар.
 - д) қимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;
 - е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар.
- 4) *фавқулодда даромадлар.*

Товарлар (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш) бепул берилганда солиқ солиш объектига уларнинг қиймати ҳам киритилади, бу қиймат уларни ишлаб чиқаришга кетган амалдаги харажатлардан, мол-мулк бепул берилганда эса балансда қайд этилган қолдиқ қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Солиқ солинадиган ялпи тушум ҳисоблаб чиқиладиганда қуйидагилар ялпи тушумдан чиқариб ташланади:

- а) акцизли маҳсулот ишлаб чиқариладиганда акциз солиғи суммаси;
- б) давлат субсидиялари суммаси;
- в) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;
- г) тўлов манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (маълумотнома) мавжудлигида дивидендлар ва фоизлар.
- д) дивидендлар кўринишида олинган ва улардан олинган микрофирма ва кичик корхонанинг устав капитали (фонди)га йўналтирилган даромадлар.

Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар

Ягона солиқ тўловини юридик шахслар мустақил равишда белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар. Ягона солиқ тўлови ставкалари 2006 йил учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, у қуйидагича табақалаштирилган:

**Микрофирма ва кичик корхоналар учун
ягона солиқ тўлови ставкалари⁹**

Тўловчилар	Сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида
1. Иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари, 2-5-бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно.	13
2. Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар	5
3. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно.	6
4. Юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган корхоналар.	30
5. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар.	50
6. ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улуши қуйидагиларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
-агар сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлса	белгиланган ставка 30%га камаюди
-агар сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлса	белгиланган ставка 50%га камаюди

Қуйидаги микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан тўлиқ озод этилади:

- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулки бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари);

- истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар - истеъмол товарларини ишлаб чиқариш физик ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари бўйича;

- тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар - маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган тушум бўйича;

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПФ-244-сонли қарори.

2) белгиланган ставка қуйидаги кичик бизнес субъектлари учун пасайтирилади:

- истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар - амалдаги ставкадан 25 фоизга (ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини сотишдан олинган тушум бўйича).

2005 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналарга қуйидаги преференциялар назарда тутилади:

1) илгари кичик бизнес субъектларига ягона солиқ бўйича берилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Бу уни тўлашдан тўлиқ озод қилишга нисбатан ҳам, солиқ ставкасини пасайтиришга нисбатан ҳам белгиланади;

2) ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи. *Ушбу қоида фақат янги ташкил этилаётган (жорий йилнинг 1 июлида ва ундан кейин рўйхатдан ўтказилган) микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилади.*

3) акциз солиғи солинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш чоғида ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиладиган базани акциз солиғи суммасига камайтириш ҳуқуқига эга;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақини тўламаслик ҳуқуқи.

Солиқ амалиётига ягона солиқ тўловининг киритилиши кичик бизнес субъектларини ва микрофирмаларни солиққа тортиш услубиятини янада соддалаштирди.

Солиқ ҳисобини тақдим этиш ва солиқни бюджетга тўлаш муддатлари.

Микрофирма ва кичик корхоналар, асосий фаолияти билан бир қаторда, бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, ушбу фаолият турлари бўйича улар алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун қонунда назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашлари шарт.

Биринчи чорак, ярим йил ва 9 ой якунлари бўйича солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтиш жойидаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида белгиланган шаклда (2-илова) ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳар чоракда ўсиб боровчи якун билан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар амалга оширилади.

**Ягона солиқ тўлови
бўйича тўловни
кечиктириш тартиби
ҳамда унинг аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти-
нинг 2005 йил 20 июндаги “Микрофирмалар
ва кичик корхоналарни ривожлантиришни
рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида” ПФ-3620-сон
Фармониға мувофиқ янги ташкил этилган

микрофирма ва кичик корхоналарга (бундан кейин - корхона) ягона солиқ
тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби
белгиланган. Тўлашни кечиктириш ягона солиқ тўлови бўйича солиқ
мажбуриятини тўлаш муддатини муайян муддатга кўчиришни англатади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини олиш учун корхона, ягона
солиқ тўловини тўлашнинг биринчи муддати бошланишига кўпи билан 15
кун қолганда, унга тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида
тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига белгиланган шаклда
ариза топширади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси тўлаш муддатини кечиктириш
ҳуқуқини бериш тўғрисидаги аризани ариза келиб тушган кундан бошлаб 3
иш куни мобайнида кўриб чиқади, сўнгра тўлаш муддатини кечиктириш ёки
рад этиш тўғрисида қарор чиқариб, корхонанинг тақдим этилган аризасига
қабул қилинган қарор натижасининг тегишли белгисини қўяди.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг рад этиш тўғрисидаги
қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ариза
белгиланган шаклда тақдим этилмаган бўлса;
- тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ариза
белгиланган муддатдан кейин топширилса;
- корхона ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланмаса.

Ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бошқа
сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

Корхона аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги
(ҳаққонийлиги) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи корхонага корхона давлат
рўйхатидан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб бир йилга берилади.

Мисол учун, агар корхона давлат рўйхатидан 15 ёки 25 январда
ўтказилган бўлса, мазкур корхонага тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи
жорий йилнинг 1 январидан кейинги йилнинг 1 январигача бўлган даврга
берилади.

Корхонанинг хоҳишига кўра тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи
унинг ёзма аризасига асосан бир йилдан кам бўлган муддатга берилиши
мумкин. Корхона тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган даврда
бошқа солиқ режимиға ўтганида, ўтган пайтидан бошлаб корхона тўлаш
муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва унда қонунға мувофиқ
солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича
мажбуриятлар вужудға келади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ёки муддати кечиктирилган тўлов суммасини сўндириш ҳуқуқи берилган даврда корхона тугатилса, тўлаш муддати кечиктирилган тўлов суммаси қонунда назарда тутилган тартибда тўланади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган корхона туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига белгиланган тартибда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китобини тақдим этади. Бунда корхона ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг ўнгдаги юқори бурчагига “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сон Фармониға мувофиқ тўлаш муддати кечиктирилган” белгисини қўяди.

Агар тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш муддати чорак охириға қадар тугаса, ушбу даврлар учун ягона солиқ тўловининг суммасини аниқлаш учун корхона давлат солиқ хизмати органларига ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг белгиланган шакли бўйича ягона солиқ тўлови бўйича маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этади.

Мисол учун, агар тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқининг муддати 1 июнда тугаса, корхона туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига апрель ва май ойлари учун ягона солиқ тўловининг маълумотнома-ҳисоб-китобини тақдим этади, июнь ойи учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби эса 25 июлға қадар тақдим этади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ягона солиқ тўловини тўловчилари кимлар?
2. Ягона солиқ тўловига солиқ ставкалари қайси мезон асосида белгиланади?
3. Қандай юридик шахслар ягона солиқ тўловидан имтиёзға эға?
4. Ягона солиқ тўлови бюджетға қайси муддатларда тўланади?
5. Ягона солиқ тўловини бюджетға кечиктириб тўлаш тартиби қандай?

Ягона солиқ тўловининг
ҲИСОБ-КИТОБИ
 2006йил 1-чорак учун

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Ялпи тушум, жами	
2	Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум (2-сон “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” шаклининг 010-сатри)	
2.1	шу жумладан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага экспортидан	
3	Сотишнинг соф тушумида экспорт маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар)нинг салмоғи (2.1-сатр/2-сатр x 100), %	
4	Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммалар, жами (4.1-сатр + 4.2-сатр + 4.3-сатр + 4.4-сатр + 4.5-сатр), шу жумладан:	
4.1	Акцизли маҳсулот ишлаб чиқариш чоғида акциз солиғининг суммаси	
4.2	Давлат субсидияларининг суммаси	
4.3	Давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар	
4.4	Тўлаш манбаи томонидан солиқ тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигида дивидендлар ва фоизлар	
4.5	Дивидендлар шаклида олинган ва ундан олинган юридик шахснинг устав капитали (фонди)га йўналтирилган даромадлар	
5	Солиқ солинадиган ялпи тушум (1-сатр - 4-сатр)	
6	Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси, %да	
7	Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишдан тушумга солиқ солиш учун ягона солиқ тўловининг тузатилган ставкаси, %да	
8	Тўланадиган ягона солиқ тўлови суммаси (5-сатр x 6-сатр) ёки (5-сатр x 7-сатр)	
9	Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ягона солиқ тўловининг ҳисоблаб ёзилган суммаси (аввалги ҳисоб-китобнинг 8-сатри)	
10	Қўшимча тўлашга (8-сатр - 9-сатр)	
11	Камайтиришга (8-сатр - 9-сатр)	

4-Мавзу: Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш

- **Ялпи даромад солиғини тўловчилар.**
- **Солиқ солиш объекти. Солиққа тортиладиган объектдан чегирмалар.**
- **Ялпи даромад солиғи ставкалари, солиқни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.**

Ялпи даромад солиғини тўловчилар.

Амалдаги солиқ кодексига кўра улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Ялпи даромад солиғи тўловчиларига солиқ

солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқи татбиқ этилмайди.

Солиқ кодексига кўра савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи тушумдан ягона солиқ ва белгиланган даромаддан олинadиган ягона солиқ ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи билан бирга мол-мулк солиғини ҳам тўлайдилар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинadиган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Бунда мазкур тартиб ўз фирма дўконлари орқали нақд ҳисобкитобга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширадиган улгуржи савдо корхоналарига татбиқ этилади.

Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ва қонун ҳужжатларида мазкур тоифадаги корхоналар учун белгиланган солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловларни тўлаши лозим.

Агар юридик шахслар асосий фаолиятдан ташқари:

- чакана ва (ёки) улгуржи савдо фаолиятини амалга оширсалар, улар мазкур фаолият тури бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва савдо корхоналари учун белгиланган солиқларни тўлашлари лозим;

- юридик шахсларнинг балансида турган фирма дўконлари орқали ўз маҳсулотларининг чакана савдосини амалга оширсалар, улар солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун белгиланган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлайдилар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун:

-божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, акциз солиғи ва товарларни (ишлар, хизматларни) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи);

-давлат божлари;

-савдо ҳуқуқини берувчи йиғимлар, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқига учун йиғим;

-юримдик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим;

-давлат мақсадли фондларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади.

Ялпи даромад солиғи тўловчисини аниқлашда асосий мезон бўлиб юримдик шахсни давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган корхона фаолиятининг коди ҳисобланади.

**Солиқ солиш объекти.
Солиққа тортиладиган
объектдан чегирмалар.**

Ялпи даромад солиғи объекти бўлиб корхонанинг ялпи даромади ҳисобланади. Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киради:

• реализация қилинган товарларнинг харид ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ;

- асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан даромадлар.
- Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган ялпи даромадни ҳисоблаб чиқаришда солиққа тортиладиган объектдан қуйидагилар чегирилади:

-давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

-дивидендлар ва фоизлар, тўлов манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

-консигнация шартномалари бўйича товарларни сотувчи савдо корхоналари томонидан сотилган товарлар ҳиссасида божхона тўловлари (божхона божи, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи) суммаси.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган дивидендлар ва фоизлар (банк кредити учун фоизлардан ташқари) умумбелгиланган тартибда солиққа тортилади.

**Ялпи даромад солиғи
ставкалари, солиқни
ҳисоблаш тартиби ва
бюджетга тўлаш
муддатлари.**

Ялпи даромад солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхоналарнинг жойлашган жойига ва бошқа ўзига хос хусусиятларга боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар бўйича тўланади.

Табақалаштирилган ялпи даромад солиғи ставкалари қуйидаги жадвал маълумотлари орқали келтирилган.

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг
ялпи даромадига табақалаштирилган солиқ ставкалари¹⁰**

Тўловчилар	Қуйидаги ҳудудларда жойлашган корхоналар учун солиқ ставкалари (ялпи даромадга нисбатан фоизда)		
	Тошкент шаҳри ва шаҳарларда	Қишлоқ жойларда	Бориш қийин бўлган тоғли туманларда
Савдо ва чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари	20	18	16
Улардан:			
Умумтаълим мактабларига, мактаб- интернатларга, ўрта-махсус, касб- хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш корхоналари	16	14	12

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган товар айланмаси бўйича ялпи даромаддан амалдаги ставкадан 20 фоизга пасайтирилган ставка бўйича ялпи даромад солиғини тўлайдилар.

Мазкур имтиёзни қўллаш учун чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳисобот даври учун ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китобга қуйидаги шаклда жадвал маълумотларида келтирилган хизмат қилувчи тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотномани илова қиладилар.

Ялпи даромад солиғи суммаси корхоналар томонидан меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳисобланган ялпи даромад миқдоридан ва белгиланган ставкалардан келиб чиқиб аниқланади.

Бунда ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ўсиб боровчи якун билан олиб борилади.

Ялпи даромад солиғининг ҳисоб-китоби (3-иловада келтирилган):

-микрофирмалар ва кичик корхоналарга тегишли бўлмаган корхоналар томонидан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 кунидан кечикмасдан,

-микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ойма-ой тақсимланган ҳолда ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 кунидан кечиктирмай, йил якуни бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида улар рўйхатдан ўтган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига ўсиб боровчи якун билан тақдим этилади.

Тўловчилар ялпи даромад солиғини ҳар ойда кейинги ойнинг 15 кунидан кечиктирмай тўлайдилар.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПФ-244-сонли қарори.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Тошкент шаҳрида жойлашган акциядорлик жамияти бўлган савдо корхонаси жорий давр учун қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- сотилган товарлар – 32000 минг сўм;
- сотилган шартномаларнинг шартларини бузганлик учун олинган жарима – 460 минг сўм;
- корхонага қарашли сотиб олинган акцияларни сотишдан – 550 минг сўм (акцияларни сотиб олишда кетган маблағ, яъни уларнинг номинал қиймати – 510 минг сўм).

Ялпи даромад солиғини ҳисобланг?

2-масала. Жорий даврдаги қуйида келтирилган кўрсаткичлари бўйича Тошкент шаҳрида жойлашган савдо корхонасининг ялпи даромад солиғини ҳисобланг (млн. сўмда):

- сотиш учун товар олинган – 490 млн.сўм;
- уни етказиб бериш учун транспорт харажатлари – 11 млн. сўм;
- ортиш-тушириш ишлари учун кетган харажат – 1,9 млн. сўм;
- сотиб олинган барча товарнинг сотилган нархи – 620 млн. сўм;
- товарни етказиб бериш учун кетган транспорт харажатлари қайтариб берилмайдиган қисми – 8 млн. сўм;
- қолдиқ нархи бўйича сотилган мол-мулк – 200 млн. сўм;
- даъво қилиш муддати тушган дебитор қарзларининг кечилган қисми – 8,5 млн. сўм;
- мусбат курслардаги фарқ – 40 млн. сўм;
- манфий курслардаги фарқ – 42 млн. сўм;
- хўжалик шартномаларини бузилиши натижасида ҳисоб рақамга келиб тушган жарима суммалари – 22 млн. сўм.

Ялпи даромад солиғини ҳисобланг?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарнинг ялпи даромадга ўтишнинг аҳамиятлари қандай? Қандай корхоналар ялпи даромад солиғи тўлашга ўтишлари мумкин?
2. Қандай корхоналар ялпи даромад солиғи тўловчилари бўла олади? Солиққа тортиш объекти нималардан иборат?
3. Солиқ ставкаларини ким белгилайди, нималарга боғлиқ? Солиқ қайси бюджетга тушади?
4. Ялпи даромад солиғини ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлар керак? Солиқ қайси давр учун ҳисобланади?
5. Ялпи даромад солиғи қайси муддатда бюджетга ўтказилади?

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари
ялпи даромад солиғининг ҳисоб-китоби***

Минг сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
1.	Солиқ солинадиган ялпи даромад - жами	
	Шу жумладан:	
1.1.	Белгиланган ставка бўйича солиққа тортиладиган	
1.2.	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича солиққа тортиладиган	
2.	Ялпи даромад белгиланган солиқ ставкasi, %-да	
3.	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун олинган товар айланмасига боғлиқ ҳолда ялпи даромадга тузатилган солиқ ставкasi, %-да (2-сатр x 20/100)	
4.	Ҳисобот даври учун ялпи даромад солиғи - жами:	
4.1.	Белгиланган ставка бўйича (1.1 сатр x 2 сатр/100)	
4.2.	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича (1.2 сатр x 3 сатр/100)	
5.	Олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ялпи даромад солиғи	
6.	Бюджетга тўлаш лозим бўлган ялпи даромад солиғи суммаси (4сатр - 5-сатр)	

*) Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка қўлланилганда ҳисоб-китобга товар айланмаси ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган ялпи даромад ҳажмлари бўйича маълумотнома илова қилинади.

**Товар айланмаси ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда
олинган ялпи даромад ҳажмлари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
1.	Умумий товар айланмаси	
	Шу жумладан:	
	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	
2.	Ялпи даромад - жами	
	Шу жумладан:	
	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	

5-мавзу: Қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ягона ер солиғи

- **Ягона ер солиғи тўловчилари, солиқ объекти.**
- **Солиқдан имтиёзлар.**
- **Солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.**

Ягона ер солиғи тўловчилари, солиқ объекти.

Қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчи корхоналар амалдаги умумдават солиқлари (даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланган учун солиқ) ҳамда маҳаллий солиқлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи) ва йиғимларни тўлаш ўрнига, (бундан акциз солиғи ва импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун қўшилган қиймат солиғи мустасно) бюджетга ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдан ягона ер солиғини тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича мазкур фаолият туридан ягона ер солиғини тўлайдилар ва улар бошқа солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ягона ер солиғини тўловчи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун божхона божлари, давлат божлари, лицензия йиғимлари, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларни тўлашнинг амалдаги тартиби сақланади.

Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат)лари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бошқа шахслар, ушбу юридик шахслар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш билан бир қаторда бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишларидан қатъи назар, ягона ер солиғини тўлайдилар.

Агар ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва бошқа фаолият турлари бўйича шу тоифадаги тўловчилар учун амалдаги қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган солиқларни тўлашга мажбурдирлар. Бунда, агар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирса, фаолиятнинг бошқа турлари бўйича (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган солиқлар ва йиғимлар тўланадиган савдо ва умумий овқатланишдан ташқари) улар фаолиятнинг мазкур тури учун назарда тутилган ягона солиқ ёки умумбелгиланган тартибда солиқлар тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ерлар ижарага (шу жумладан ички хўжалик пудратига) берилганда ижарага берувчида ижарага берилган ерлар бўйича ягона ер солиғини тўлаш мажбурияти сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси майдони ягона ер солиғи солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ солинадиган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, ер участкаларининг жойлашиши, тупроқ бонитети ва ер мулкнинг бошқа тавсифлари ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Солиқдан имтиёзлар

Солиқ кодексига кўра солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

а) қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

б) ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

в) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектилари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

г) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга. Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган ёки ер участкаси бошқа муддатларда топширилган бўлса, ер участкаси учун солиқ мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари бажарилган йиллар учун тўланмайди, лекин у 5 йилдан ошмаслиги керак;

д) таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектилари банд этган ерлар;

е) янги тут кўчатлари экилган ерлар, қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда экилган тут кўчатлари экилган йилни ҳисоблаганда уч йилга солиқ тўлашдан озод этилади, кузда экилган кўчатлар эса уларни экишдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод этилади;

ж) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари;

з) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод этиладилар:

а) янги барпо этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан фермер хўжаликлари, давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

б) даромад (фойда) солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод этилган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига солиқдан имтиёз белгиланганда улар солиқни ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб тўлашни тўхтатадилар. Солиқ имтиёзлари бекор қилинган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ бекор қилинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлашни бошлайдилар.

**Солиқ ставкалари,
солиқни ҳисоблаш ва
тўлаш тартиби.**

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, шунингдек ягона ер солиғининг базавий ставкаларига тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қуйида ягона ер солиғининг базавий ставкалари келтирилган:

7-жадвал

**Ягона ер солиғининг базавий
ставкалари 2005 йил учун**

1 га учун - сўмларда

Минтақалар	Суғориладиган ерлар (1 тоифа)	Лалмикор ерлар (текислик зонаси)	Пичанзор ва яйловлар ("Чўл" минтақаси)
Қорақалпоғистон Республикаси	1737,8	-	49,4
Андижон вилояти	2637,2	316,9	66,6
Бухоро вилояти	2286,1	-	66,6
Жиззах вилояти	1990,6	299,5	61,6
Қашқадарё вилояти	1926,2	331,0	79,2
Навоий вилояти	1853,3	299,5	66,6
Наманган вилояти	2718,3	-	66,6
Самарқанд вилояти	1589,6	299,5	61,6
Сурхондарё вилояти	2450,4	-	61,6
Сирдарё вилояти	2112,9	-	49,4
Тошкент вилояти	6816,4	-	-
Фарғона вилояти	1737,8	-	49,4
Хоразм вилояти	2637,2	316,9	66,6
Тошкент шаҳри	2286,1	-	66,6

Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари бўйича базавий ставкалар учун тегишли туман ва шаҳар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Лалмикор ерлар, шунингдек, пичанзор ва ўтлоқлар бўйича базавий ставкалар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Жамоат бинолари, сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар, шунингдек қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар банд этган ерлар бўйича базавий ставкалар учун тегишли туманлар ва шаҳарларнинг суғориладиган ерлари учун тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ягона ер солиғининг базавий ставкаларига тузатиш коэффициентлари

Кўрсаткичлар	Коэффициентлар
<i>Суғориладиган ерлар</i>	
0-10 балл - бонитети	(базавий ставка)
11-20	1,50
21-30	2,25
31-40	3,29
41-50	4,67
51-60	6,54
61-70	9,00
71-80	11,68
81-90	14,55
91-100	17,50
Баҳоланмаган ерлар	4,67
<i>Лалмикор ерлар</i>	
Текислик зонаси	(базавий ставка)
Текислик-тепалик зонаси	1,19
Тоғолди ва тоғ зонаси	1,67
<i>Пичанзор ва яйловлар</i>	
“Чўл” минтақаси	(базавий ставка)
“Адир” минтақаси	1,51
“Тоғ” минтақаси	2,05
<i>Жамоат бинолари ва ҳовлиларини банд қилган ерлар</i>	
Суғориладиган ерлар ставкаси (1 тоифа) – базавий ставка	20,44
<i>Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар билан банд ерлар</i>	
Суғориладиган ерлар ставкаси (1 тоифа) – базавий ставка	0,04
<i>Қишлоқ хўжалигида фойданилмайдиган бошқа ерлар</i>	
Суғориладиган ерлар ставкаси (1 тоифа) – базавий ставка	0,004

Ягона ер солиғини тўловчилар мустақил равишда, ер мулклари, базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ягона ер солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$\text{Сяес} = \text{Меу} \times \text{Ссб} \times \text{Кт},$$

бу ерда:

Сяес – ягона ер солиғи суммаси, сўмларда, **Меу** – ер участкаси майдони, гектарда, **Ссб** – солиқнинг базавий ставкаси, 1 гектар учун сўмда, **Кт** – тузатиш коэффициентлари.

Қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари сифатида қабул қилинган:

- суғориладиган ерлар бўйича - 1 класс ерлари (бонитет балли 10 гача);
- лалмикор ерлар бўйича - текислик зонаси ерлари;
- пичанзорлар ва ўтлоқлар бўйича - "Чўл" минтақаси ерлари.

Ерларнинг қаерда жойлашгани ва сифатига (балл-бонитетга) боғлиқ равишда базавий ставкалар тегишли тузатиш коэффициентларига тузатилади.

Ернинг ҳар бир турига (суғориладиган ерлар, лалмикор ерлар, пичанзорлар, ўтлоқлар) ва ҳоказо тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланади, улар тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Балиқчилик корхоналари - сунъий ҳавзалар-ҳовузларда балиқ урчитиш, етиштириш ва овлаш билан шуғулланадиган хўжаликлар бўлиб, улар ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланишади.

Балиқчилик хўжаликларидан ундириладиган ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқаришда:

а) сунъий балиқ урчитиш ҳовузлари банд этган ерлар учун суғориладиган ерлар сифатида тегишли тузатиш коэффициентлари қўлланилади, сифати (бонитет баллари) белгиланмаган ерлар учун эса баҳоланмаган ерлар сифатида коэффициент қўлланилади;

б) дамбалар ва жарлар банд этган ерлар учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар сифатида тузатиш коэффициентлари қўлланилади;

в) каналлар, коллекторлар, йўллар ва сув хўжалиги аҳамиятидаги бошқа ерлар банд этган ерлар учун сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд этган ерлар сифатида тузатиш коэффициентлари қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи суммасини белгиланган шакл (5-илова) бўйича ҳисоблаб чиқарадилар ва давлат солиқ органларига ҳисоб-китобни жорий йилнинг 1 февралигача тақдим этадилар.

Фермер хўжаликлари ҳисоблаб чиқарилган ягона ер солиғи умумий суммасининг 97,5%ини махсус транзит ҳисобварағига, 2,5% ини Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар.

Ягона ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларда махсус транзит ҳисобварағига тўланадиган ягона ер солиғи суммаси ҳамда Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўланадиган ягона ер солиғи суммаси алоҳида устун билан акс эттирилади.

Ягона ер солиғи йилига уч марта қуйидаги тартибда тўланади:

- ҳисобот йилининг 1 июлигача - йиллик солиқ суммасининг камида 20 фоизини;

- ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг камида 30 фоизини;

- ҳисобот йилининг 1 декабригача - солиқ суммасининг қолган қисмини.

Йил давомида ер мулклари таркиби ва майдони ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи давлат солиқ органларига ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар ягона ер солиғининг янги ҳисоб-китобини топширади, солиқнинг қолган қисми уни ҳисобга олган ҳолда тўланади. Бухгалтерия ҳисобида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобни бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритадилар.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Тошкент вилоятининг Бўка туманида жойлашган фермер хўжалиги 45.0 га суғориладиган ер майдонига эга. Шундан 25.0 га нинг балл бонитети 6 кали (51 – 60 балл), 20.0 га эса 7 калл (61 – 70 балл) ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ягона ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатларини аниқланг.

Ечилиши:

1. Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ягона ер солиғи суммаси қуйидагича аниқланади:

$Сяес = Меу \times Ссб \times Кт,$

бу ерда:

Сяес – ягона ер солиғи суммаси, сўмларда;

Меу – ер участкаси майдони, гектарда;

Ссб – солиқнинг базавий ставкаси, 1 гектар учун сўмда;

Кт – тузатиш коэффициенти.

- 6 кали учун $Сяес = 25 \times 1188 \times 6.54 = 194\,238$ сўм;

- 7 кали учун $Сяес = 20 \times 1188 \times 9 = 213\,840$ сўм.

Жами ягона ер солиғининг суммаси $194238 + 213840 = 4\,081\,078$ сўм.

2. Ягона ер солиғи суммаси бир йилда икки маротаба тўланади:

- 1

июлгача солиқ йиллик суммасининг камида 30 % и миқдорида, яъни:

$408078 \times 30 \% = 122\,423.4$ сўм;

- 1 декабригача солиқнинг қолган суммаси, яъни:

$408078 - 122423.4 = 285\,654.6$ сўм.

2-масала. Тошкент вилояти Бука туманидаги ширкат хўжалигининг ер майдони қуйидагича:

1. Суғориладиган ерлар

5 кали – (41-50 балл) -

40 га

- 7 кали – (61-70 балл) - 80 га
8 кали – (71-80 балл) - 120 га
2. Лалми ерлар - 485 га
3. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар - 125 га
Жами: 850 га

Ушбу маълумотларга асосан ишкрат хўжалиги тўлаши лозим бўлган ягона ер солигини ҳисобланг.

11-масала. Фермер хўжалиги фойдаланиш учун 80 гектар ер участкаси Тошкент вилояти Қибрай туманининг суғориладиган ерларида жойлашган бўлиб, сифати жиҳатидан балл-бонитети 61-70 га тўғри келади.

Солиқнинг базавий ставкаси бир гектар учун 1476,2 сўм 61-70 балл-бонитет учун коэффициент 9,00 га тенг.

Аниқланг:

Фермер хўжаликнинг фаолияти натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда фермер хўжалиги қанча ягона ер солиги тўлаши лозим?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қандай юридик шахслар ягона ер солиғининг туловчилари ҳисобланади.
2. Ягона ер солиғининг ставкалари қайси мезонлар асосида белгиланади.
3. Ягона ер солиғидан қандай имтиёзлар кўзда тутилган.
4. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартибини аниқланг.
5. Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар қайси муддатда солиқ идораларига топширилади.
6. Ҳисобланган солиқ суммалари қайси вақтда бюджетга ўтказилади.

**2006 йилнинг 1 январи ҳолатига қишлоқ хўжалик товар ишлаб
чиқарувчилари тўлайдиган ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби**

Қишлоқ хўжалиги ерлари турлари	Майдон, га	Солиқнинг 1 га ерга базавий ставкалари, сўм	Тузатиш коэффи- циентлари	Солиқ суммаси, сўм
1	2	3	4	5
1. Суғориладиган жамоа қишлоқ хўжалиги ерлари:				
1-тоифа (0-10 балл)				
2-тоифа (11-20 балл)				
3-тоифа (21-30 балл)				
4-тоифа (31-40 балл)				
5-тоифа (41-50 балл)				
6-тоифа (51-60 балл)				
7-тоифа (61-70 балл)				
8-тоифа (71-80 балл)				
9-тоифа (81-90 балл)				
10-тоифа (91-100 балл)				
Баҳоланмаган ерлар				
Жами		x	x	
2. Лалми ва бўз ерлар, суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар:				
текислик (ёғингарчиликлар билан таъминланмаган) зонада				
текислик-тепалик (ёғингарчиликлар билан қисман таъминланган) зонада				
тоғ олди ва тоғ (ёғингарчиликлар билан таъминланган) зоналарда				
Жами		x	x	
3. Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар:				
"Чўл" минтақасида				
"Адир" минтақасида				
"Тоғ" минтақасида				
Жами		x	x	
4. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд қилган ерлар				
5. Ижтимоий иморатлар ва ҳовлилар				
6. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар				
Солиқ солинадиган жами ерлар		x	x	
Жумладан, тўлаш муддатлари бўйича:				
1 июлгача (20%)	X	x	x	
1 сентябргача (30%)	X	x	x	
1 декабргача (50%)	X	x	x	
Фермер хўжаликлари умумий ягона ер солиғининг:				
97,5 фоизини бюджетга тўлайдилар	X	x	x	
2,5 фоизини Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар	X	x	x	
7. Солиқ солинмайдиган ерлар				
		x	x	x
Жами солиқ солинмайдиган ерлар		x	x	x
Ерларнинг ҳаммаси				

6-мавзу: Қўшилган қиймат солиғи

- Қўшилган қиймат солиғи ҳақида тушунча. Солиқнинг иқтисодий моҳияти ва унинг жорий қилиниши.
- Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти ва солиқ ставкалари.
- Солиқ имтиёзлари.
- Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартибларининг ўзига хос хусусиятлари.
- Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари. Ҳисобварақ фактура ва уни тўлдириш тартиби.
- Импорт товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби.
- Импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби.

Қўшилган қиймат солиғи ҳақида тушунча. Солиқнинг иқтисодий моҳияти ва унинг жорий қилиниши.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва халқаро солиқ амалиётида эгри солиқларнинг асосий турларидан бири бу – қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи бу – ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида ва реализация жараёнида ундириладиган кўп қиррали билвосита солиқдир. Корхона кундалик ҳўжалик фаолиятида маҳсулот етказиб берувчилардан товар ва хом-ашё сотиб олади ва улардан маҳсулот ёки иш, хизматлар ишлаб чиқаради. Демак, қайта ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва сотишда қўшилган қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимооти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилиш ғояси дастлаб XX асрнинг бошларида юзага келди. Бу таклифни биринчи марта Германия бюджет амалиётида жорий этишни 1919 йилда Вильгельм фон Сименс илгари сурди.

Қўшилган қиймат солиғини амалиётга жорий этиш ва ундириш механизми биринчи марта француз молиячиси М.Лоре томонидан ишлаб

чиқилди. Аммо қўшилган қиймат солиғи М.Лоренинг таклифидан сўнг ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида тажриба учун таклиф этилган шаклда қўлланилди. Францияда қўшилган қиймат солиғи ҳақиқатда 1968 йилдан бошлаб жорий этилди.

XX асрнинг 70-йилларида қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларининг солиқ амалиётида жорий қилинди. Бунинг асосий сабаби ва ҳуқуқий асоси бўлиб, Европа иқтисодий ҳамжамияти томонидан ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғини ундиришни тартибга солишнинг ҳуқуқий меъёрларини умумлаштириш тўғрисидаги махсус Директиванинг қабул қилиниш ҳисобланади. Мазкур Директива 1977 йилда қабул қилинди ва унда эгри солиқларнинг асосий тури сифатида қўшилган қиймат солиғи эътироф этилди.

Қўшилган қиймат солиғига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки, солиққа тортишнинг объекти бўлиб, нафақат ички бозордаги товароборот, балки мамлакат корхоналарининг ташқи бозорларидаги товаробороти ҳам ҳисобланади.

*Иқтисодий адабиётларда, кўпчилик ҳолларда, қўшилган қиймат солиғини «Европача» солиқ деб ҳам аташади. Бунинг асосий сабаблари шундаки, **биринчидан**, қўшилган қиймат солиғи дунёда биринчи марта Европа давлати бўлган Францияда жорий этилди; **иккинчидан**, 1977 йилда мазкур Директивага асосан қўшилган қиймат солиғи бир вақтнинг ўзида Европанинг бир неча давлатларида жорий этилди; **учинчидан**, қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнади.*

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат бюджетларининг даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қилади.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларни юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабабларидан бири, бу мамлакатларда солиқ ставкаларини умумлаштирилганлиги ва солиққа тортиш базасини ўзаро уйғунлаштирилганлиги ҳисобланади. Бу масаланинг Ўзбекистон Республикаси учун амалий аҳамиятга эга эканлиги шундаки, мамлакатимиз товароборотининг сезиларли қисми Россия Федерацияси, Украина ва Қозғистон Республикаларига тўғри келади. Ҳозирга қадар мазкур мамлакатлар ўртасида қўшилган қиймат солиғи ставкаларини умумлаштириш ва солиққа тортиш базасини уйғунлаштириш масаласи ҳал

килинмаган. Бу эса, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистон солиқ тизимида 1992 йилдан буён амал қилмоқда. Ушбу солиқ оборотдан олинadиган солиқ ва сотувдан олинadиган солиқлар ўрнига акциз солиғи билан биргаликда киритилган. Бу солиқ оборот солиғидан фарқли равишда фақат қўшилган қийматдан ундирилади. Оборот солиғи эса бир мартаба умумий оборотдан олинар эди. Қўшилган қиймат солиғи эса ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ҳар бир босқичидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги қарорига кўра 2006 йилда қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 25,5 фоизни, эгри солиқлар таркибида эса 51 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган. Ушбу кўрсаткичлар қўшилган қиймат солиғини бюджет даромадларининг асосий манбаи эканлигини билдиради.

Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти ва солиқ ставкалари

Қўшилган қиймат солиғининг тўловчилари бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ушбу солиқни бюджет олдида ҳисоб-китобини амалга оширувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар тушунилади. Бу ўринда қўшилган қиймат солиғининг ҳақиқий тўловчилари билан бюджет олдида ҳисоб китобни амалга оширувчи эса ўртасида фарқ мавжуд. Чунки, қўшилган қиймат солиғининг ҳақиқий тўловчилари товарлар (бажарилган иш ва хизматлар)ни истеъмол қилувчилардир. Унинг бюджет олдида ҳисоб-китобини амалга оширувчилар – истеъмолчиларга сотган товарлари (бажарилган иш ва хизматлари) баҳоси ичида қўшилган қиймат солиғини ҳам қўшиб тақдим этган юридик шахслардир.

Бундан ташқари, солиқ кодексига кўра товарларни (иш ва хизматларни) импорт қилувчи юридик шахслар, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун товарларни давлат божисиз олиб кириш меъёр (норма)лар лар ҳукуматнинг махсус қонун ҳужжатлари асосида белгиланади. идан ортиқча олиб келувчи жисмоний шахслар импорт қилинаётган анна шу товарлар (иш ва хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи туловчилари ҳисобланади. Товарлар (ишлар, хизматлар) текинга берилаётганда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб, уларни бериб юборилаётган корхоналар ҳисобланади. Асосий воситалар корхоналар тизимининг ичида текинга берилса, яъни юқори ташкилотнинг буйруғи, фармойиши билан тақсимланса, унда солиққа тортиладиган оборотга қўшилмайди.

Амалдаги солиқ кодексининг 67-моддасига кўра қўшилган қиймат солиғининг **объекти** бўлиб, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти, товарларнинг импорти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) импорти ҳисобланади. *Товарларни (иш ва хизматларни) реализация қилиш обороти деганда* – юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) қиймати тушунилади, яъни юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) учун маблағи келиб тушиши давридан қатъий назар корхона қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет олдида ҳисоб-китобларни амалга ошириши шарт.

Товарлар натурал ҳақ тарзида берилганда ёки касса орқали ўз ходимларига таннарх баҳосидан паст қилиб сотилганда солиққа тортиладиган оборот товарлар (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган товари корхона ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланилса солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда уларнинг ҳақиқий таннархи олинади. Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 1992 йилда 30 фоизни ташкил қилгани ҳолда, бугунга қадар бир-неча марта ўзгартирилди. Жумладан, 1996 йилда 17 фоизни, 1997 йилда 18 фоизни, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари турларига (ун, нон, гушт, сут ва сут маҳсулотлари) эса камайтирилган 10 фоизли ставка белгиланди. 1999 йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (20%, 15%, ва 0%) амалда қўлланилди. Фақат 3 та банд, яъни экспорт, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда дипломат ва унга тенглаштирилган ваколотхоналарга реализация қилинадиган товар (иш ва хизмат)лар “0” ставкаси бўйича солиққа тортилди. 15% ли қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса ун, нон, гушт, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда импорт қилинадиган тирик мол ва буғдой каби маҳсулотларга нисбатан белгиланди.

2000 йилдан ҳозирги кунгача Солиқ кодексига кўра республикада 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинмоқда. Умуман олганда “0” ставка деганда корхона ишлаб чиқараётган товарларнинг (бажарилган иш, хизматларнинг) қийматига қўшилган қиймат солиғи қўлланилмайди, яъни “ноль” га тенг дегани.

Қуйидагиларга “0” даражали ставка бўйича солиқ солинади:

- Товарларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига, шу жумладан, МДХ мамлакатларига етказиб берилишига, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Айрим МДХ давлатларида бу тартиб бошқача. Масалан: Арманистонда Тожикистонда, Туркманистонда МДХ давлатларидан ташқарига экспорт

солиққа тортилмайди, “0” ставка ҳам қўлланилмайди. Қозоғистонда эса МДХдан ташқарига экспорт “0” ставкада солиққа тортилади.

Экспорт қилинган товарларни қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш масаласи, - Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан давлатлараро билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган бўлиб, аммо ратификация (тасдиқланмаган) қилинмаган ҳолатларда имтиёзни қўллашнинг иложи бўлмайди, яъни имтиёз қўллаш учун қонуний асос бўлмайди.

Ҳозирги вақтда Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Россия, Қозоғистон билан ҳам билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган. Шартномада келишилган давлатлар божхона ҳудудларига товарлар (иш ва хизматларни) экспорт қилинганда “0” ставкадаги қўшилган қиймат солиғини қўллаш кўзда тутилган.

- Чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (иш ва хизматларга);

- Сув таъминоти, иссиқлик таъминоти ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга;

- Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган транзит юklarини ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга.

- 2006 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига “0” ставка бекор қилинди.

Қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган (имтиёзли) оборотлардан фарқли “0” ставка қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи товарларнинг таннархига олиб борилмасдан, ҳисобга киритилади.

Агарда ҳисобот даврида ҳисобга киритилиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасидан “0” ставкада ҳисобланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси қиймати жиҳатидан кўп бўлса, у ҳолда ошиқча сумма солиқ тўловчининг бошқа солиқ ва тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, унга белгиланган тартибда қайтарилади.

Қўшилган қиймат солиғини қоплаш (яъни қайтариш) Тартиби 2003 йил 13 майдаги ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга ундириладиган тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган (30-сонли баённома) “Хўжалик юритувчи субъектларга қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий фарқни қоплаш тўғрисида” ги Низом асосида олиб борилади. Ушбу Низом Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 6 июнда 1246-сон билан тасдиқланган.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича салбий қолдикни пайдо бўлиши муаммоси асосан йирик экспорт-корхоналарда кузатилади. Масалан: АГМК – 1ойлик ортиқча тўлови 100 млн. сўм, НГМК – 200 млн.сўм, Қабул Текстайлз – Ўзбек қўшма корхонаси – 30 млн. сўм (бу корхонада экспорт жами

сотилган товарларнинг 90 фоизни ташкил қилади). Бу муаммо “0” ставкада солиққа тортиш натижасида ортилган маҳсулотга қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаслигини ва олинган материалларга қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олиниши оқибатида юзага келади.

Солиқ имтиёзлари

Солиқ кодексига кўра қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

• суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш операциялари, шу жумладан бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;

• ссудалар бериш ва ўтказиш операциялари;

• пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операциялар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмаси;

• қимматли қоғозлар муомаласига дахлдор операциялар, уларни тайёрлаш ва сақлаш операциялари бундан мустасно;

• почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар ва конвертлар сотиш;

• алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар марказининг илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари;

• шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари;

• аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва уй-жой фойдаланиш хизматлари (сув таъминоти, иссиқлик таъминоти ва газ таъминоти бўйича коммунал хизматлардан ташқари);

• халқ таълими соҳасидаги, ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ;

• таббий, санаторий-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлар, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари;

• нашриётларнинг, газета ва журналлар таҳририятларининг, матбаа ва китоб савдоси корхоналарининг, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулотлари ва хизматлари;

• давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

- экспорт қилинаётган товарларни ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар;
- мол-мулкни лизинга берганлик учун лизинг тўловлари;
- хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг қиймати;
- диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишига доир хизматлари;
- давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника соҳасидаги ишлар;
- ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзлар.

**Қўшилган қиймат
солиғини ҳисоблаш
тартибларининг ўзига
хос хусусиятлари**

Солиқ қонунчилигига асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланиши солиқ тўловчиларнинг олиб бораётган хўжалик операцияларига боғлиқ равишда солиққа тортиладиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Товар сотилганда ва иш, хизматлар бажарилганда қўшилган қиймат солиғи ҳисобланиши. Республикамизда қўшилган қиймат солиғи жорий этилгандан буён солиқни ҳисоблашнинг икки турдаги усули амал қилган, яъни ишлаб чиқарилган товарларни жўнатиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича ҳисобга олиш усули ёки ҳисобварақ-фактура усули ҳамда улгуржи ва чакана савдо, воситачилик хизмати кўрсатиш соҳаларида ҳисобдан чиқариш усули қўлланилган. Бунда қўшилган қиймат солиғи га тортиладиган база нархлар фарқи сифатида, устама ва мукофот ҳақи суммаси сифатида аниқланиб шу суммадан солиқ ҳисобланган.

1992 йилдан 1994 йилга қадар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланар эди. 1994 йилдан улар бюджетга қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи ўрнига ялпи даромад солиғи ҳамда мол-мулк солиғини тўлайдиган бўлишди. Кейинги даврларда солиқ ҳисоблашнинг “ялпи фойда” (чегириш) усули аста-секин “ҳисобга олиш-ҳисобварақ” усулига айланиб борди. Солиқ кодекси кучга киргандан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг “ялпи фойда” (чегириш) усули фақат воситачилик ва “Ўздонмахсулот” ДАК тизими таркибига кирадиган, бирламчи ишловдан кейинги дон, қўшимча махсулот ва чиқиндиларни саноатдан донни қайта ишлашга сотишни амалга оширадиган корхоналар учун қўлланилади. Бошқа ҳолатларда “ҳисобга олиш ҳисоб-фактура” усули қўлланилади.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг “ҳисобга олиш ҳисоб-фактура” усулининг моҳияти шундаки, корхона бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ишлаб чиқарилган махсулотларга (хизматларга) ҳисобланган солиқ миқдоридан шу махсулотни ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом-ашё, материаллар учун тўланган солиқ миқдорини чиқариб

ташлаш йўли билан аниқланади. Чегиришга ҳисобот даврида ҳисоб-фактура билан қабул қилинган хом-ашё, материаллар, шу жумладан импорт қилинган товарларга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси қабул қилинади.

Қуйидаги шартларни бажарган ҳолда ҳисобга олиш амалга оширилади:

Биринчидан, бу ҳисобот даврида товар ва хизматлар ҳақиқатда сотиб олинган бўлиши керак; иккинчидан, улар бўйича товар етказувчидан ҳисоб-фактура тўлдирилган бўлиши; учинчидан, улар солиққа тортиладиган фаолиятда ишлатилган бўлиши керак.

Асосий восита ва номоддий активларни сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш. Корхонанинг ўз эҳтиёжи учун олинган асосий восита ва номоддий активлари корхонанинг бухгалтерия балансида мол етказиб берувчига тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан бирга ёзилиб кириш қилинади. Агар балансдаги асосий воситалар ва номоддий активлар сотилса, у ҳолда асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб, сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бунда, агар корхона асосий воситалар ва номоддий активларни қолдиқ қийматида сотса, у ҳолда солиққа тортиладиган объект бўлмайди ва бюджетга солиқ тўланмайди. Шунингдек, асосий воситалар ва номоддий активларни ишлаб чиқарувчи ва уни олди-сотти фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг алоҳида тартиби мавжуд.

Воситачилик хизматлари кўрсатилганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш. Воситачилик хизматлари бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда “ялпи фойда” (чегириш) усули қўлланилади. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, солиқ баҳо фарқи, устама ва мукофотлар сифатида олинган даромаддан ҳисобланади. Бюджетга солиқ тўлашда ҳисобланган солиқ суммаси ушбу даромадни олишга сарфланадиган хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи суммасига камайтирилади. Демак, қўшилган қиймат солиғи суммасини воситачилик корхоналари мукофотлар суммасидан ҳисоблайдилар.

Қўшилган қиймат солиғи ни ҳисобга олиш. Умумдавлат солиқларини тўловчи корхоналарда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг амалдаги механизми солиқни ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган янгидан яратилган қийматдан тўланишини кўзда тутати. Қўшилган қиймат икки мартаба солиққа тортилмайди.

Республикамизда 1998 йилдан солиқ кодекси жорий этилиши билан бирга ҳисобварақ-фактуралар киритилган бўлиб, у киришдаги солиқ суммасини ҳисобга олиш учун асосий ҳужжат ҳисобланади. Аммо, амалиётда бу тартиб ўзининг вазифасини тўлақонли бажара олмайди, чунки бу даврда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси – етказиб бериладиган маҳсулотга ҳисобланган солиқ суммаси билан бевосита ишлаб чиқаришга сарфланган материал ресурсларга ҳисобланган солиқ суммаси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланар эди. Бу тартибдаги ҳисоблаш

механизми 1999 йилга қадар қўлланилиб келинди ва унинг айрим **камчиликлари** мавжуд эди. Жумладан:

- ишлаб чиқаришга сарфланган пайтда хом-ашё ва материалларга ҳисобланган солиқ суммасини бюджет билан ҳисоб-китобда чегирилиши – корхоналарнинг оборот маблағларини чекланишига олиб келди;

- қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ фактура асосида ҳисобланиш механизми ишламади, чунки амалда ҳисобварақ фактурада кўрсатилган солиқ суммаси бюджетга ҳисобга олиб боришда асос бўлмади;

- бундай ҳисоблаш тартиби халқаро солиқ амалиётидаги қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тамойилларига зид келарди.

Ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб 1999 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизми ўзгартирилди ва халқаро амалиётга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тамойилларига мослаштирилди. Қуйида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг таққослама усули келтирилган.

8-жадвал

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг 1999 йилдан жорий этилган усулининг таққослама таҳлили (рақамлар шартли)

№	Кўрсаткичлар	1999 йилга қадар		1999 йилдан кейин	
		оборот	қўшилган қиймат солиғи	оборот	қўшилган қиймат солиғи
1.	Ҳисобот даврида сотиб олинган хом-ашё, материаллар	100	20	100	20
2.	Ишлаб чиқаришга ишлатилган хом-ашё, материаллар	50	10	50	10
3.	Товарлар (иш ва хизматлар)ни сотиш обороти, яъни солиққа тортиладиган оборот	200	40	200	40
4.	Бюджетга ҳисобланган солиқ суммаси	X	30 (40-10)	X	20 (40-20)

1999 йилдан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг янги тартибини жорий этилиши уни ҳисоблашнинг соддалаштирилган механизмини қўлланилишига олиб келди, яъни ҳисобварақ фактура усулининг ишлаб кетишини таъминлади ва бунда материал ресурсларининг ишлаб чиқаришга сарфланишидан қатъий назар, ҳисобот даврида сотиб олинган материал ресурсларга тўланган солиқ суммаси ҳисобварақ фактура асосида бюджет билан ҳисоб-китобга олиб бориладиган бўлди. Бу тартибдаги ҳисоблаш механизми корхоналарнинг оборот маблағларини четланишини кескин камайтирди.

**Қўшилган қиймат
солиғини бюджетга
тўлаш ва ҳисоб-
китобларни тақдим этиш
муддатлари. Ҳисобварақ
фактура ва уни
тўлдириш тартиби**

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни корхона ўсиб боровчи якун билан рўйхатдан ўтган жойидаги Давлат солиқ идораларига ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан ва йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади. Ҳисоботларни ўз вақтида

топширмаслик корхона ва корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан Давлат солиқ идоралари томонидан молиявий ва маъмурий жазо – чораларини қўлланишига олиб келади.

Корхоналар қўшилган қиймат солиғини солиқ ҳисобини топширган кундан кечиктирмай тегишли даврдаги ҳақиқий сотиш оборотидан келиб чиқиб тўлайди. Агар корхона ҳисобланган солиқ суммасини бюджетга ўз вақтида ўтказиб бермаса, бундай ҳолатда Давлат солиқ идоралари масъул ходимлари томонидан ҳисобланган солиқ сумасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня (молиявий жазо) қўлланилишига олиб келади. Бунда корхона раҳбариятига нисбатан маъмурий чора қўлланилмайди.

1998 йил 1 январдан Ўзбекистондаги барча корхоналар ва ташкилотлар учун, шу жумладан солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган корхоналар ҳам товарларни сотганда, иш ва хизматлар кўрсатганда ҳисобварақ фактурани тўлдириши қонун асосида шарт қилиб белгиланди.

Ҳисобварақ-фактура маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарларни юклаб жўнатилиши, иш ва хизматлар кўрсатилиши санаси (куни)дан кечиктирмасдан ёзилади.

Ҳисобварақ-фактурада - унинг тартиб рақами ва ёзилган санаси, жўнатиладиган товарлар бўйича шартномалар рақами ва санаси ҳамда солиқ тўловчи ва харидорнинг номи, манзили СТИРи ва шу каби реквизитлари кўрсатилади.

Жадвалли шаклни тўлдиришда қуйидагиларни қайд этиш керак (5-илова):

- 1-устунда, товарлар (иш ва хизматлар) номи;
- 2-устунда товарларнинг ўлчов бирлиги (дона, метр, кг, ва ҳоказо);
- 3-устунда юклаб жўнатиладиган товарларнинг миқдори ёки сони;
- 4-устунда товарларнинг шартнома бўйича қўшилган қиймат солиғисиз нархи;
- 5-устунда товарларнинг жами етказиб бериш қиймати (қўшилган қиймат солиғисиз);

- 6-устунда қўшилган қиймат солиғи ставкаси, агар қўшилган қиймат солиғидан озод бўлса чизикча тортиб қўйилади;
- 7-устунда жўнатилаётган товарлар бўйича тегишли ставкаларга кўра ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси;
- 8-устунда, жўнатилаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи билан ҳисобланган суммаси.

Солиқ кодексига кўра солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар 6- ва 7- устунга “Қўшилган қиймат солиғи суммасиз” деган штампини қўйишади, агар штамп бўлмаса қўлда ёзиб қўйишади ва 8 устунни тўлдиришмайди.

Агарда корхона акциз ости товарлар ишлаб чиқарса унда ҳисобварақ-фактурага қўшимча устунлар киритилади ва ушбу устунларда акциз ставкаси ва суммаси акс эттирилади (чунки акциз суммаси ҳам қўшилган қиймат солиғига тортилади).

Ҳисобварақ-фактура корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ҳамда муҳр билан тасдиқланади.

Ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи корхона томонидан 2 нусхада тўлдирилади, 1-нусхаси харидорга берилади ва у харидорга қўшилган қиймат солиғи суммасини белгиланган тартибда ҳисобга киритиш учун ҳуқуқ беради. 2-нусхаси корхонанинг ўзида қолади.

Таъкидлаш жоизки, бевосита аҳолига пуллик хизматлар (ишлар)ни кўрсатадиган корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда касса чеки ёки хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши)ни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ҳисобланади. Бунда бу ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи ажралиб туриши лозим.

Ўз маҳсулотларини (товарларини, ишларини, хизматларини) узлуксиз етказиб берадиган корхоналар бўйича ҳисобварақ-фактуралар истеъмолчиларга ҳисобварақни расмийлаштириш билан бир вақтда, лекин бир ойда бир мартадан кам бўлмаган тарзда ёзилади. Бунда ҳисобварақ-фактураларнинг ёзилиши маҳсулот сотилган ҳисобот даврида амалга оширилади.

Банклар учун, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган операциялар бажарилганда, ҳисобварақ-фактура бўлиб мижоз шахсий ҳисобварағидан кўчирма ҳисобланади.

Лизинг операциялари бўйича лизинг берувчилар учун ҳисобварақ-фактура бўлиб лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳисобланади. Бунда тегишли ҳужжатлар (лизингнинг таркибий қисми ҳисобланадиган лизинг тўловлари жадвали; ҳисобварақ; лизинг тўловларини тўлаш бўйича лизинг олувчига тақдим этиладиган билдирувнома ва ҳоказо) билан расмийлаштириладиган ҳар бир лизинг тўловига қўшимча ҳисобварақ-фактура ёзилмайди.

Агар лизинг шартномаси лизинг берувчига қўшилган қиймат солиғи солинадиган қўшимча хизматлар кўрсатишни назарда тутса, бунда мазкур хизматларга белгиланган тартибда ҳисобварақ-фактура ёзилади.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган суғурта хизматларини кўрсатишда, ҳисобварақ-фактура ўрнига бирламчи ҳужжат бўлиб қуйидаги ҳужжатлар:

- суғурта корхоналари учун - суғурта полиси;
- суғурта агентлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи (агентлик битими);
- суғурта брокерлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи ҳисобланади.

Ишлар (қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар) бажариш Ёки хизматлар (транспортга доир, мол-мулкни ижарага бериш, алоқа хизматлари ва бошқалар) кўрсатиш билан шуғулланадиган корхоналар ҳам ҳисобварақ-фактура ёзиши шарт.

Агар ишлар бажарадиган корхоналарда буюртмачига имзо чекиш учун тақдим этиладиган, бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома - ҳисобварақ-фактурада ёки ҳужжатда ҳисобварақ-фактуранинг белгиланган шаклида акс эттирилган барча мажбурий реквизитлар ушбу ҳужжатда қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун қўшилган қиймат солиғи суммаси кўрсатилган ёки қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаганлар учун "Қўшилган қиймат солиғисиз" ёзуви (штампи) қўйилган ҳолда мавжуд бўлса, бунда мазкур ҳужжатлар ҳисобварақ-фактурага тенглаштирилади ва бундай корхоналар қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ёзмаслиги мумкин.

**Импорт товарларга
нисбатан қўшилган
қиймат солиғини
ҳисоблаш тартиби.**

Импорт қилинадиган товарларга
нисбатан қўшилган қиймат солиғи
тўловчилари бўлиб, товарларни импорт
қиладиган юридик шахслар, шунингдек бож
тўламасдан ўз эҳтиёжлари учун меъёридан

ортиқча товарлар олиб кирадиган жисмоний шахслар ҳисобланади (демак, жисмоний шахслар ҳам бевосита қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиши мумкин).

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунларига биноан белгиланган божхона режимларига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинадиган товарлар ҳисобланади.

Товар деганда истёъмолга мўлжалланган ва қийматга эга бўлган барча нарсалар тушунилади.

Импорт товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб, божхона қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.

Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмига божхона қиймати билан бир қаторда божхона божи суммаси ва акциз солиғи суммаси (акциз ости товарлар бўйича) киритилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_{\text{ққс}} = \frac{(\text{ИҚТБҚ} + \text{ББС} + \text{АС}) \times \text{ҚҚС}_{\text{ст}}}{100};$$

Бу ерда:

$C_{\text{ққс}}$ – қўшилган қиймат солиғи суммаси

ИҚТБҚ – Импорт қилинадиган товарларнинг божхона қиймати;

ББС – Божхона божи суммаси;

ҚҚС_{ст} – қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 20 фоизли ставка бўйича тўланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

- хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколотхоналар расмий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

- жисмоний шахслар бож тўламасдан олиб кириш меъёрлар доирасида импорт қилинадиган товарлар (товарларни олиб кириш меъёри Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида белгиланади);

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига табиий офатлар, бахтсиз ходисалар юз берганда олиб кириладиган товарлар, шунингдек давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия мақсадларида олиб кириладиган товарлар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инвестиция дастурига киритилган устувор объектларни жиҳозлаш учун, ҳамда ҳукумат қафолати билан хорижий кредитлар ҳисобига молияланадиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун олиб кириладиган технологик ускуналар;

- импорт бўйича олиб келинадиган дари-дармонлар ва табиий буюмлар;

- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

- ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган импорт товарлар.

Товарлар республика ҳудудига импорт қилинишида қўшилган қиймат солиғи божхона декларацияси қабул қилинишига қадар ёки у билан бир қактда тўланади. Агар божхона декларацияси белгиланган муддатда топширилмаса қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатлари божхона декларацияси топшириш муддати тугаган кундан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар солиқни нақд пул билан божхона органи пусти кассасига белгиланган тартибда тўлашлари мумкин.

Қўшилган қиймат солиғининг тўланган суммалари ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисобварақларига кирим қилиниб, кейин улар республика бюджети даромадларига қайд этилади. Божхона органлари 3 кун

муддат ичида ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммасини республика бюджетига ўтказадилар.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлар, хизматларни импорт қилувчи юридик шахслар ана шу импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Тузилган шартномалар (контрактлар)га мувофиқ республика ҳудудига импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ишлар, хизматлар бажарилганлиги далилини тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатлар) асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$Сққс = С \times Н/100,$$

бу ерда:

Сққс - қўшилган қиймат солиғи суммаси;

С - далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатларга кўра тасдиқланадиган, импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати;

Н - қўшилган қиймат солиғининг фоизлардаги ставкаси.

Реализация қилинадиган жойи Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан импорт қилинадиган ишлар, хизматлар импорт қилинадиган ишлар, хизматлар деб тан олинади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

- а) Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган шартномалар (битимлар) бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли хорижий молиявий ва иқтисодий ташкилотлари берган қарзлар ва грантлар ҳисобига юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган ишлар, хизматлар;

- б) бюджет ташкилотлари буюртмалари бўйича бюджет маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ишлар ва хизматлар;

Солиқ кодекси амалга киритилгунига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида солиқ тўловчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугагунига қадар сақланиб қолади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 20 (йигирма) фоиз ставка бўйича тўланади.

Бажарилган ишлар, хизматлар далили тасдиқланган кундаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланган ишлар, хизматлар қийматидан келиб чиққан ҳолда амалда ишлар бажарилганини, хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи миллий валюта (сўм)да ҳисоблаб чиқарилади.

Монтаж қилиш, ишга тушириш, созлаш, маслаҳатлар, ўқитиш ва бошқа ишлар, хизматларга доир импорт қилинадиган ишлар ва хизматларга, олиб келинадиган ускуналарга доир хизматларга қўшилган қиймат солиғи тузилган шартномалар (контрактлар)га мувофиқ белгиланган мазкур ишлар, хизматларнинг қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлови ана шу ишлар, хизматларни импорт қилувчи шахс ёзиб берган ҳамда унда "импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси тўлови" деган ёзув битилган тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи амалда ишлар, хизматлар бажарилган кундан бошлаб 5 кун ичида бюджетга тўланади. Қўшилган қиймат солиғи фақатгина миллий валюта - сўмда тўланади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби ишлар, хизматлар импорти амалга оширилган ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан, белгиланган шаклда (6-илова) ойлар бўйича рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига тақдим этилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг (минг сум).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар – 7500
2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати – 15200

Ечилиши:

1. Корхона ҳисобот даврида жўнатилган товарлари бўйича имтиёзга эга бўлмаганлиги боис жами реализациядан солиқ тулайди, яъни:

$$Сққс = Стоб \times СС / 100 = 15200 \times 20 \% = 3040 \text{ минг сўм.}$$

(бу ерда, Сққс – истёсмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси; Стоб – солиққа тортиладиган оборот; СС – солиқ ставкаси).

2. Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш учун ҳисобот даврида қўшилган қиймат солиғи билан харид қилинган хомашё ва материаллар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи ни айиришимиз лозим, яъни:

$$Тққс = 7500 \times 20 \% = 1500 \text{ минг сум}$$

3. Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисобот даврида жўнатилган товарлар бўйича ҳисобланган қўшилган қиймат солиғидан харид

қилинган хом-ашё ва материаллар учун тўланган қўшилган қиймат солиғининг чегирмасига тенг, яъни:

$$СБққс = Сққс - Тққс = 3040 - 1500 = 1540 \text{ минг сум.}$$

2-масала. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган қайта ишлаш корхонаси жорий йилда қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 2400 минг сўм;
- бунда қайтариб берилиши лозим бўлган идишнинг нархи – 150 минг сўм;
- текинга таннархи бқйича 100 минг сўмлик маҳсулот берилган.
- Олинган жарима суммаси – 30 минг сўм;
- Банкдан олинган фоизлар – 12 минг сўм;
- 200 минг сўм корхона томонидан номоддий активлар сотилган (бошланғич нархи – 600 минг сўм, тўпланган амортизация – 420 минг сўм);
- ноликвид хом-ашё захиралари сотишдан тушган тушум – 96 минг сўм, уларнинг таннархи – 85 минг сўм;

Ҳисобварақ-фактурада олинган қўшилган қиймат солиғи

- хом Аше учун – 480 минг сўм;
- ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага беришдан – 150 минг сўм;
- уяли алоқадан – 60 минг сўм;

Аниқланг:

Жорий даврда давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи неча сўмга тенг?

3-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар - 1500
2. Харид қилинган асосий воситалар - 3500
3. Ҳисобот даврида жунатилган товарлар қиймати - 11000
4. Асосий воситалар реализацияси - 800
5. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати - 300

Ечилиши:

1. а) $Сққс = Стоб \times СС / 100 = 11000 \times 20 \% = 2200 \text{ минг сўм};$

б) Асосий воситалар реализациясида қўшилган қиймат солиғи асосий воситаларнинг реализацияси ва эскириш қиймати ўртасидаги фарқдан ҳисобланади, яъни:

$$Сққс = Тқ \times СС / (СС + 100) = 500 \times 20 / (20 + 100) = 83.3 \text{ минг сум.}$$

(бу ерда. Тқ – қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар қиймати).

$$Сққс = 2200 + 83.3 = 2283.3 \text{ минг сум};$$

$$2. Тққс = 1500 \times 20 \% = 300 \text{ минг сум.}$$

Ўз истеъмоли учун харид қилинган асосий воситалар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди, балки асосий

воситанинг қиймати сифатида кирим қилинади, шунинг учун 3500 минг сўмга харид қилинган асосий воситалар қийматидаги қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди.

$$3. \text{Бққс} = \text{Сққс} - \text{Тққс} = 2283.3 - 300 = 1983.3 \text{ минг сўм.}$$

4-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан *қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хомашё ва материаллар – 1120

2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати қўшилган қиймат солиғи билан – 3500

- шундан, экспорт – 1500.

5-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан *қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хомашё ва материаллар – 1500

2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати – 3200

- шундан, эркин алмаштириладиган валютага экспорт – 1600

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қўшилган қиймат ва қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти нимада?
2. Қўшилган қиймат солиғини қандай шахслар тўлайди ва солиқ объекти нима?
3. Солиққа тортиладиган оборот қандай аниқланади?
4. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
5. Қандай товарлар ва маҳсулотлар (ишлар хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод бўлади?
6. Ҳисобварақ-фактуралар қандай тўлдирилади ва унда қўшилган қиймат солиғи қайси пунктларда кўрсатилади?
7. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ва ҳисоботни тақдим этиш тартиби қандай?
8. Импорт товарларга қўшилган қиймат солиғи қайси формула орқали аниқланади?
9. Импорт қилинадиган иш ва хизматларга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш формуласини аниқланг?

Ҳисобварақ-фактурани тўлдирилиши (рақамлар шартли)

Товарлар (иш ва хизматлар) номи	Товарнинг ўлчов бирлиги (дона, кг, метр ва хоказо)	Юклаб жўнатиладиган товарларнинг миқдори ёки сони	Товарларнинг шартнома бўйича қўшилган қиймат солиғисиз нарни (сўмни)	Товарларнинг жами етказиб бериш қиймати (қўшилган қиймат солиғи сиз) 3x4 (сўмда)	қўшилган қиймат солиғи		Жўнатилаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи билан ҳисобланган суммаси (сўмда)
					қўшилган қиймат солиғи ставкаси %(20 ёки “0”) Агар қўшилган қиймат солиғидан озод бўлса чизикча тортиб қўйилади	Жўнатилаётган товарлар бўйича тегишли ставкаларга қўра ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси	
Ручки	дона	1000	80	80000	20	16000	96000

**2006 йил 3-чорак учун импорт
қилинадиган ишлар, хизматларга
қўшилган қиймат солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Оборот	Қўшилган қиймат солиғи ставкаси	Қўшилган қиймат солиғи суммаси
Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати			

7-Мавзу: Акциз солиғи

- Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни.
- Акциз солиғи тўловчилари. Солиқ солиш объекти.
- Акциз солиғи ставкалари.
- Акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш тартиби.
- Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг хусусиятлари.
- Акциз солиғи бўйича имтиёзлар.
- Акциз солиғини тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби, муддатлари.
- Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби.

Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни.

Акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олинадиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади. Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди, жумладан, давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида 2000 йилда 22,8 фоизни, 2001 йилда 26,3 фоизни, 2002 йилда 28,8 фоизни, 2003 йилда 31,1 фоизни ташкил этгани ҳолда 2006 йилги далаат бюджети даромадларида унинг улуши 19 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларини ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига асосан “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамиятининг ишлаб чиқараётган товарлари (Ласетти, Нексия, Дамас, Матиз), биллурдан қилинган маҳсулотлар, мебель, видео ва аудиоаппаратура ҳамда кумушдан ясалган пичоқ ва санчқиларга ҳисобланган акциз солиқлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол товарларининг ассортиментини кўпайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш учун корхоналарнинг ўз ихтиёрларида қолдирилади. Шунинг

ҳисобига ҳозирги вақтда акциз солиғининг улуши давлат бюджети даромадлари таркибида кам салмоқни эгалламоқда.

**Акциз солиғи
тўловчилари. Солиқ
солиш объекти**

Акциз солиғи тўловчилари бўлиб, мулк шаклидан ва солиққа тортишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигидан қатъий назар акцизости товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний

шахслар ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида корхоналар тушунилади.

Акцизланадиган товарлар учун солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган алкоғолли маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, коньяк, шампан виноси, ароқ ва ароқ маҳсулотлари, филтрли ва филтрсиз сигареталар, вино материаллари бўйича - сотилган маҳсулотнинг натурал кўринишидаги ҳажми;

- акциз солиғи тўланадиган бошқа маҳсулотлар (ювилер маҳсулотлари, кумушдан қилинган ошхона буюмлари, бензин, дизель ёқилғиси, табиий газ, суюлтирилган газ, “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамияти автомобиллари) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, шартномавий нархлар бўйича юклаб жўнатилган товарнинг қиймати (ўз ичига акциз солиғи суммасини олади) ҳисобланади.

Текинга бериладиган акцизланадиган маҳсулот бўйича қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади:

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган алкоғолли маҳсулот, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, вино материаллари бўйича - сотилган маҳсулот ҳажми натура ифодасида;

- бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича солиқ тўловчида товарни бериш пайтида шаклланган нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган, бироқ мазкур акцизланадиган товарни ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган қиймат.

Буюртмачи томонидан бериладиган хом ашёдан маҳсулотга акциз солиғини ҳисоблаш чоғида акциз солиғи солинадиган маҳсулотни сотишга доир айланма қуйидагича белгиланади:

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича тайёр маҳсулотнинг физик ҳажмидан келиб чиқиб;

- бошқа маҳсулотлар бўйича тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматидан ва буюртмачи томонидан бериладиган хом ашё қийматидан келиб чиқиб.

**Акциз солиғи
ставкалари.**

Акциз солиғи ставкалари ва акцизоти товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади. 2006 йилда акцизоти товарларга белгиланган солиқ ставкалари қуйидагилардан иборат:

9-жадвал

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган акцизоти товарларга
белгиланган солиқ ставкалари¹¹**

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	Акциз солиғи ҳисобга олингани ҳолда товарларни улгуржи баҳоси қийматига фоиз ҳисобида	Маҳсулотнинг натурал қўринишидаги ҳажмига, сўмда
1	2	3
1. Этил спирти, шунингдек, Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг корхоналари томонидан ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган этил спирти (1 дал).	X	1410
2. Кучли винолар ва ҳажмий таркибида этил спирти бўлган узум ва мева-сабзавотдан тайёрланган винолар (1 л. сув қўшилмаган этил спирти учун) ¹		1312,5*
3. Спирт қўшилмаган винолар (1 л. тайёр маҳсулот учун) ¹		273,9*
4. Шампан виноми (1 шишаси учун) ¹		182*
5. Коньяк (брэнди) (1 л. сув қўшилмаган этил спирти учун) ¹		4000*
6. Ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 л. сув қўшилмаган этил спирти учун) ¹		2660*
7. Пиво, ҳажмий таркибида этил спирти (алкоғоли) бўлган (1 л. маҳсулот учун) фоизларда: ¹		
1	2	3
- 4,5 гача		80
- 4,5 дан юқори – 6,0 гача		100
- 6,0 дан юқори		170
8. Ўсимлик (пахта ёғи): ¹		
- истеъмол (саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғдан ташқари) 1 тоннасига		495000**
- техник (истеъмол маҳсулотларига қўшиб бўлмайдиган чучуклик сони 0,3 мг КОН/г дан ошик бўлган) 1 тоннасига		329000
9. Филтрли сигареталар (1000 донасига): ¹		

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПФ-244-сонли қарорининг 12-1 иловаси

- юмшоқ ўрамда		4175
- қаттиқ ўрамда		5206
10. Филтрсиз сигареталар, папирослар (1000 донаси учун)		1476
11. Заргарлик буюмлари	20	
12. “ЎзДЭУАвто” АЖ ишлаб чиқарган автомобиллари ²	22,5***	
13. Кумушдан ишланган пичоқ ва санчқилар	10***	
14 Нефть маҳсулотлари: ³		
- бензин	45	
- дизель ёқилғиси	40	
- авиакеросин	20	
15. Табиий газ ²	19	
16. Суюлтирилган газ (“Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан аҳолига сотиладиганни бундан мустасно) ²	21	
17. Биллур буюмлар, шу жумладан биллур ёритиш асбоблари	5***	
18. Мебель (халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари учун махсус мебеллар бундан мустасно)	5***	
19. Видео ва аудиоаппаратура	5***	

* Акциз солиғи суммаси белгиланган тўлов прогнозлари бажарилганлиги ҳамда бюджетга тўловлар бўйича боқиманда мавжуд бўлмаган тақдирда “Ўзмевабазавотузум-саноат-холдинг” ХК махсус ҳисобрақамига қўйидаги қийматларда юналтирилади:

- алкоголь маҳсулотлари учун (1 л. сув қўшилмаган этил спирти учун) белгиланган ставка суммасидан – 220 сўм;

- 1 бут. шампан виноси ва 1 л. спит қўшилмаган винодан белгиланган ставка суммасидан – 44 сўм.

** 1 тонна ўсимлик (пахта) ёғига белгиланган ставканинг 440550 сўми давлат бюджетига, қолган қисми (54450 сўм) эса “Ёғмойтамакисаноат” уюшмасининг махсус ҳисобрақамига ўтказилади, агарда акциз солиғи суммаси белгиланган тўлов прогнозлари бажарилганда ҳамда бюджетга тўловлар бўйича боқиманда мавжуд бўлмаса.

*** Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларини ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига асосан ҳисобланган акциз солиқлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол товарларининг ассортиментини кўпайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш учун корхоналарнинг ўз ихтиёрларида қолдирилади.

¹ Қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг ўзгариши ҳамда сотиладиган маҳсулот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

² “ЎзДЭУАвто” АЖ автомобилларига, табиий ва суюлтирилган газга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартибини Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда белгилайди.

³ Ставкalar ўртача ҳисобланган миқдорда келтирилган, акциз солиғини тўловчиларга доир ставкalarнинг аниқ ҳажми ва тўлаш тартибини Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан белгилайди.

**Акциз солиғини
ҳисоблаб чиқиш тартиби.**

Акциз солиғи суммаси қуйидаги
формулалар бўйича аниқланади:

Сувсиз этил спиртининг 1 литри учун
акциз солиғининг қатъий ставкалари
белгиланган маҳсулот бўйича маҳсулот
бирлигига алкоғолли маҳсулот (кам спиртли вино, шампан виносидан
ташқари)

$$(\Phi \times A) / 100,$$

бунда:

Φ - тайёр маҳсулот таркибидаги спирт (ўткирлиги), фоизларда (ундан
спирт тайёрланган хом ашё туридан қатъи назар);

A - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Тайёр маҳсулот бирлигига акциз солиғининг қатъий ставкалари
белгиланган маҳсулот бўйича (кам спиртли вино, шампан виноси, вино
материаллари, этил спирти, пиво, ўсимлик (пахта) ёғи ва тамаки
маҳсулотлари)

$$C \times A,$$

бунда:

C - тегишли ўлчов birlikларида сотилган маҳсулотнинг физик ҳажми;

A - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича

$$(O \times A) / 100,$$

бунда:

O - ўз ичига акциз солиғини оладиган нарх, қўшилган қиймат солиғисиз;

A - акциз солиғи ставкаси, фоизларда.

Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиғи
белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда акциз маркаларининг
номинал қиймати акциз солиғини тўлаш ҳисобига киритилмайди.

**Алоҳида товарлар бўйича
бюджетга тўланадиган
акциз солиғини ҳисоблаб
чиқишнинг
хусусиятлари.**

Алкоғолли маҳсулот бўйича. Алкоғолли
маҳсулот бўйича белгиланган тартибга
мувофиқ бюджетга тўланадиган акциз солиғи
суммаси белгиланган ставкалар бўйича
ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси билан
“Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХК

махсус ҳисобварағига ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги айирма
сифатида белгиланади.

“Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХКга ўтказиладиган акциз солиғининг миқдори, шунингдек мазкур тартиб татбиқ этиладиган алкоғолли маҳсулотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХКга ўтказиладиган, белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган акциз солиғини тўлашга доир махсус ҳисобварақ очадилар, бу солиқ корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

“Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХКга тегишли бўлган акциз солиғи суммаси, башарти корхона алкоғолли маҳсулотга доир акциз солиғи бўйича тўловларнинг белгиланган прогнозларини бажарган ва унда кўрсатилган солиқ тури бўйича боқимандалар мавжуд бўлмаса, компаниянинг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.

Давлат солиқ хизмати туман органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан, улар бўлмаганида эса туман (шаҳар) ҳокимиятлари молия бўлимларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойининг якунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунига қадар акциз солиғи бўйича тўловлар прогнозларининг бажарилганлиги ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқиманданинг бор-йўқлиги тўғрисида далолатнома тузадилар. Далолатномаларнинг кўчирма нусхалари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

Акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилган ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалар бўлмаган тақдирда корхона ҳисобварағида тўпланган сумма, хизмат кўрсатадиган банк учун асос бўлиб ҳисобланадиган далолатномага асосан, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай корхона томонидан “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХКнинг куйидаги махсус ҳисобварағига ўтказилади: 20210000100192291004 СТИР 200626156 МФО 00439, Тошкент ш., “Савдогарбанк” Амалиёт бошқармаси (ОПЕРУ).

Корхона томонидан акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилмаган ҳамда умуман олганда унинг кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалари бўлган тақдирда, етишмаётган сумма далолатномага асосан корхонанинг ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобидан бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса далолатномага асосан “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХКнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ҳокимиятлари молия бошқармаларининг бошлиқлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти Бош молия бошқармаси бошлиғи, давлат солиқ хизмати ва хизмат кўрсатадиган банклар ҳудудий органларининг раҳбарлари, шунингдек

“Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХК корхоналарига Молия вазирлиги томонидан бириктирилган молия инспекторларининг зиммасига юкланади.

Ўсимлик (пахта) ёғи бўйича. Белгиланган тартибга мувофиқ озиқ-овқатда ишлатиладиган ўсимлик (пахта) ёғи бўйича, бундан саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ мустасно, бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси бўлиб умумбелгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси билан махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Бунда акциз солиғи суммаси, корхона томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва ўсимлик (пахта) ёғи бўйича акциз солиғига доир боқимандалар мавжуд бўлмаган тақдирда, махсус ҳисобвараққа йўналтирилади.

Махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган акциз солиғининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тозаланган ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини тўлаш бўйича алоҳида ҳисобварақ очадилар, у корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати туман органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан ҳамкорликда, улар бўлмаган тақдирда эса туман (шаҳар) ҳокимиятларининг молия бўлимлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойининг якунлари бўйича, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай, акциз солиғи бўйича боқиманда ёки ортиқча тўлов суммасини аниқ кўрсатган ҳолда прогноз кўрсаткичларининг бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузадилар.

Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва унга доир боқиманда бўлмаган тақдирда корхонанинг махсус ҳисобварағида тўпланган сумма далолатнома асосида ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган ёки акциз солиғи бўйича боқиманда бўлмаган тақдирда етишмаётган сумма далолатнома асосида корхона ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобига бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг махсус ҳисобварақларида тўпланган пул маблағлари қатъиян мақсадга кўра ишлатилади, яъни махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 6-кунидан кечиктирмай, махсус ҳисобварақда тўпланган маблағлар конвертацияга йўналтирилади. Конвертацияланган маблағлар икки банк куни мобайнида ҳукумат кафолати

билан жалб этилган кредитларни сўндиришга йўналтирилиши керак. Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг келиб тушиши ва кўрсатилган маблағларни кредитларни сўндиришга йўналтириш тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг бошлиқлари, Давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг раҳбарлари, шунингдек Молия вазирлигининг ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари зиммасига юкланади.

**Акциз солиғи
бўйича имтиёзлар.**

*Солиқ кодексига кўра қуйидагиларга
акциз солиғи солинмайди:*

■ акцизланадиган товарларни экспортга етказиб бериш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган айрим товарлар рўйхати мустасно;

■ саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта ёғини етказиб бериш;

■ халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимининг эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган махсус мебель.

Имтиёзлар тақдим этиш учун махсус мебель деганда:

- давлат ва нодавлат таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун;

- бўйсунишдаги таъминот-сотиш ташкилотларига таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини жиҳозлаш учун сотиладиган мебель тушунилади.

Мазкур имтиёз таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини жиҳозлаш учун махсус мебелни харид қилишга тузилган контрактлар (шартномалар) мавжуд бўлганида тақдим этилади.

Мазкур мебель бошқа истеъмолчиларга сотилганда унга умумбелгиланган тартибда солиқ солинади.

**Акциз солиғини тўлаш ва
ҳисоб-китобларни тақдим
этиш тартиби, муддатлари.**

Тўловчилар томонидан сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

- жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

- кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатиш кун сотиш куни бўлиб ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиғининг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни “Ҳисоблаб ёзиш” ва “Тўлаш” устунларида акс эттирилади.

Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоб рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади:

- корхоналар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) - ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмасдан ҳар ойда, белгиланган шаклда, унга солиқ солинмайдиган айланмалар суммалари расшифровкаси илова қилинган ҳолда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ой якунлари бўйича, ўн кунликларга тақсимлаган ҳолда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йил якунлари бўйича эса белгиланган шаклда, йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида.

Дам олиш (ишланмайдиган) ёки байрам кунига тўғри келадиган акциз солиғини тўлаш муддатлари, тегишинча, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатлари ҳам дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Ҳисобот даври мобайнида ўн кунлик тўловлар билан киритилган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасида ҳисобга олиниши керак.

Ортиқча киритилган акциз солиғи суммалари бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки унинг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб Давлат солиқ хизмати органи томонидан 30 кун ичида тўловчига қайтарилади (агар бюджетга тўловлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса).

**Юридик ва жисмоний
шахслар томонидан
Ўзбекистон Республикаси
ҳудудига олиб кириладиган
алоҳида турдаги товарлар
бўйича акциз солиғини
тўлаш тартиби.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра рўйхатлар ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи божхона хизматлари томонидан сўмларда ундирилади ва ҳар 5 кунда республика бюджетига кирим қилинади.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга акциз солиғининг ҳисоби ва унинг бюджетга келиб тушиши устидан назоратни Ўзбекистон

Республикаси Давлат божхона хизматининг ҳудудий бошқармалари амалга оширади.

Республика ҳудудига акциз тўланадиган товарларни олиб кирувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C \times A/100,$$

бу ерда:

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Пиво, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган оборот қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O = C \times 100 / (100 - A),$$

бу ерда:

O - солиқ солинадиган оборот;

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O \times A/100,$$

бу ерда:

O - солиқ солинадиган оборот;

A - акциз солиғи ставкаси.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи суммаси товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки бир бирлик ўлчови учун АҚШ долларларида белгиланади.

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи олинмайдиган товарларнинг жисмоний шахслар томонидан олиб кирилиши бўйича белгиланган нормалар"га кўра жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга нисбатан акциз солиғи татбиқ этилмайди.

Мажбурий равишда маркаланадиган, олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғини тўловчилар акциз маркаларини харид

килиш чоғида контракт (баёнот берилган) қийматидан ҳисобланган акциз солиғи суммасининг 100 фоизини тўлайдилар, бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи суммасидан ортиқ миқдорда тўланади, маблағлар белгиланган тартибга кўра республика бюджетига ким қилинади.

Маркаланган, акциз тўланадиган товарлар олиб кирилганда акциз солиғи суммаси божхона қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади.

Тўланадиган акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш божхона юк декларацияси ва унга доир қўшимча варақларда қуйидаги чизма бўйича амалга оширилади.

47-"Тури" устунининг биринчи кичик устунда "олиб кириладиган товарларга акциз" тўловининг шифри - 27 кўрсатилади.

"Ҳисоблаб чиқариш асоси" устунининг иккинчи кичик устунига киритилади:

солиқ солинадиган оборот бўлган, юқорида келтирилган формулалар бўйича ҳисобланган қиймат. Агар маҳсулотга АҚШ долларларида акциз солиғи белгиланган бўлса, мазкур устунга чизик чизиб қўйилади.

"Ставка" устунининг учинчи кичик устунда акциз солиғининг ставкаси кўрсатилади. "Сумма" устунининг тўртинчи кичик устунда тўланадиган акциз солиғи суммаси кўрсатилади.

"ТУ" устуни кичик устунда тўлов усулининг икки белгилари ҳарфий коди кўрсатилади:

"бн" - банк орқали нақдсиз ҳисоб-китоб;

"кт" - божхона тўловлари суммасини нақд пул билан тўлаш;

"оп" - божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ҳуқуқи берилган;

"рп" - божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилган;

"оо" - тўлов амалга оширилмаслиги керак.

"Ҳисоблаш тафсилотлари" деган В устунда тўлов коди, тўловнинг умумий суммаси, шунингдек акциз солиғи тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатларининг тартиб рақамлари ва санаси кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш бошқа божхона тўловларини тўлашдан олдин ёки у билан бир вақтда амалга оширилади. Тўлдирилган БЮД билан бирга тақдим этилган, тўлашга қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси бўлган тўлов топшириқномаси тўловчи томонидан акциз солиғи тўланганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга акциз солиғининг суммаси республика бюджетига 26-бўлимининг 11-параграфида ким қилинади.

Давлат божхона қўмитаси ҳудудий божхона бошқармаларининг қарорига кўра тўловчига, товарларнинг божхона расмийлаштируви санасидан бошлаб 2 ойдан ошмайдиган муддатга акциз солиғини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилиши мумкин.

Ортиқча келиб тушган акциз солиғи суммаси ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига киритилиши керак.

Улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган акциз солиғи суммалари қайтарилишини талаб қилиб, мурожаат этиши мумкин.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:

- тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундириш сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;

- акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш учун асос бўлган божхона юк декларацияси;

- ижроси тўғрисида банк белгиси қўйилган, акциз солиғининг тегишли суммаларини тўлашга оид тўлов ҳужжати;

- товарлар (ишлар, хизматлар) чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан *акциз солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Корхонанинг ҳисобли баҳоси – 1200

2. Маҳсулот учун белгиланган солиқ ставкаси – 30 %

Ечилиши:

1. Акциз солиғини ҳисоблаш учун зарур бўлган шартномавий баҳо (акциз қўшилган) қуйидагича амалга оширилади:

$$O = C \times 100 / (100 - A)$$

(бу ерда, O - ўз ичига акциз солиғини олган қўшилган қиймат солиғисиз шартномавий баҳо; C - корхонанинг ҳисобли баҳоси; A - акциз солиғи ставкаси).

$$1200 \times 100 / 100 - 30 = 1714.3 \text{ минг сўм}$$

2. Акциз солиғи қуйидагича аниқланади:

$$Ac = O \times A / 100 = 1714.3 \times 30 = 514.3 \text{ минг сўм}$$

ёки

$$Ac = 1714.3 - 1200 = 514.3 \text{ минг сум}$$

2-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан *акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хомашё ва материллар—1800

2. Корхонанинг ҳисобли баҳоси – 5000

3. Маҳсулот учун белгиланган солиқ ставкаси – 15 %

3-масала. 20 минг бутилка (0.5л дан) ароқни сотишда акциз солиғи суммасини ҳисобланг, агарда ароқдан спиртининг ҳажми 41% ни ташкил этса.
Акциз солиғи суммасини ҳисобланг?

4-масала. Маркаланадиган, олиб кириладиган тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблашга доир.

Товарнинг номланиши	Маҳсулот бирлиги учун нархи, АҚШ долл.	1 млн. донa учун божхона қиймати	Акциз ставкалари ва суммаси		
			Оборот	Ставка	Сумма
Фильтрли сигареталар	0,02	25,0 минг. АҚШ долл.*			
Курс 1:700		17500 минг.сум	35000 минг сум ***	50 % **	17500 минг сум *****

*) божхона қийматига ташиши, юклаши, юклаб тушириши, қайта юклаши ва қайта тушириши харажатлари, суғурта суммаси ва ҳоказолар киритилган;

**) ставка акцизни ўз ичига оладиган нархга, яъни солиқ солинадиган оборотга нисбатан қўлланади;

***) солиқ солинадиган оборот = $(17500 \times 100) / (100 - 50) = 35000$;

****) акциз суммаси = $35\,000 \times 50 : 100 = 17500$.

5-масала. Алкоголли маҳсулот бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи ҳисоб-китобига доир.

(1 литр учун)				
N	Кўрсаткичлар	Коньяк	Ароқ	Қувватлан тирилмаган вино
1.	Тайёр маҳсулот таркибида бўлган спирт ҳажми (%)	42	40	
2.	Акциз солиғи ставкаси			
а)	(сувсиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)	4 000,0	2 660,0	-
б)	(тайёр маҳсулотнинг 1 литрига сўмда)	-	-	273,9
3.	Ҳисоблаб ёзилган акциз солиғининг суммаси			
а)	(1-сатр x 2а-сатр / 100) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)	1 680,0	1 064,0	
б)	(2б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)	-	-	273,9
4.	"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг ставкаси			
а)	(сувсиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)	60,0	60,0	-
б)	(тайёр маҳсулотнинг 1 литрига сўмда)	-	-	12,0
5.	"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг ставкаси			

а)	(1-сатр x 4а-сатр / 100) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)	25,2	24,0	-
б)	(4б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)	-	-	12,0
6.	Бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси			
а)	(3а-сатр - 5а-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)	1 654,8	1 040,0	-
б)	(3б-сатр - 5б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)	-	-	261,9

Изоҳ.

Масалан, 10 минг дал ароқ сотилганида акциз солиғининг ҳисоблаб ёзилган суммаси (спирт бўйича акциз солиғини ҳисобга олмасдан) қуйидаги миқдорни ташкил этади: $1064 \times 100000 = 106,4$ млн сўм, шу жумладан ундан:

“Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағига ўтказиладигани: $(24,0 \times 100000) = 2,4$ млн сўм;

бюджетга тўланадигани: $(1040 \times 100000) = 104$ млн сўм.

6-масала. Ўсимлик (пахта) ёки бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғининг ҳисоб-китобиغا доир.

N	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	
1.	Корхонанинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри)	1 тонна учун сўмда	182900
2.	Акциз солиғи:	1 тонна учун сўмда	495000
	а) умумбелгиланган ставкада		
	б) бюджетга тўланадигани	1 тонна учун сўмда	440550
	в) “Ёғмойтамакисаноат” уюшмасига ўтказиладигани (2а-сатр - 2б-сатр)	1 тонна учун сўмда	54450

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Акциз солиғи тўловчилар қандай гуруҳланади?
2. Акциз ости товарларини аниқлаш мезонлари қандай?
3. Акциз солиғи объекти нималардан иборат?
4. Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?
5. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг хусусиятлари нимада?
6. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

8-Мавзу: Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

- Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти ва уни ҳисоблаш тартиби.
- Солиқ ставкалари, солиқдан имтиёзлар.
- Солиқ ҳисобини тақдим этиш ва ҳисобланган солиқ суммасини бюджетга тўлаш муддатлари.
- Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари ва меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби.

Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти ва уни ҳисоблаш тартиби.

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир. Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки

тезкор бошқарувида мол-мулк бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича мол-мулки билан жавоб берадиган, шу жумладан мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга корхоналар тушунилади.

Солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган айрим тоифадаги тўловчиларга уларнинг асосий фаолияти бўйича (улгуржи ва чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) мол-мулк солиғини тўлаш тартиби таъинланади.

Агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар фаолиятнинг асосий тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк солиғини тўлашлари зарур бўлади.

Юридик шахслар учун солиқ солиш объекти бўлиб:

а) асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб сотиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно);

б) номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

в) белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг ўртача йиллик қиймати;

г) меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади.

Юридик шахслар мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидagi ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидagi мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлиш орқали қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{c} \text{Ўртача йиллик қолдиқ} \\ \text{қиймати} \end{array} = \frac{\begin{array}{c} 1 \\ \text{янв.га} \\ \text{-----} \\ 2 \end{array} + 1 \text{ фев.га} + \dots + 1 \text{ дек.га} + \begin{array}{c} 1 \\ \text{янв. га} \\ \text{-----} \\ 2 \end{array}}{12}$$

Агар мол-мулк ойнинг биринчи ярмида амалга киритилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқаришда киритиш оyi тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мол-мулк ойнинг иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртача йиллик қолдиқ қиймат амалга киритиш ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

Масалан, юридик шахс 20 октябрда таъсис этилган. Бунда:

2005 йил учун ҳисоблаб чиқаришга юридик шахс мол-мулки ўртача йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби

Баланс моддалари номи	Баланс коди сатри	Баланс моддалари бўйича суммалар				
		01.01		01.11	01.12	01.01
Асосий воситалар	010	-	-	845	845	835
Номоддий активлар	020					
Асосий воситаларнинг эскириши	011, 021			100	110	120
Солиқ солинадиган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати	012, 022			745	735	715

$$\begin{array}{c} \text{Солиқни ҳисоблаб чиқариш учун} \\ \text{мол-мулкнинг ўртача қолдиқ} \\ \text{қиймати} \end{array} = \frac{745 : 2 + 735 + 715 : 2}{12} = 122,08$$

2) ҳисобот йилининг I-чораги учун:

$$\begin{array}{c} \text{1-чорак учун солиқни} \\ \text{ҳисоблаб чиқаришга} \\ \text{мол-мулкнинг ўртача} \\ \text{қолдиқ қиймати} \end{array} = \frac{\begin{array}{c} 1 \text{ янв.га} \\ \text{-----} \\ 2 \end{array} + 1 \text{ фев.га} + \dots + 1 \text{ мартга} + \begin{array}{c} 1 \text{ апр.га} \\ \text{-----} \\ 2 \end{array}}{12}$$

3) 14 мартдан мол-мулк солиғини тўловчи бўлган юридик шахс учун:

$$\begin{array}{rcccl} & & 1 \text{ мартга} & & 1 \text{ апрелга} \\ & & \text{-----} & + & \text{-----} \\ \text{I чорак учун солиқни ҳисоблаб} & & & & \\ \text{чиқаришга мол-мулкнинг ўртача қолдиқ} & & 2 & & 2 \\ \text{қиймати} & = & \text{-----} & & \\ & & 12 & & \end{array}$$

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун, баланс актида акс эттириладиган эскиришни чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг куйидаги ҳисобварақлари бўйича суммалар қабул қилинади:

- асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- тугалланмаган қурилишни (белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган объект қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- ўрнатишга мўлжалланган ускуна (меъёр муддатларида ўрнатилмаган ускуна қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

**Солиқ ставкалари,
солиқдан имтиёзлар.**

Корхоналарнинг мол-мулк солиғи ставкалари ҳар йили кейинги молия йили учун белгиланадиган макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Вазирлар

Маҳкамасининг Қарори асосида белгиланади. 2006 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси 3,5 фоиз миқдорида белгиланган.

Солиқ ставкаси мол-мулкнинг қайта баҳолаш натижасидаги қолдиқ нархига қўлланилади. Қайта баҳолаш мақсадида корхоналарнинг асосий воситалари деганда қуйидагилар тушунилади:

- ўзининг асосий воситалари;
- ўрнатиладиган ускуналар;
- тугалланмаган қурилиш объектлари;
- узоқ муддатга ижарага олинадиган, шу жумладан узоқ муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар қиймати ҳар йили 1 февралга қадар асосий воситаларнинг 1 январ ҳолатига қараб қайта баҳоланади. Қайта баҳолаш чоғида корхона мутахассис экспертларини жалб қилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг ставкалари 2006 йилдан бошлаб қуйидагича белгиланган.

**Юридик шахслардан олинадиган
мол-мулк солиғи ставкалари¹²**

Т/р	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %ларда солиқ ставкаси
1.	Юридик шахслар	3,5
2.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади

Изоҳ:

Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки баравар миқдорда тўланади.

Солиқ кодексига кўра қуйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

а) нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулкдан ташқари;

солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қуйидагилар тушунилади:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларни қоплашга бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалар, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

1) ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишни кўзламаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (меҳнат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари);

б) халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон қарори

в) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига.

г) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганлари бундан мустасно;

д) янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди;

е) хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга, ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин у беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мазкур имтиёз қуйидагиларга татбиқ этилади:

- солиқ тўлашга доир мажбуриятлар юзага келган пайтдан бошлаб ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин беш йилдан оширмаган ҳолда, мазкур асбоб-ускуна бўйича мол-мулкка;

- бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловчининг балансида қайд этилган етказиб бериш, монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш харажатларини ўз ичига оладиган асбоб-ускуналарнинг бутун қийматига.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (ўз ҳудудида мол-мулк жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

Мол-мулк солиғи ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

- солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

- табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг;

- маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларнинг.

Маҳсулот ўтказгичларга қуйидагилар киради:

- нефть, нефть маҳсулотлари, конденсат қувурлари ва қувур транспортининг бошқа турлари, насос, компрессор ҳамда тақсимлаш станциялари билан бирга;

- уй-жой-коммунал объектлари бўлмаган минтақавий газ, буғ қувурлари, иссиқлик трассалари, сув қувурлари, канализация коллекторлари;

- бухгалтерия ҳисоботида алоҳида объектлар сифатида ҳисобга олинган алоҳида жойлашган цехлар, конлар ва карьерларнинг айрим участкалари орасидаги маҳсулотларни ҳаракатлантириш учун ишлатиладиган ер ости, ер усти ва ҳавода жойлаштирилган ҳар хил кўринишдаги қувурлар ва транспортёрлар.

Алоқа линияларига ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли радиофикация алоқа линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиклари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, ер усти ва ер остидаги уларга хизмат қилинмайдиган кучайтириш пунктлари, таксимловчи шкафлар, кутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

Энергия узатиш линияларига ҳаво ва кабелли электр узатиш линиялари киради.

Солиқ солиш мақсадида уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларга устунлар, табиий ва сунъий тўсиқлардан ўтишлар ва бошқа муҳофаза иншоотлари киради.

- алоқа йўлдошларининг;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;
- шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);
- йўл ҳўжалиги корхоналарининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;
- давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг.
- лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномасининг амал қилиш муддатига.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Солиқ ҳисобини тақдим этиш ва ҳисобланган солиқ суммасини бюджетга тўлаш муддатлари.

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда белгилайдилар.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўланади. Бюджетга жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар мол-мулкнинг тегишли йилга ўртача йиллик

қолдиқ қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ва жорий йилнинг 10 январигача давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда маълумотнома тақдим этади.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаганда тўловчилар мустақил равишда мол-мулк солиғини ўсиб боровчи якун билан, ҳисобот даврида мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқадилар ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан, йил якунлари бўйича йиллик молия ҳисоботларини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай объект жойлашган жойдаги давлат солиқ органларига белгиланган шаклда (7-илова) тақдим этади. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб беш кунлик муддатда тўланади.

Мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ва имтиёз тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхати (8-илова) мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига мажбурий иловалар ҳисобланади.

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспортчи корхоналар мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани тақдим этади.

Ортиқча тўланган солиқ суммалари, агар солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун ичида қайтарилади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари ва меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб қурилишни амалга оширувчи юридик шахслар-буюртмачилар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб белгиланган муддатларда тугалланмаган

қурилиш объектининг қиймати, яъни тугалланмаган қурилиш ҳисобварағида ҳисобланадиган ҳамма ишлар ва харажатлар.

Қурилишнинг белгиланган муддати деб қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси (ҚТҚЛ) таркибида 1.04.03-85-сон ҚМҚ “Корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш муддати меъёрлари”га мувофиқ лойиҳалаш ташкилоти томонидан аниқланадиган объект қурилишининг меъёрий муддати ҳисобланади.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларида тайёрлаш муддатларини ажратган ҳолда қурилиш муддати меъёрини кўрсатишлари шарт. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш муддати меъёри кўрсатилмаган тақдирда, буюртмачи лойиҳалаш ташкилотидан муайян объект бўйича қурилиш муддатининг меъёри тўғрисида хулоса олишга мажбур.

Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб капитал маблағлар ҳисобига қайта жиҳозладиган объектларда монтаж қилиш талаб қилинадиган ва ўрнатишга белгиланган технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш ускуналари бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ солиш объекти бўлиб ўрнатишга белгиланган ускуналар қиймати ҳисобланади, улар қаторига монтаж қилишни талаб қиладиган, фақат қисмларини йиғиш ва пойдеворга ёки устунларга, полга, қаватлараро тўсиқларга ва бошқа бино ва иншоотларни кўтариб турувчи конструкцияларга ўрнатиладиган ускуналар ҳамда ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварағида ҳисобладиган шундай ускуналарнинг эҳтиёт қисмлар тўплами (меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар қисмида) ҳисобланади. Ушбу ускуналар таркибига ўрнатиладиган ускуналар қаторида монтаж қилиш учун белгиланган назорат-ўлчов аппаратураси ёки бошқа асбоблар ҳам кириди.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида тасдиқланган қурилиш муддати ва тайёрлаб қўйилган захиралар меъёрига мувофиқ ҳар бир объект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали белгиланган бўлиши лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвалида қуйидаги муддатларда топшириш ҳисобга олинади:

- йирик технология ва энергетика ускуналари - уларни номма-ном рўйхатлари бўйича монтаж қилиш ва етказиб бериш жадвалларининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин;
- технология ускуналари, технология линиялари, қурилмалар ва бошқа умумзавод ускуналари - ускуналарни монтажга топширишининг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;
- комплект импорт ускуналари - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, агар техник шарт-шароитларига кўра ускунани қисмлар бўйича монтаж қилиш мумкин бўлмаса, уларни монтажга топшириш муддати ускуналар бутун комплектининг келиб тушиши пайтидан ҳисобланади;
- қисмларга ажратилган импорт ускуналари, шунингдек кабель маҳсулотлари, симлар ва трослар - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.

Ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатиш учун меъёрлар ва жадваллар бўлмаганида солиқ қуйидаги муддатларда тўланади:

- ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги учун - сотиб олинганига бир йиллик муддат тўлганидан кейинги ойдан бошлаб;

- ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича - сотиб олинганига олти ой тугагандан кейин;

Ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилишнинг юқорида кўрсатилган муддатларини бузганлиги учун корхона ва ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мол-мулк солиғини икки барабар кўпайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Корхона асосий воситаларининг 1 январь ҳолати бўйича қиймати 800 минг сумни ташкил этиб, апрель ойининг биринчи ун кунлигида яна 150 минг сўмлик асосий восита кириб қилинган. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати 1 январь ҳолатига 100; 1 февраль ҳолатига 115; 1 март ҳолатига 130; 1 апрель ҳолатига 150 минг сўмни ташкил этади. Ушбу маълумотларга асосан корхона *мол-мулк солиғини ҳисобланг* (1-чорак учун).

Ечилиши:

1. Корхона асосий воситаларининг 1-чоракдаги ўртача қолдиқ қийматини топишимиз лозим, яъни:

ҚҚ 1январ. = 800 – 100 = 700 минг сум;

ҚҚ 1фев. = 800 – 115 = 685 минг сум;

ҚҚ 1март = 800 – 130 = 670 минг сум;

ҚҚ 1апр. = 950 – 150 = 800 минг сум.

(бу ерда, ҚҚ - асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати).

$\bar{Q}_{\text{ҚҚ}} = 1\text{январ.} : 2 + 1\text{фев.} + 1\text{март} + 1\text{апр.} : 2/12 = 700 : 2 + 685 + 670 + 800 : 2/12 = 175.4$ минг сум.

2.

$M_c =$

$175.4 \times 3.5 \% = 6.1$ минг сўм.

2-масала. 1-масала ва қуйидаги маълумотларга асосан *мол-мулк солиғини ҳисобланг*.

1. 1 – корхонада маҳсулот экспорти - 10 % ни;

2. 2 – корхонада маҳсулот экспорти - 20 % ни;

3. 3 – корхонада маҳсулот экспорти - 45 % ни;

4. 4 – корхонада маҳсулот экспорти - 60 % ни ташкил этади.

3-масала. 2005 йил 1 январь ҳолатига мол-мулк солиғи тўловчи корхонада асосий восита ва номоддий активлари бўлмаган. 13 январда корхона 580 минг сўмга компьютер, 25 мартда эса 220 минг сўмга принтер сотиб олган.

2005 йил биринчи чорак учун мол-мулк солиғини ҳисобланг?

4-масал. Корхона мол-мулкининг ўртача қолдиқ қиймати 8004 минг сўмни ташкил этади, бундан:

- Меъёрий муддатларда тугатилмаган қурилишнинг қиймати – 2000 минг сўм;

- 2035 минг сўмни Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан консервация қилинган.

Жорий давр учун умумий тушум 25300 минг сўм, бундан 5400 минг сўмлиги корхона ўз маҳсулотини эркин валютага сотган.

Жорий давр учун мол-мулк солиғи неча сўмни ташкил этади?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Мол-мулк солиғини тўловчилари кимлар?

2. Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган корхоналар асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланганларида мол-мулк солиғини тўлашадими?

3. Мол-мулк солиғи ставкаларини ким белгилайди?

4. Корхонанинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати қандай топилади?

5. Солиқ идораларига қайси муддатда мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китоб топширилади?

6. Маҳсулотини экспорт қилаётган корхоналарга мол-мулк солиғини ҳисобланиши қандай тартибда амалга оширилади, агарда экспорт ҳажми маҳсулотни сотишда 40 фоизни ташкил этган бўлса.

**2006 йилнинг I чораги бўйича мол-мулк солиғи суммасининг
ҲИСОБ-КИТОБИ**

N	Кўрсаткичлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобот даври учун ўртача қолдиқ қиймати, минг сўм	
2	Солиқ ставкаси, %	
3	Асосий воситалар ва номоддий активлар учун солиқ суммаси (1-сатр x 2-сатр : 100) сўм	
4	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	
5	Солиқ ставкаси, % *) (ЎзР АВ 10.03.2005 й. 1107-4-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ ва ДСҚ Қарори таҳриридаги қатор)	
6	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ суммаси (4-сатр x 5-сатр : 100), сўм	
7	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг ўртача йиллик ҳажми, минг сўм	
8	Солиқ ставкаси, % *) (ЎзР АВ 10.03.2005 й. 1107-4-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ ва ДСҚ Қарори таҳриридаги қатор)	
9	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун солиқ суммаси (7-сатр x 8-сатр : 100), сўм	
10	Солиқнинг умумий суммаси (3-сатр + 6-сатр + 9-сатр), сўм	
11	Ўтган даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси, сўм	
12	Қўшимча тўланади, сўм	
13	Камайтиради, сўм	

*) Солиқ ставкаси экспорт қиладиган корхоналар учун берилган имтиёзларни ҳисобга олмасдан қўлланади.

Солиқ солинмайдиган мол-мулк рўйхати
(минг.сум.)

№	Солиқ солинмайдиган мол- мулк	Мол- мулкнинг қолдиқ қиймати
1.	Уй- жой коммунал ва ижтимоий- маданий соҳа мол- мулки	
2.	Табиатни муҳофаза қилиш, санитария- тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган мол- мулк	
3.	Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган мол- мулк	
4.	Алоқа йўллари, алоқа ва энергия узатиш линиялари	
5.	Алоқа йўлдошлари	
6.	Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган	
7.	Шаҳар йўловчи транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти.	
8.	Йўл хўжалиги корхоналарининг автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қуриш ишларида банд бўлган транспорт воситалари	
9.	Давлат дастурлари бўйича ЎзР ҚҚ учун кадрлар тайёрлашда транспорт воситалари	
	Жами	

9-Мавзу: Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи

- Ер солиғининг ҳуқуқий асослари, иқтисодий моҳияти.
- Ер солиғини тўловчилар.
- Ер солиғи солиш объекти, солиқ ставкалари.
- Ер солиғи бўйича имтиёзлар.
- Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари.

Ер солиғининг ҳуқуқий асослари, иқтисодий моҳияти.

1990 йилда Ўзбекистонда “Ер тўғрисида” қонун қабул қилинди ва ушбу қонунга кўра ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг пуллик бўлиши белгиланди ҳамда ер учун ҳақ йиллик ер солиғи сифатида ундириладиган бўлди.

1991 йилда “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”, 1993 йилда “Ер солиғи тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда ер солиғини ундиришда солиққа тортиш объекти, субъектлари, солиқ бўйича имтиёзлар, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиблари кўрсатиб берилди. 1997 йилда “Солиқ кодекси”нинг қабул қилиниши ҳамда 1998 йилдан унинг кучга киритилиши билан ер солиғининг тўлақонли ҳуқуқий асослари яратилди.

Ер солиғи Ўзбекистон солиқ тизимида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига киради ҳамда маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаи ҳисобланади.

Ер солиғи бошқа солиқ турларидан фарқли уларок, ўзига ҳос хусусиятларга эга. Жумладан, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра у рента тўловидир ёки бошқача қилиб айтганда ушбу солиқ ер эгалари ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, ушбу солиқни жорий этилишидан мақсад – ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сифати турлича бўлган ерларда хўжалик юритишнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштириш, аҳоли яшайдиган жойларда инфраструктура ривожланишини таъминлаш ҳамда ерни талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Ер солиғини тўловчилар.

Солиқ қонунчилигига кўра ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади.

Агарда соликқа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар (микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий авқатланиш корхоналари, ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналари, тадбиркорлик фаолиятининг катъий солиқ тўланиши белгиланган юридик шахслар, аудио ва видео кассеталар, лазер дискларини ишлаб чиқиш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар) асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, унда улар шу фаолиятда фойдаланиладиган ерлари учун ер солиғини тўловчилари ҳисобланишади.

Ер участкасидан фойдаланганлик учун солиқ солиш мақсадларида машина-трактор парклари (шу жумладан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида барпо этиладиган муқобил машина-трактор парклари), пилла уруғи тайёрлаш, пилла тайёрлаш ва бирламчи ишлов бериш корхоналари қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенглаштирилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик шахслар (савдо корхоналари бундан мустасно) ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар. Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса - бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим.

Ер ижарачиларининг ҳисоби, ижарага олинган ер учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

**Ер солиғи солиш
объекти, солиқ
ставкалари.**

Солиқ кодексига кўра юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

- а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- б) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- в) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;
- г) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар кўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Юридик шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи юридик шахслар учун 2,0 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффициентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги коэффициентлар қўлланади:

- Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1.30;

- Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1.20;

- туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15;

- бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

Ер участкаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобиль йўллари бўйлаб белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қабул қилинади.

Бир қишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар, ерларнинг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зонасига киритилади ёки ушбу зонадан бутунлай чиқарилади.

Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

- тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75;

- тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0;

- тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

Шаҳар ва кўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.

Ўрмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

**Ер солиғи бўйича
имтиёзлар.**

*Солиқ кодексига кўра солиқ солинмайдиган
ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:*

а) шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, ариқ тармоқлари, соҳил бўйлари ва хоказо; маданий-маиший эҳтиёжларни қондириш ва аҳолининг дам олиши учун фойдаланадиган ерлар; қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва утиллаштириш жойлари ва хоказо);

б) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Уларга бориш йўллари, ариқлар, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар киради;

в) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда махсус мақсадлар учун берилган, ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

г) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

д) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

е) электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Янги электр узатиш ҳаво ва кабель линияларини қуриш учун ерлар вақтинча фойдаланиш учун қурилиш даврига ажратилади, электр узатиш линияларидан доимий ишлатиш учун фойдаланишга эса фақат кучланиши 1000 В дан юқори электр узатиш линияларининг таянчлари, электр узатиш кабель линияларининг ер устидаги иншоотлари, кучланишни пасайтирувчи подстанциялар, тақсимлаш ва секциялаштириш пунктлари эгаллаган ер участкасигина ажратилади.

Электр узатиш учун таянчлар ва улардаги иншоотларга ер майдони ер ажратиш материаллари бўйича қабул қилинади.

Шу муносабат билан ер солиғини тўлашдан қурилиш даврида бутун ажратилган ер участкаси, фойдаланиш даврида эса - фақат кучланиши 1000 В дан юқори электр узатиш линиялари таянчлари, улардаги иншоотлар ва подстанциялар эгаллаган ерларгина озод этилади.

Умумдават алоқа линиялари ва улардаги иншоотларга ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли алоқа ва радиофикация линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиклари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, ер усти ва ер остидаги хизмат қилинмайдиган кучайтириш пунктлари, тақсимловчи шкафлар, кутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариغا Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда уларнинг индекслари ва тартиб рақамларини кўрсатган ҳолда тегишли рўйхатларга киритилган автомобиль йўллари тааллуқдир.

Автомобиль йўлларининг иншоотларига кўприклар, йўл четидаги ариқлар, ён томондаги захира ерлар, кўтарма ортидаги ариқлар ва кўтармалар, тоғдаги сув ажратиш каналлари, ариқ ортидаги бермалар ва қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш бермалари, автобус бекатлари, тушишлар, трактор йўллари, пиёдалар ва велосипед йўлчалари, ўпирилиш, сел, кўчкига қарши ва автомобиль йўллари учун ажратилган ерларда жойлаштирилган бошқа ҳимоя иншоотлари киради;

з) темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Саноат ва бошқа корхоналарга ўтказилган темир йўллар эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Темир йўлларнинг иншоотлари таркибига захиралар, тупроктепалар, йўлдаги сув ажратиш, мустаҳкамлаш ва тутиб туриш иншоотлари, йўллар бўйлаб қордан ҳимоялаш ва қумни мустаҳкамлаш полосалари, тортиш подстанциялари, тоннеллар ва шу сингари сунъий иншоотлар ва йўл қурилмалари киради;

и) умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари (шу жумладан, метрополитен бекатлари эгаллаган ерлар) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Мазкур имтиёз трамвай йўллари ва троллейбус линиялари, метрополитен линиялари, трамвай ва троллейбус бекатлари, шу жумладан диспетчерлик пунктлари, метрополитен бекатлари ва шаҳар электр транспорти йўлларидаги бошқа иншоотлар эгаллаган ерларга татбиқ этилади. Маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар, деполар (депо ҳудудида жойлашган электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари

эгаллаган ерлардан ташқари), қурилиш ва таъмирлаш объектлари эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади;

к) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

л) магистрал сув қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар. Сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар таркибига аҳоли пунктларида сув қувури ва канализация тармоғидаги насос станциялари, кузатиш қудуқлари ва дюкерлар, сув миноралари ва шу сингари иншоотлар киради;

м) магистрал газ ва нефть қувурлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

н) магистрал иссиқлик трассалари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Иссиқлик трассаларининг иншоотларига насос станциялари, иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлар, иссиқ сув таъминотининг циркуляция насослари киради;

о) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

п) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар - қурилишнинг меъёрий муддати даврига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар. Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишининг меъёрий муддати тугагач, шунингдек тўхтатиб қўйилган объектларни қуриш давом этилган ёки улар фаолият кўрсата бошлаган ҳолларда ер солиғи қурилишнинг меъёрий муддати тугашидан ёки объект қурилиши ёхуд ундан фойдаланиш бошланганидан кейинги ойдан бошлаб тўлана бошлайди.

Мазкур кичик бандга кўра Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишига ажратилган ер участкаларига солиқ солинмайди. Агар Инвестиция дастурига кўра корхона, унинг алоҳида цехларини таъмирлаш ёки қайта жиҳозлаш назарда тутилган бўлса, бундай ҳолларда мазкур имтиёз қўлланмайди;

р) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

с) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-

тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Мазкур кичик бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навлар селекциясини амалга ошириш ҳамда мавзу доираси тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ва кўчатлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод этилади;

т) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

у) захирадаги ерлар;

ф) рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмининг ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва ҳоказолар).

Бунда муассаса деганда мулкдор томонидан бошқариш, ижтимоий-маданий ёки нотижорат тусидаги бошқа функцияларни бажариш учун ташкил этилган ҳолда у томонидан тўлиқ ёки қисман молияланадиган ташкилот тан олинади;

х) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

ц) якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

ч) қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихотазорлар, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек спорт иншоотлари эгаллаган ерлари;

ш) қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги ўтқазилган боғ ва узумзорлари - улар мева қилиш даврига киришигача, қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун қатор ораларидан фойдаланилишидан қатъи назар.

Янги тут кўчатлари ўтқазилган ер участкалари - қатор ораларидан қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, 3 йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда ўтқазилган тут кўчатлари солиқ тўлашдан уч йилга озод қилинади, бунга кўчат ўтқазилган йил ҳам қиради. Кузда ўтқазилган кўчатлар ўтқазилган йилдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод қилинади;

э) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар. Фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар майдони ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб қабул қилинади.

Агар солиқ солинмайдиган ер участкаси мақсадга кўра фойдаланилмаса, ушбу майдон учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Бундай ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларни парваришлаш учун фойдаланилса, солиқ қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

а) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари.

Агар ер участкаларидан нотижорат ташкилотлар бевосита тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдалансалар (ижарага берилса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилса ва ҳоказо), бундай ер участкалари учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қуйидаги юридик шахслар тушунилади:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплашга бюджетдан тасдиқланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

б) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, қайси идорага бўйсунитилган катъи назар, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ажратилган ер участкалари учун.

Уларга қуйидагилар киради:

1) маданият ва санъат муассасалари (кутубхоналар, музейлар, кўргазмалар, клуб муассасалари, мактабгача тарбия муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва ҳайвонот боғлари, телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари, театрлар, кинотеатрлар, концерт ташкилотлари ва жамоалари, цирklar, киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари, ва бошқалар);

2) маориф муассасалари (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, ишчилар ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, умумий таълим болалар мактаблари, мактабгача тарбия, ота-оналар қаровсиз қолган болаларни тарбиялаш муассасалари);

3) соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхона муассасалари, диспансерлар, амбулатория-поликлиника муассасалари, тез ва шошилиш тиббий ёрдам ҳамда қон қуйиш муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология муассасалари, санитария маорифи муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари);

4) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари (врачлик-меҳнат экспертиза комиссиялари, қариялар ва ногиронлар учун интернет уйлар).

в) деҳқон хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

д) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Ходимларнинг умумий сонига корхона штатида бўлган, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида бўлмаган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишларни бажарадиган) ходимлар киритилади.

**Ер солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга
тўлаш муддатлари.**

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ органига жорий йилнинг 1

февралигача қуйидаги шакллар бўйича тақдим этилади:

-қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлмаган ерлар учун (8-илова);

-қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун (9-илова).

Бўшатиб олинаётган маблағлардан муайян мақсадлар учун фойдаланиш шарти билан имтиёзлар олган юридик шахслар солиқ тўловчилар учун белгиланган шакл бўйича ва муддатларда ер солиғи ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95%ини бюджетга, 5%ини эса Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Ҳисоб-китобларда Жамғармага тўланадиган сумма алоҳида сатрда акс эттирилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ер участкаси ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ер участкаларининг умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ёки ерларни инвентаризациялаш далолатномалари бўйича қабул қилинади.

Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган (бекор бўлган) тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда улар ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёзлар тўхтатилган

(пайдо бўлган) кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай давлат солиқ органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Ҳисобот йили давомида ер мулклари таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар давлат солиқ органларига ер солиғи тўланадиган ҳисобот йилининг 1 ноябрига қадар ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Агар алоҳида бино бир неча юридик шахснинг балансида бўлса, ер солиғини ҳар бир юридик шахс алоҳида, эгаллаган ишлаб чиқариш хоналарига мутаносиб равишда тўлайди.

Кўп қаватли турар жойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар ер солиғини турар жой эгаллаган умумий майдондан ва мазкур юридик шахс томонидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш хоналарининг ҳиссасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) солиқни ҳар чоракда, чорак иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушлар билан тўлайдилар (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр).

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун тўлаш муддати тугаганидан кейин олган бўлса, ушбу давр учун солиқни тўлаш муддати бўлиб кейинги чорак учун солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғини йилда бир маротаба, ҳисобот йилининг 15 декабригача тўлайди.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. (Масалан, ваколатли ҳокимият органининг 15 августдаги қарори билан корхонага ер ажратилса, у ер солиғини 1 сентябрдан бошлаб тўлайди).

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз белгиланса, улар ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўлашни тўхтатадилар. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайдилар.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, агар бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига ўттиз кун ичида унинг ёзма аризаси бўйича қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Ер солиғи, солиқ тўловчининг жойлашган еридан қатъи назар, ҳудудида ер участкаси жойлашган туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Агар ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ худди шу тартибда тўланади.

Юридик шахсларнинг бюджет билан ер солиғи бўйича ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. “Шахзода” хиссадорлик жамиятининг ер солиғи суммаси 80 млн. сўмни ташкил этади. Солиқнинг йиғими даражаси 95%, келгуси йил индексацияси 1.3 ни ташкил этади. Корхонанинг 2007 йилда кутилаётган солиқ суммасини ҳисобланг:

Ечилиши:

$$80000.0 \times 1.3 \times 95\% = 99800.0$$

2-масала. Тошкент шаҳрининг 8 заносида жойлашган ишлаб чиқариш корхонасига шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 4.5 га ни ташкил этади. Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисобланг ва тўлаш муддатларини белгиланг.

Ечилиши:

1. Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 14та зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2006 йил 8 зона учун ҳар бир га учун 15230403 сўм белгиланган.

2. Ернинг майдони ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$4.5 \times 15230403 = 68536813.5 \text{ сўм}$$

3. Ер солиғи бюджетга ҳар чоракнинг иккинчи оyi 15 кунига қадар йиллик сумманинг тўртдан бир қисми миқдорида тўланади, яъни:

1 чорак учун -15 февралгача – 17134203 сум;

2 чорак учун -15 майгача – 17134203 сум;

3 чорак учун -15 августгача – 17134203 сум;

4 чорак учун -15 ноябргача – 17134203 сум.

3-масала. Зарафшон шаҳрининг 3 зонасида жойлашган корхонага шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 2.75 га, ҳақиқий фойдаланиланишдаги ер майдони эса 3.5 га эканлиги аниқланди. Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз.

Ечилиши:

1. Шаҳар жойларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 4 та зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2006 йил Зарафшон шаҳрининг 3 зонаси учун ҳар га учун 716.405 сўм белгиланган.

2. Фойдаланишдаги ер майдони ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқни ҳисоблаймиз:

а) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдони учун:

$$2.75 \times 716.405 = 1.970.113 \text{ сўм};$$

б) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдонидан ортиқ фойдаланишдаги ер учун 2 коэффицентда тўланиши белгиланган:

$0.75 \times 716.405 \times 2 = 1.074.607 \text{ сўм}$
 Демак, $1970113 + 1074607 = 3044720 \text{ сўм}$.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ер солиғини юридик шахслардан ундиришнинг сабаби нимада?
2. Ер солиғини ундириш объекти нима?
3. Солиқ ставкалари қандай мезонлар асосида белгиланади?
4. Қандай ерлар солиқ тўлашдан озод этилади?
5. Қайси муддатларда ер солиғи бюджетга ўтказилади?

8-илова

2006 йил 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ер участкасининг жойлашган жойи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми
А	1	2	3
1. Ер участкаси берилишига асос ҳужжатга кўра ер участкасининг умумий майдони			
2. Ҳақиқатда фойдаланиш бўйича ер участкасининг умумий майдони (майдонни аниқлаштиришга асос ҳужжат)			
3. Солиқ солинмайдиган ер майдони, жами шу жумладан объектлар бўйича:			
4. Солиқ солинадиган ер майдони:			
Меъёр доирасида			
Меъёрдан ортиқча			
5. 1 га учун ер солиғи ставкалари:			
Меъёр доирасида			
Меъёрдан ортиқча			
6. Солиқнинг умумий суммаси, шу жумладан:			
Меъёр доирасида			
Меъёрдан ортиқча			
7. Тўлаш муддатлари бўйича солиқ суммаси:			
I чорак учун - 15 февралгача			
II чорак учун - 15 майгача			
III чорак учун - 15 августгача			
IV чорак учун - 15 ноябргача			

**2006 йил 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ хўжалиги
аҳамиятига молик бўлган ерлар учун тўланадиган ер солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Ер турлари	Майдони,га		1 га учун солиқ ставки,сўм		Жами солиқ суммаси, шу жумл.:	
	меъёр доираси- да	Меъёр дан ортиқча	меъёр доирасида	меъёрдан ортиқча	Бюджет га	Жамғар- ма га 5%
1	2	3	4	5	6	7
1. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари:1 класс (0-10 балл)						
2 класс (11-20 балл)						
3 класс (21-30 балл)						
4 класс (31-40 балл)						
5 класс (41-50 балл)						
6 класс (51-60 балл)						
7 класс (61-70 балл)						
8 класс (71-80 балл)						
9 класс (81-90 балл)						
10 класс (91-100 балл)						
Баҳоланмаган ерлар						
ЖАМИ						
2. Лалмикор экинзорлар, кўрик ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар:						
Текислик зонада (ёғинлар билан таъминланмаган)						
Текислик-тепаликлардан иборат зонада (ёғинлар билан ярим таъминланган)						
Тоғ олди ва тоғли зоналарда (ёғинлар билан таъминланган)						
ЖАМИ						
3. Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар: ""Чўл"" минтақасида						
""Адир"" минтақасида						
""Тоғ"" минтақасида						
ЖАМИ						
3. Ўрмон хўжалиги корхоналарининг мол ўтлатиш учун фойдаланилмай- диган суғорилмайдиган пичанзорлари ва яйловлари						

1	2	3	4	5	6	7
4. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар остида жойлашган ерлар						
5. Жамоат иморатлари ва ҳовлилари						
6. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар						
7. Солиқ солинадиган ерлар бўйича жами						
8. Солиқ солинмайдиган ерлар:						
1) томорқа ерлар ва полизлар						
2) ўрмонлар ва бошқа ихотазорлар						
3) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш объектлари, аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари, қабристонлар						
4) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив яхшиланиш жараёнида бўлган мавжуд суғориладиган ерлар						
5) илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги аҳолиятига молик ерлар						
6) мева бермайдиган боғлар ва узумзорлар						
9. Солиқ солинмайдиган жами ер						
10. БАРЧА ЕРЛАР						

10-мавзу. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ

- **Солиқ тўловчилар.**
- **Солиқ солиш объекти, уни ҳисоблаш тартиби ва солиқ ставкалари.**
- **Солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни бюджетга тўлаш муддатлари**

Солиқ тўловчилар.

Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахслар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчиси ҳисобланадилар.

Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби белгиланган юридик шахслар асосий фаолият тури бўйича бу солиқни тўламайдилар, улар фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар, улар ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни тўлашлари лозим.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Солиқ солиш объекти, уни ҳисоблаш тартиби ва солиқ ставкалари.

Барча солиқлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (даромад) - соф фойда (даромад) (2-сон "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" шаклининг 240-сатри - 250-сатри) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган ҳисобот шаклининг 260-сатрида акс эттирилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкаси солиқ солиш объектининг 8 фоизи миқдорида белгиланган.

Ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш, болаларнинг мактабгача таълим-тарбия муассасалари ва умумий таълим мактабларини) тутиб турмайдиган барча корхоналар учун солиқ ставкаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилма объектларини бюджет маблағлари ҳисобига молиялашга босқичма-босқич ўтишни амалга ошираётган корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида" 453-сон қарорининг 1-3-сон иловаларига кўра, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи қуйидаги тартибда тўланади:

- бюджет маблағлари ҳисобига молиялашнинг ҳиссаси харажатларнинг умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоизни ташкил этган тақдирда, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига топшириладиган объектлар бутунлай бюджет маблағлари ҳисобига молияланадиган бўлса, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси бундай корхоналар учун мазкур минтақа учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;

- давлат маблағлари ҳисобига молиялашнинг ҳиссаси харажатлар умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоиздан камни ташкил этган тақдирда, яъни харажатларнинг бир қисми корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига молияланса, тўловчилар учун топшириладиган ижтимоий объектларни улушбай молиялаш миқдорида боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар белгиланади.

Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун қуйидагиларни белгилаб олиш лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида" 453-сон қарорининг 1-3-сон иловаларига биноан, бюджетдан молиялашнинг ҳиссасидан келиб чиқиб, топшириладиган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари суммасини;

б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатларини амалга оширувчи корхоналар учун солиқ солиш базасини, у қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$Сф+Хис+С,$$

бу ерда:

Сф - барча солиқлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда);

Хис - ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳани тутиб туриш харажатлари;

С - даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоб қилинган суммаси, у даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкасидан ва ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади ($\text{Хис} \times \text{даромад (фойда) солиғи ставкаси} : 100$);

в) ҳисоб-китоб қилинган солиқ солиш базасидан келиб чиқиб мазкур минтақа учун белгиланган ставка бўйича ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасини.

Агар харажатлар суммаси ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан (мазкур банднинг "в" кичик банди) ошиб кетса, корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

Агар харажатлар суммаси ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан кам бўлса, корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставка бўйича ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг суммаси билан ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида белгилайди.

**Солиқ ҳисоботларини
тақдим этиш ва солиқни
бюджетга тўлаш
муддатлари**

Чорак давомида барча тўловчилар, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг бюджетга жорий тўловларини амалга оширадилар. Жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар тахмин қилинаётган (10-илова) солиққа тортиладиган соф фойда (даромад) ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадиладар ҳамда жорий чорак биринчи ойининг 5 кунига қадар давлат солиқ хизмати органларига жорий тўловлар унга мувофиқ ҳисоблаб ёзиладиган шакл бўйича маълумотнома тақдим этадилар.

Йилнинг ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан олган даромади (фойдаси) энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган юридик шахслар, шунингдек ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно), улар ишлаб чиқаришининг мавсумий характердалигини ҳисобга олиб, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўловларини жорий тўловларни тўламасдан ҳар чоракда, йил бошидан ўсиб боровчи якун билан, олдинги чораклар учун ҳисобланган солиқ суммаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширадилар.

Жорий тўловлар ҳар бир ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, солиқ чораклик суммасининг учдан бир қисми ҳажмида амалга оширилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоблар рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда ўсиб боровчи якун билан белгиланган шакл бўйича (11-илова) ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳақиқатда шаклланган солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб тақдим этилади.

Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасини тўловчилар бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари белгиланган кундан бошлаб 5 кун давомида тўлайдилар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи маҳаллий бюджетга тўланади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Ҳисобот даврида болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари 100 минг сўмни ташкил этади. 170-сатр бўйича солиқ солинадиган даромад 500 минг сўмдан иборат. Даромад (фойда) солиғи суммаси: 180-сатр 200 минг сўм. Даромад (фойда) солиғи ставкаси 15%. *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.*

Ечилиши:

1. Солиқ солинадиган даромаддан даромад (фойда) солиғи суммасини айирамиз:

$$500 - 200 = 300 \text{ минг сўм}$$

2. Болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари суммасини даромад (фойда) солиғи ставкасига кўпайтирамиз.

$$100 \times 15\% = 15 \text{ минг сўм}$$

Яъни, биз даромад солиғи суммасининг болалар боғчасини тутиб туриш ҳисобига қандай суммага камайганлигини биламиз.

1. Тескари ҳисоб-китобни амалга оширамиз.

$$300 (1\text{-банд сальдоси}) + 100 (\text{болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари}) + 15 (\text{ана шу харажатларга тўғри келадиган солиқ суммаси}) = 415 \text{ минг сўм}$$

2. Сўнгра биз 415 ни ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасига кўпайтирамиз

$$415 \times 8\% = 33.2 \text{ минг сўм}$$

Яъни, корхона 33,2 минг сўм ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаши керак эди. Лекин у амалда 100 минг сўм инфратузилмани тутиб туриш учун сарфлаган эди. Шунинг учун корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчи ҳисобланмайди.

2-масала. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш муасасасини тутиб туриш харажатлари 150 минг сўмни ташкил этади. 170-сатр бўйича солиқ солинадиган даромад 4000 минг сўмдан иборат. Даромад солиғи суммаси 180 сатр - 1800 минг сўм. *Даромад солиғи ставкаси – 35 фоиз ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаймиз.*

Ечилиши:

1. $4000 - 1800 = 2200$ минг сўм
2. $150 \times 35\% = 52,5$ минг сўм
3. $2200 + 150 + 52,5 = 2402,5$ минг сўм
4. $2402,5 \times 8\% = 192,2$ минг сўм

Демак, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 192,2 минг сўмни ташкил этади, лекин корхона амалда ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш учун 150 минг сўм харажат қилган эди.

Мазкур корхона бюджетга $192,2 - 150 = 42,2$ минг сўм фарқни тўлаши лозим.

3-масала. Корхонанинг ҳисобот давридаги солиқ солинадиган даромади: 170-сатр – 0 га тенг. Даромад (фойда) солиғи суммаси 180 сатр – 75 минг сўм. *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.*

4-масала. Ҳисобот даврида корхоналарнинг умумий таълим мактабини тутиб туриш харажатлари 100 минг сўмни ташкил этади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) 800 минг сўмдан иборат. Даромад (фойда) солиғи суммаси 50 минг сўм. Корхона экспортга товар реализация қилганлиги учун имтиёзли, яъни 10.5% да даромад (фойда) солиғи ҳисоблаган. *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.*

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қандай юридик шахслар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг тўловчилари ҳисобланишади?
2. Корхона бир неча фаолият тури билан шуғулланса ушбу солиқнинг тўловчиси бўла оладими.
3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг объекти нима?
4. Солиқни бюджетга ундириш тартиби қандай?

10-илова

2006 йил I чораги учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА

(минг сўм)

№	Кўрсаткич номи	
1.	Солиқ солинадиган соф фойда (даромад)нинг тахмин қилинаётган суммаси	
2.	Солиқ суммаси	
3.	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси	

**Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани
ривожлантириш солиғининг
ҲИСОБ-КИТОБИ**

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1.	Бюджетдан молиялашнинг белгиланган хиссасидан келиб чиқиб, топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари хисобига тутиб туриш харажатлари.	
2.	Солиқ солинадиган база - жами	
	Шу жумладан:	
	а) барча солиқлар тўлангандан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган фойда	
	б) ўз маблағлари хисобига ижтимоий инфратузилма объектларини тутиб туриш харажатлари (1- сатр)	
	в) белгиланган ставкадан келиб чиқиб хисобланган фойда солиғининг хисоб-китоб қилинган суммаси (6- сатр х солиқ ставкаси) : 100	
3.	Белгиланган солиқ ставкаси (% да)	
4.	Белгиланган ставка бўйича хисобланган солиқ суммаси (2- сатр.х 3-сатр)	
5.	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (4-сатр - 1-сатр)	
6.	Ҳисобланган (жамланган) солиқ ставкаси (5-сатр : 2-сатр) : 100 (% да)	
7.	Бюджетга хисоблаб ёзилди	
8.	Қўшимча қилиб ёзишга	
9.	Камайитиришга	

11-Мавзу: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилиши.
- Солиқ тўловчилар.
- Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари.
- Солиқ бўйича имтиёзлар.
- Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва тўлаш муддатлари.
- Солиқни ҳисобга олиш тартиби.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилиши.

Ўзбекистон шароитида сув қадрли ҳисобланади. Чунки, республикада қишлоқ хўжалиги асосан суғориладиган ерлардан иборат. Сув ҳар қандай давлат учун асосий бойлик ҳисобланади.

1982 йилдан 1998 йилга қадар сувдан фойдаланаётган корхоналар “сув учун тўлов” тўлашар эди. Истеъмолчиларнинг сувдан самарали, тежаб фойдаланиш мақсадида республикада солиқ қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига кўра 1998 йил 1-январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ умумдавлат солиқлари таркибига киради.

Солиқ тўловчилар.

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчилар асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб олиб боришлари ва шу фаолиятда фойдаланиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари керак.

Юридик шахслар сувдан фойдаланиш жойида давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъи назар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб берувчи юридик шахслар ўз фаолиятида ишлатиладиган сув учунгина солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари.

Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ер усти манбаларига дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер юзасидаги бошқа ҳавзалар ва сув манбалари, турли хил канал ва ҳовузлар киради.

Ер ости манбаларига артезиан қудуқлар ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовур тармоғи киради.

2006 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қуйидаги жадвал маълумотларида келтирилган.

11-жадвал

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари¹³

Кўрсаткичлар	1 куб. метр учун ставка (тийин)	
	Ер усти сув ресурслари манбалари	Ер ости сув ресурслари манбалари
1. Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (2-4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари)	960,0	1230,0
2. Электростанциялар	275,0	409,0
3. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	527,0	683,0
4. Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сувдан фойдаланадиган жисмоний шахслар	47,0	59,0

Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланадиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244 сонли қарори

тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Солиқ бўйича имтиёзлар.

Солиқ кодексига кўра сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод этилади:

а) нотижорат ташкилотлари, ана шу фаолиятда ишлатилган сув ҳажмидан келиб чиқиб, сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчилардан ташқари.

Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплаш учун белгиланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

- 1) ижтимоий-хайрия ёки тадбиркорлик фаолиятдан даромад олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида таъкидланган бошқа мақсадлар учун барпо этилганлари;

- 2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (конун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлашлар бундан мустасно);

- б) ер ости минерал сувларидан даволаш мақсадларида фойдаланадиган соғлиқни сақлаш муассасалари, улар минерал сувлардан савдо тармоғида сотиш учун фойдаланадиган ҳоллар бундан мустасно;

- в) фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган ва сувдан доривор воситалар тайёрлашда фойдаланадиганлар;

- г) атроф муҳитга зарарли таъсири олдини олиш мақсадида чиқариб ташланадиган ер ости сувлари учун;

- д) унинг учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

- е) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан йўл-йўлакай ва шахтадан сувни чиқариб ташлаш учун олинган ер ости сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган сув ҳажмларидан ташқари;

- ж) агрегатлар ишлаши учун сувдан фойдаланганлик учун гидроэлектростанциялар;

з) бирламчи фойдаланганлик учун ҳақ тўланган сувдан иккиламчи фойдаланувчилар (масалан, суғориш учун коллектор-зовур тармоғидаги сувдан фойдаланиш);

и) фаолиятнинг асосий тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар шўрланган ерларни суғоришга сувдан фойдаланганлик учун. Мазкур имтиёз ёрдамчи қишлоқ хўжалигига эга юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади;

к) умумий ишловчиларининг камида эллик фоизи ногиронлар бўлган, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлганлари, савдо-сотиқ, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари;

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

**Солиқни ҳисоблаб
чиқариш тартиби ва
тўлаш муддатлари.**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва ташкил этмайдиган)дан ташқари, тасдиқланган ставкалар бўйича амалда олинган солиққа тортиладиган сув ҳажмидан келиб

чиқиб ҳисобланади.

Деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умуман хўжалик бўйича ўтган йилда 1 га суғориладиган ерга сарфланган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоб:

- юридик шахслар (деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) томонидан белгиланган шакл бўйича солиқни тўлаш учун муддатда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ой якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан белгиланган шакл (12-илова) бўйича ойма-ой тақсимланган ҳолда, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (деҳқон хўжаликларидан ташқари) томонидан белгиланган шакл бўйича солиқни тўлаш учун кўрсатилган муддатда давлат солиқ хизмати органларига ўсиб боровчи якун билан тақдим этилади.

Дехқон хўжаликларига (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тўғрисида тўлов хабарномалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай тақдим этилади.

Сувни марказлаштирилган водопровод тармоғидан оладиган юридик шахслар "Сувоқава" тизими корхоналари билан солиштириш жараёнида олинган сув ҳажмини аниқлаштириш чоғида сув ҳажмидаги фарқни солиштириш амалга оширилган давр учун ҳисоб-китобларда акс эттирадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари ва дехқон хўжаликларидан ташқари) - ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача;).

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан (деҳқон хўжаликларидан ташқари) - ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг умумий суммаси чоракда энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган юридик шахслар солиқни чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тўлайдилар.

Бунда, микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоб-китобларни белгиланган шаклда (13-илова) тақдим этадилар.

Солиқ тўловчилар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) жорий йилнинг 15 январига қадар сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чоракда тўлашлари тўғрисида билдирувнома юборадилар.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари ва дехқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни йилда бир марта - ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар тўлайдилар.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа юридик ва жисмоний шахслар фойдаланган сув ҳажмини олинган сувнинг умумий ҳажмидан чиқариб ташлайдилар, бунда 1 гектар суғориладиган ерни суғоришга сув сарфининг умуман хўжалик бўйича ўртача миқдоридан келиб чиқилади (бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг суғориладиган ерлари ҳам киради).

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, солиқлар, йиғимларнинг бошқа турлари бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризаси бўйича ўттиз кун ичида қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига эътиборга олинади.

Сув ер ости ва юзадаги манбалардан келиб тушадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилганда солиқ манбалар бўйича белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади. Шаҳар ва туманларнинг давлат солиқ хизмати органлари сув етказиб берувчи корхоналардан водопровод тармоғига юзадаги ва ер ости манбаларидан келиб тушадиган сув ҳажмлари нисбати тўғрисидаги маълумотларни олишлари ва мазкур маълумотларни солиқ тўловчиларга етказишлари керак.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бинолар бир қисми, айрим хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага топширилганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни "Сувоқава" тизими корхоналари ёки сув хўжалиги органлари ёхуд бошқа корхоналар билан сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ижарага берувчилар тўлайдилар.

Бино (хона)ни ижарага олган ва ўзлари сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равишда тўлайдилар.

Амалдаги корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарадиган юридик шахслар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайдилар. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни улар учун ушбу ишлар бажариладиган корхона ва ташкилотлар тўлайдилар. Янги қурилиш майдончасида қурилиш ишларини бажариш чоғида қурилиш пайтида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни қурилиш ташкилоти тўлайди.

Мулкчилик ва бўйсунуш шаклидан қатъи назар иссиқ сув ва буғ узатувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни улар томонидан юзадаги ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатилган сув ресурслари ҳажми учун тўлайдилар.

Солиқни ҳисобга олиш тартиби.

Юридик шахсларнинг бюджет билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

- давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;
- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;
- пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Саноат корхонаси ҳисобот даврида жами 30000 куб. метр сув ресурсларидан фойдаланган бўлиб, шундан 40 фоизи ер ости манбаларидан, қолган қисми эса ер усти манбаларидан олинган. Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

Ечилиши:

Саноат корхоналари учун ушбу солиқ ставкалари ер усти манбаларидан олинган сув учун бир куб метрга 640.0 тийин, ер ости манбаларидан фойдаланилган сув учун бир куб метрга 820.0 тийин белгиланган.

Корхона 12000 куб метр (30000 х 40%) ер ости сувларидан; 18000 куб метр (30000 - 12000) ер усти сувларидан фойдаланган.

Солиқ суммаси:

$$18000 \times 640 (6.4 \text{ сўм}) = 115200 \text{ сўм}$$

$$12000 \times 820 (8.2 \text{ сўм}) = 98400 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

2-масала. Электростанция ҳисобот даврида 450000 кб.метр ер усти сув ресурсларидан, 50000 куб.метр ер ости сув ресурсларидан фойдаланган. Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

Ечилиши:

1. Электростанциялар учун ушбу солиқ ставкалари ер усти манбаларидаги сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 1 куб.метрга 183.0 тийин, ер ости манбаларидан фойдаланилган сув учун 1 куб метрга 273.0 тийин белгиланган.

2. Фойдаланилган сув ҳажмидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$450000 \times 183.0 (1.83 \text{ сўм}) = 823500 \text{ сўм}$$

$$50\,000 \times 273.0 (2.73 \text{ сўм}) = 136500 \text{ сўм}$$

$$\text{Жами: } 823500 + 136500 = 960000 \text{ сўм.}$$

3-масала. Коммунал хўжалиги ҳисобот даврида 150 000 метр куб ҳажмида аҳоли пунктларини сув билан таъминланган. Шунингдек ўз истеъмоли учун 25000 метр куб ер усти сув ресурсларидан фойдаланган. Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

4-масала. Саноат корхонаси М.Улуғбек тумани ДСИда рўйхатига олинган. Корхона ҳисобот даврида Қибрай тумани ҳудудидаги сув ресурсларидан (ер усти манбаларидан) 40000 метр куб, ўзи жойлашган туман ер ости сув манбаларидан 10000 метр куб фойдаланган корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг ва корхона солиқ ҳисоб-китобини қайси туман ДСИга тақдим этади ва солиқни тўлайди.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан кўзда тутилган мақсад нима?
2. Жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлаолишадими?
3. Солиққа тортиш объекти қандай тартибда аниқланади?
4. Солиқ ставкалари ким томонидан белгиланади?
5. Солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида ўрнатилади?
6. Қандай юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқдан озод этилади?
7. Солиқ қайси муддатда давлат бюджетига ўтказилади?

12-илова

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасининг

ҲИСОБ-КИТОБИ

2006 йил I чорак учун

Кўрсаткичлар	Хажм					
	Юзадаги манбалар		Ер ости манбалари		Жами	
	Йил бошидан	Хисобот чораги учун	Йил бошидан	Хисобот чораги учун	Йил бошидан	Хисобот чораги учун
1. Хисобот даври учун олинган сувнинг умумий хажми куб. м						
2. Солиқ солинадиган базадан чиқариладиган сув хамжи куб. м						
Шу жумладан фойдаланиш турлари бўйича:						
3. Хисобот даври учун солиқ солинадиган сув хажми (1-сатр 2- сатр) куб. м						
4. 1 куб. м, учун солиқ ставкалари, тийин						
5. Хисобот даври учун тўланадиган солиқ суммаси сўм						
6. Хисобот даври учун бюджетга олдин тўланган солиқ суммаси						
7. Хисобот даври учун тўланиши керак						

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасининг
(микрофирмалар ва кичик корхоналар)**

ҲИСОБ-КИТОБИ

2006 йил III чорак учун

[illegible]

12-Мавзу. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

- **Ер ости бойликларидан фойдаланишни солиққа тортиш зарурлиги.**
- **Солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объекти.**
- **Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар.**
- **Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби.**
- **Солиқни бухгалтерияда ҳисобга олиш тартиби.**

Ер ости бойликларидан фойдаланишни солиққа тортиш зарурлиги.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикаимиз ҳудудидаги барча табиий, ер ости бойликлари давлатимиз тасарруфига ўтди. Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом-ашё ресурслари тўпланган.

Ўзбекистонда 100 га яқин, аниқроғи 95 турдаги минерал хом-ашёни ўзида мужассам этган 2700 та кон аниқланган. Амалда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар республикаимизда мавжуд. Мамлакатнинг умумий хом-ашё салоҳиёти 3,3 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Мавжуд конлардан ҳар йили 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда.

Республикаимиз қонунчилигига кўра мавжуд ер ости бойликлари умумдавлат мулки ҳисобланади. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилишидан асосий мақсад ана шу умумдавлат мулки ҳисобланган ер ости бойликларидан оқилона тарзда бутун жамият аъзоларини ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Солиқ кодексига кўра ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиқлари таркибига киради. Ушбу солиқ табиий бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш билан бирга соф фискал вазифани ҳам бажаради.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тушумлари таркибида олтин 43,3 фоизни, тозаланган мис 35,4 фоизни, нефть 9,1 фоизини, табиий газ ва газ конденцати 7,7 фоизини кумуш 1,8 фоизни ташкил этади. Агарда ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда жами ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумининг 42,9 фоизи Тошкент вилоятига, 39,3 фоизи Навоий вилоятига, 15,3 фоизи Қашқадарё вилоятига тўғри келгани ҳолда қолган 2,5 фоизи республикаимизнинг бошқа ҳудудлари зиммаларига тўғри келади.

Солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объекти.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали

казилмаларни казиб олиш, техноген ҳосилалардан фойдаланиш, шунингдек чакноқ тошлар хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини йиғиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланишади.

Солиққа тортиш мақсадида ер ости бойликлари деганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва казиб олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади.

Таркибида рангли, нодир, асл, қора металллар ва бошқа минерал хом ашё бўлган рудаларни бир корхона казиб олиб, уни бундан кейин қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), казиб олинадиган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Масалан, Олмалик мис казиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган, казиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатининг мис эритиш заводига топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган. Мазкур ҳолатда рудани казиб олувчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Республикамизда ушбу солиқни давлат бюджетига таъминлаб берувчи (об-ҳаво қилувчи) энг йирик солиқ тўловчилар бўлиб, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари, Шўртан ва Муборак газни қайта ишлайдиган заводлари, Навоий олтинни қайта ишлайдиган корхона шунингдек, Ангрен кўмир казиб олувчи корхоналар ҳисобланади.

Руда қайта ишлаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юклаб жўнатилган ёки экспорт қилинган тақдирда рудани казиб олган корхона солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш объектлари ҳисобланади:

а) фойдали қазилмаларни казиб олиш ҳажми (шу жумладан йўл-йўлакай олинадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда.

Қазиб олинган руда таркибидан, асосий фойдали қазилмадан ташқари, унга доир ставкалар белгиланган бошқа хом ашё ажратиб олинган тақдирда йўл-йўлакай олинадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қазиб олинган фойдали қазилма ёки унинг бир қисми корхона томонидан бошқа материалларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланган тақдирда солиқ ушбу хом ашёни казиб олишнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиқиб, тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

Ҳисобот ойда қазиб олинган, лекин тўлалигича ёки қисман сотилмаган фойдали қазилмалар ҳажми учун солиқ сотилган маҳсулотнинг ҳисобот оyi

ёки сотиш амалга оширилган бундан олдинги ой учун ўртача ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб тўланади.

Газ қазиб чиқарувчи корхоналар учун солиққа тортиш объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган сотиш баҳоси бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолда, бирламчи тайёргарликдан ўтган қатламдан қазиб олинган табиий газ (тозаланмаган газ) ҳажми ҳисобланади.

б) техноген ҳосилалар ҳажми (минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари) ажратиб олинган асосий фойдали қазилманинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақиқий сотилиш қиймати бўйича, бунда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилади.

Техноген ҳосилаларга шу жумладан технологик ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишлатилмаётган минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари киради.

в) тўпланган чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларининг ҳисоб қиймати.

Йиғиш деганда чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини табиий очик жойлар, табиий ер ости бўшлиқлари (ғорлар), ишлатиб бўлинган карьерлар, кон қазилари саноати уюмлари, дарё қайирларида кончилик ва бошқа махсус иш турларини бажармасдан, ер остининг бир бутунлигини бузмасдан олиб тўплаш тушунилади.

Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қазиб олинган хом-ашё турлари бўйича ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг табақалаштирилган ставкалари белгиланган. Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг табиий ноқулай шароитда ишлайдиган конлар давлат томонидан қўшимча равишда қўллаб қувватланади. Уларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкаларни жорий этиш орқали бундай корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва замонавийлаштиришга қўшимча маблағлар йўналтириш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги вақтда жами 53 турдаги фойдали қазилмаларга солиқ ставкалари табақалаштирилган тарзда ўрнатилган.

Солиқ кодексига кўра қуйидагилар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан озод этилади:

а) ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганувчи юридик ва жисмоний шахслар;

б) геологик, минералогик ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий иш олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар;

в) ҳамма жойда тарқалган фойдали қазилмаларни уларга берилган ер участкалари доирасида белгиланган тартибда, ўз хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун қазиб олишни амалга оширувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, 12-иловага биноан.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўз ҳудудида қазиб олинган ва ишлатиладиган кенг тарқалган фойдали қазилмалар ҳажми ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга жорий этилишидан аввал қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

**Солиқни ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга
тўлаш тартиби.**

Юридик ва жисмоний шахслар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига йил бошидан ўсиб борувчи якун белгиланган шакл бўйича солиқни тўлаш учун

белгиланган муддатда тақдим этадилар.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни юридик шахслар қуйидаги тартибда тўлайдилар:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун - ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунига қадар;

б) рангли тош хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаганлик учун ҳар чоракда ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир маротаба, кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларининг хабарномаси бўйича ҳисоб-китобни уларга тақдим этадилар ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар.

**Солиқни бухгалтерияда
ҳисобга олиш тартиби.**

Юридик шахсларнинг ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича)

қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

-давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети;

-бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

-бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети;

-пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган ҳолда, бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Нефть қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 1200 тонна нефть қазиб олган. Корхона қайта ишлаш 1200 минг сўмга (ҚҚС ва акциз солиғисиз) реализация қилган. Корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган ер остдан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг.

Ечилиши:

1. Нефть маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган ҳақиқатда сотилиш қийматидан 12.3 % да тўланиши белгиланган;

2. Нефть маҳсулотларининг қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаймиз.:

$$1200 \times 12,3 \% = 150 \text{ минг сўм}$$

2-масала. Кўмир қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 1800 тонна кўмир қазиб олган ва унинг 45 фоизини 8400 минг сўмга реализация қилган. Корхонанинг тўлаши лозим бўлган ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

3-масала. Корхона ҳисобот даврида 500 тонна темир рудасини қазиб олиб, унинг бир қисмини 1200 минг сўмга ҚҚС билан реализация қилган. Корхонанинг тўлаши лозим бўлган ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ер ости бойликларидан фойдаланганда солиққа тортишнинг зарурлиги нимада?

2. Республикамизда энг йирик солиқ тўловчилар қайси корхоналар ҳисобланади?

3. Солиққа тортиш объекти нима?

4. Қайси мезонлар асосида солиқ ставкалари табақалаштирилади?

5. Қайси корхоналар солиқдан имтиёзга эга?

**Ўзбекистон Республикасининг кенг тарқалган
фойдали қазилмалари
РЎЙХАТИ**

Қум (қолиплаш, шиша, чинни-фаянс, оловга чидамли ва цемент саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Шағал.

Майда шағал-тош.

Лой (оловга чидамли, қийин эрийдиган, қолиплаш, чинни-фаянс ва цемент саноати учун ишлатиладиган, оқартирувчи, бўёвчи, бентонит, кислотага чидамли ва каолиндан ташқари).

Қумоқ тупроқ (цемент саноати учун қумоқ тупроқдан ташқари).

Харсанг тошлар.

Қумтош (битуминоз, пардозлаш, динас қумтошлари ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Кварцит (динас, флюс, пардозлаш, кремний карбиди ишлаб чиқариш учун темирли, кристалли кремний ва ферроқотишмалардан ташқари).

Доломит (арраланадиган, пардозланадиган, металлургия, кимё ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Мергель (битуминоз ва цемент саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Оҳактош (битуминоз, пардозлаш, арраланадиган, цемент, металлургия, кимё, шиша, целлюлоза-қоғоз ва қанд-шакар саноати, шунингдек глинозём ишлаб чиқариш учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Чиғаноқтош.

Сланец (иссиқ ва томга ёпиладиганларидан ташқари).

Аргиллит ва алевролитлар (цемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).

Магматик, вулқон ҳосил қилувчи ва метаморфик жинслар (пардозлаш, декоратив, оловга чидамли ва кислотага чидамли материаллар ишлаб чиқариш, тош қуйма ва минерал пахталар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган, шунингдек цемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).

III БЎЛИМ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ

13-Мавзу: Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи

- Солиқ тўловчилар ва солиқ объекти.
- Солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари.
- Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби.

Солиқ тўловчилар ва солиқ объекти.

Солиқ кодексига кўра олиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўловчилари ҳисобланади.

Жисмоний шахслар учун уларнинг мулкида бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, уларни солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади. Солиқ ставкалари ҳар йили кейинги молия йили учун Вазирлар Маҳкамасининг макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидага қарори асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2006 йил 1 январдан жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг ставкалари қуйидагича белгиланган:

14-жадвал

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкалари¹⁴

Солиққа тортиш объекти	Ўлчов бирлиги	Солиқ ставкаси
Уй жойлар, квартиралар, дала ҳовлилар, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қийматидан:*		
1 январь 1998 йилдан қайта баҳоланган бўлса;	%	0,5
Қайта баҳоланмаган бўлса	%	7

**Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича тегишли органларнинг баҳоси бўлмаса солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида – 1800 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда – 800 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулклари техник инвентаризациялаш бюроси (ТИБ) ходимлари томонидан баҳоланади.*

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244 сонли қарори

Солиқ қонунчилигига кўра қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди:

а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;

б) 1941-1945 йиллардаги уруш катнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

в) қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

г) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);

д) пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;

е) муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг - хизматни ўташ даврида;

ж) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);

з) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Юқорида назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан, имтиёз олиш ҳуқуқини берувчи зарурий ҳужжатлар солиқ органларига тақдим этилганда, мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқли бўлади. Бунда имтиёзлар мол-мулк имтиёз олувчининг мулки бўлган ҳоллардагина тақдим этилади.

Йил давомида тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда улар кўрсатилган тўловлардан ана шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб озод этиладилар.

Йил ўртасида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқини йўқотганда солиқ солиш ушбу ҳуқуқ йўқолган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

**Солиқни ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга
тўлаш тартиби.**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқига эга бўлган шахслар зарур ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюрolari тақдим этадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган, қайта баҳоланганидан кейин қайта ҳисоб-китоб қилинган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол-мулк солиғи ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол-мулкка мулк ҳуқуқи тақвимий йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди, янги мулкдор эса - мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди.

Тақвимий йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда мол-мулк солиғи ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Ҳисобланган йиллик солиқ миқдори тенг улушларда икки муддатда - 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай маҳаллий бюджетга тўланади.

Агар солиқ тўловчи томонидан ортиқча суммалар тўланган бўлса, солиқ ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари ҳисоби давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январига ҳолат бўйича шаҳар ва туманлар бўйича, техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморатлар эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан ўтказилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Фуқаро Сафаров Шерзод Юнусобод тумани Ц-2, 24-уйдан харид қилган 4-хонали квартирасининг техник инвентаризациялаш бюроси ходимлари томонидан нархланган баҳоси 1250 минг сўмни ташкил этади.

Мол-мулк солиғи суммасини ҳисобланг?

2-масала. Фуқаро Сафаров Шохрух 2005 йил сентябр ойида Чилонзор туманидан 4,5 сотих майдонга эга бўлган тураржой сотиб олди. Сотиб олинган тураржойнинг техник инвентаризациялаш бюроси ходимлари томонидан нархланган қиймати 1450 минг сўмни ташкил этади.

Мол-мулк солиғи суммасини ҳисобланг ва фуқаро Сафаров Шерзод 2005 йил учун қанча миқдорда солиқ тўлаши лозим бўлади.

3-масала. Фуқаро Сафаров Санжар 2006 йилда ўз шахсий автомашинаси учун гараж сотиб олди. Гаражнинг нархланган қиймати 480 минг сўмни ташкил этди.

Фуқаро Сафаров Санжар қанча миқдорда мол-мулк солиғини тўлаши лозим?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахсларнинг қандай мол-мулклари солиқ объекти бўлаолади?
2. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари ким томонидан белгиланади?
3. Мол-мулк солиғи ким томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
4. Мол-мулк солиғидан кимлар солиқдан озод этилади?
5. Мол-мулк солиғи қайси муддатда бюджетга тўланади?

14-Мавзу: Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи

- Ер солиғини тўловчилар ва солиқ объекти.
- Ер солиғи ставкалари ва солиқдан имтиёзлар.
- Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби.
- Ер солиғини бюджетга тўлаш муддатлари.

Ер солиғини тўловчилар ва солиқ объекти.

Солиқ кодексига кўра ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланишади.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

- турар жойлар эагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;
- хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;
- мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Ер солиғи ставкалари ва солиқдан имтиёзлар.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч барабар миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар учун 1,5 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган

ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффицентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган ер участкалари майдони ер бериш тўғрисида давлат ҳокимият органларининг қарори, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун давлат далолатномаси, ерни ижарага олиш шартномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларга кўра белгиланади.

Ер участкасига нисбатан мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, солиқ бутун майдон учун юқорида кўрсатилган ошириш коэффицентларини қўллаган ҳолда тўланади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади. Жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқариш дўконлар, ошхоналар, устахоналар ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган бошқа объектлар учун фойдаланиладиган ер участкалари учун амалга оширилади.

Солиқ кодексига кўра қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

- яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

- "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари. Мазкур имтиёз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиши тўғрисида гувоҳнома; Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси, уруш қатнашчиси гувоҳномаси, имтиёзларга ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома асосида тақдим этилади;

- хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Мазкур имтиёз имтиёзларга ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома асосида тақдим этилади;

- ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари - хизмат муддатига. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар учун уларни чақириш санаси туман ва шаҳар ҳокимиятларининг мудофаа ишлари бўлиmlари маълумотларига кўра қабул қилинади. Хизматдан қайтган фуқаронинг мудофаа ишлари бўлими томонидан ҳисобга қўйилган куни ҳарбий хизматнинг тугаш санаси деб

қабул қилинади. Муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга мазкур кичик банд томонидан белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди;

- I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

- ёлғиз пенсионерлар. Солиқ солиш мақсадлари учун ёлғиз пенсионерлар деганда бир ўзлари ёки вояга етмаган болалари ёки ногирон боласи билан биргаликда алоҳида уйда, квартира ёки ётоқхонада яшайдиган пенсионерлар тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

- боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Солиқ солиш мақсадларида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар деганда ота-онадан бири ёки иккаласи вафот этган ҳамда оилада 16 ёшга етмаган 5 ва ундан ортиқ бола бўлган оилалар тушунилади. Мазкур имтиёз туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

- концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар. Мазкур имтиёз имтиёзларга ҳуқуқлар тўғрисида гувоҳнома ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

- кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилга;

- илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар;

Юқорида кўрсатилган имтиёзлар ер участкалари якка тартибда уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида тақдим этилган жисмоний шахсларгагина татбиқ этилади.

Ер солиғи тўланмайдиган ер участкаларининг майдонлари ер участкасига ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларга биноан қабул қилинади.

Имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озод этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда хўжалик юритадиган бутун оилага татбиқ этилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби.

Жисмоний шахслар учун ер солиғини давлат солиқ органларининг ходимлари ҳисоблаб чиқаради. Давлат солиқ хизмати органлари ер участкалари мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар бўлган жисмоний шахсларнинг мунтазам ҳисобини юритадилар.

Деҳқон хўжаликлари (юридик шахсни ташкил этмаганлари) ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95 фоизини бюджетга ва 5 фоизини Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Шу муносабат билан давлат солиқ органлари деҳқон хўжаликларига ёзиладиган тўлов хабарномаларида бюджетга тўланадиган ер

солиғи суммаси ва Жамғармага тўланадиган ер солиғи суммасини алоҳида кўрсатадилар.

Солиқ тўланиши тўғрисидаги тўлов хабарномалари жисмоний шахсларга давлат солиқ органлари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай топширилади.

Ер участкаларининг майдони ўзгарганда ва йил давомида имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлганда ёки бекор қилинганда давлат солиқ органлари бир ой давомида солиқни қайта ҳисоб-китоб қилишлари ва солиқ тўловчига тўлаш муддатлари ўзгарганини ҳисобга олган ҳолда янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахсларга шаҳар ва қўрғонларда якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкаларининг майдонлари якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш шаҳар ёки туман бошқармаси ёхуд ишлаб чиқариш уй-жой инспекциясининг мавжуд материаллари бўйича ҳисобга олиниб, ҳар йили натурада аниқлаштирилади.

Жисмоний шахсларга қишлоқ жойларда шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкалари томорқа ерлардан ва жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкаларидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда томорқа ерлар майдони ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилиниб, юз берган ўзгаришлар ҳар йили натурада аниқлаштирилади. Жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкалари майдони хўжаликларнинг маълумотлари бўйича ҳисобга олиниб, ҳар йили аниқлаштирилади.

Агар жисмоний шахс якка тартибда уй-жой қурилиши ёки шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ёки ердан мақсадли фойдаланишни ўзгартирмасдан ўз уйини офис сифатида расмийлаштирса, бунда ундан ер солиғи якка тартибда уй-жой қурилиши ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Кўп хонадонли турар жойларда яшайдиган жисмоний шахслардан ер солиғи ундирилмайди. Хонадондан ёки кўп хонадонли турар жойларнинг бир қисмидан одамларнинг яшаши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилганда, белгиланган тартибда хонадоннинг умумий майдонидан келиб чиқиб, ер солиғининг тегишли ҳиссаси ундирилади.

Эгалик қилиш ҳуқуқи мерос бўйича турар жой, нотурар иморат ва иншоотлар, боғ уйчаси ўтиши билан бирга ўтган ер участкалари учун ер солиғи меросхўрлардан, мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ундирилади.

Ер солиғини бюджетга тўлаш муддатлари.

Жисмоний шахслар ҳисобланган йиллик ер солиғини тенг улушларда йилига икки муддатда - 15 июндан ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлайдилар. Тўланган солиқ

суммаси белгиланган тартибда маҳаллий бюджетга тушади.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Масалан, ваколатли ҳокимият органининг 15 сентябрдаги қарори билан корхонага ер ажратилса, у ер солиғини 1 октябрдан бошлаб тўлайди.

Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органлари ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат солиқ хизмати органлари солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вақтида тўланиши устидан белгиланган қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Фуқаро Сафарова Шахзода 2005 йил 10 ноябрда Тошкент вилояти Қибрай туманидан 6 сотих ер участкасини уй-жой қуриш учун сотиб олди.

Фуқаро Сафарова Шахзода сотиб олган ер участкаси учун қанча миқдорда ер солиғини тўлаши лозим. *Ер солиғи суммасини ҳисобланг?*

2-

масала. Фуқаро Рамазонов Акбар Сурхондарё вилоятининг Денов туманида яшайди. Унинг ер участкаси 15 сотихни ташкил этади.

Фуқаро Рамазонов Акбар ер участкаси учун қанча миқдорда ер солиғини тўлаши лозим. *Ер солиғи суммасини ҳисобланг?*

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахсларнинг қандай ерлари солиқ объекти бўлаолади?
2. Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари ким томонидан белгиланади?
3. Ер солиғи ким томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
4. Қандай тоифадаги фуқаролар ер солиғидан озод этилади?
5. Ер солиғи қайси муддатда бюджетга тўланади?

15-мавзу. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

- **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг моҳияти, солиқ тўловчилар ва солиқ объекти.**
- **Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари таркиби.**
- **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари.**
- **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар.**
- **Чет эллик жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солишнинг хусусиятлари.**
- **Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби.**
- **Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортиш тартиби.**
- **Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби.**

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг моҳияти, солиқ тўловчилар ва солиқ объекти.


Маълумки, солиқ қонунчилигида солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар иккига бўлинган, яъни юридик ва жисмоний шахсларга.

Жисмоний шахсларга – юридик шахс мақомини олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради. Бугунги кунда жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ва йиғимлар бюджет даромадларининг қарийиб 20 фоизини ташкил этмоқда.

Жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ичида бюджет тушумларидан салмоқли ўринни эгаллайдиган солиқ бу – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – давлат бюджети даромад манбаларидан бири бўлиб, у умумдавлат солиқлари таркибига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 1991 йилда бюджет тушумларининг 6,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда 13,1 фоизни ташкил этган. 2006 йилги давлат бюджети параметрлари бўйича ушбу солиқ давлат бюджети даромадларининг 15 фоизини, тўғри солиқлар ичида эса 57,7 фоизини ташкил этиши прогнозлаштирилган.



2-диаграмма. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини давлат бюджети даромадларида тутган ўрни¹⁵

Бу кўрсаткичлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бюджет даромадлари таркибида аҳамиятли эканлигидан дарак беради.

Солиқ кодексига кўра молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошлангичдан ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади солиқ солиш объекти ҳисобланади. Солиққа тортиладиган даромад бўлиб, жисмоний шахсларнинг жами даромадидан солиқ қонунчилигига кўра белгиланган чегирмаларни айрим ташлагандан кейинги қолдиқ сумма ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқни тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган суммаларнинг миқдори жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

¹⁵ Молия Вазирлиги йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Жисмоний шахсларнинг
жами йиллик
даромадлари таркиби.**

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромади;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромад

киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-хуқуқӣ шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради. Бундан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

а) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш нархи ёки уларнинг таннари ўртасидаги манфӣй фарқ;

б) юридик шахс (иш берувчи) томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар;

в) ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари;

г) иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлар;

д) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммаси;

е) иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.

Бундай харажатларга юридик шахснинг ўз ходими тўлаши лозим бўлган, аммо ушбу юридик шахс томонидан тўланган маблағлар киради.

Масалан, коммунал хизматлар, тураржой учун тўлов, давлат пенсиясига кўшимча тўлов, йўл чипталари қиймати (хизмат сафарлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларидан ташқари). Бунда ишлари хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган ва ушбу мақсадларда уларга бир ойлик йўл карточкалари сотиб олиб бериладиган ходимлар рўйхати, уларнинг фаолият тури, уларнинг харид қилиш мақсадлари иш берувчининг буйруғи (фармойиши)га мувофиқ белгиланади, овқатланиш учун кўшимча тўловлар суммаси, газета ва журналлар обунаси суммаси, туристик йўлланмалар, спорт секцияларига абонементлар ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар учун тўлов.

Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари таркибига олинган фоиизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадга товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, якка тартибда амалга ошириладиган бошқа

фаолиятдан келадиган барча тушумлар ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради.

Фуқаронинг асосий иш жойи бўлиб меҳнат дафтарчаси юритиладиган корхона, муассаса ва ташкилот ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадни аниқлаш мақсадида чегириб ташланиши лозим бўлган харажатлар, мажбурий тўловлар, харажатлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Жисмоний шахслардан
олинадиган даромад
солиғи ставкалари.**

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи кўпгина мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда прогрессив солиқ ҳисобланади. Ушбу солиқ ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва белгиланган тартибда давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан жисмоний шахсларга етказилади. Ҳар йили белгиланган ставкалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа даромадларига солинадиган табақалашган прогрессив солиқ ставкалари;
- жисмоний шахсларнинг дивидент ва фоиз тариқасида оладиган даромадига солиқ ставкаси;
- норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ ставкалари;
- имтиёзли солиқ ставкалари.

Солиқ кодексига биноан 1998 йилдан республикада жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларидан солиқ ставкаси 15, 25, 35, 40, 45 фоиз, яъни 5 поғонали қилиб белгиланган эди. 2000 йилдан бошлаб 4 поғонали, яъни 15, 25, 36, 40 фоиз, 2001 йилдан эса 3 поғоналига ўтиб, унинг ставкаси 12, 25, 30 фоизни, 2002 йилдан 13, 23, 33 фоиз қилиб белгиланган эди.

2006 йилдан жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларидан солиқ ставкаси қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳисобланади (14-жадвал).

Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб (ўсиб) боровчи яқун тарзида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар учун қатъий солиқ суммасини белгилаш йўли билан алоҳида солиқ солиш тартибини белгилайди.

**Жисмоний шахслардан олинадиган
даромад солиғи ставкалари¹⁶**

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш баравардан ошадиган сумманинг 20 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори суммадан	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравардан ошадиган сумманинг 29 фоизи

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларни тўлаш манбаида чегирмаларсиз, қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- дивиденд ва фоизлар - 10 фоиз;
- хатарни суғурталаш ёки қайта суғурталашга тўланган суғурта мукофотлари - 10 фоиз;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат катновида халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар) - 6 фоиз;
- роялти, ижарадан келган даромадлар, хизматлар кўрсатишдан келган даромадлар, шу жумладан бошқарув бўйича хизматлар, маслаҳатларга оид ва бошқа даромадлар - 20 фоиз;

Тўлов манбаида солиқ солиш, тўлов Ўзбекистон Республикаси ичида ёки ундан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар, қўлланилади.

Жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга 10 фоизлик ставка бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Бунда солиқ солиш мақсадида дивидендларга акциялар бўйича ҳамда қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради. Фоизларга қарз мажбуриятлари ва хўжалик юритувчи субъектнинг устав сармоясида улушбай иштирокидан келади диган даромадлар ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244 сонли қарори

рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади. Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмида қайд этилган ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади (13-илова).

Ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлган кўшимча тўловларга (иш стажига устамалар, баланд тоғлик, дашт ва сувсиз туманлардаги ишлар учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловларга) энг кам ставка бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда дивидендлар ва фоизлар бўйича даромадлар, кўшимча тўловлар жами даромад таркибидан ҳисобдан чиқарилади.

**Жисмоний шахслардан
олинадиган даромад
солиғи бўйича
имтиёзлар.**

*Солиқ қонунчилигига кўра жисмоний
шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига
қуйидагилар киритилмайди:*

- меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришlash нафақалари бундан мустасно), шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари.

Бунда энг кам иш ҳақи ҳисоби учун меҳнат шартномаси тўхтатилган кунда амал қилган (охирги ишлаган кундаги) ойлик энг кам иш ҳақининг миқдори қабул қилинади;

- олинадиган алиментлар;
- олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинладиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;
- давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;
- шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тиббиёт

муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган суммалар;

- майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

- фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотлардан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

- жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳукуки асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириладиган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган даромадлардан ташқари;

- шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асараричилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

- бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

- мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳукуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

- давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

- фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

- бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

- табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

- депозит сертификатлар бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

▪ патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

- ихтиролар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида;
- саноат намунасидан - уч йил давомида;
- фойдали моделдан - икки йил давомида

▪ болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

▪ амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасидаги товон тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товон пуллари бундан мустасно.

▪ вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, башарти бундай ишлар Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

▪ хусусий корхона ва фермер хўжалиги томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулкдори ва фермер хўжалигининг бошлиғи ихтиёрига келиб тушадиган фойда суммаси;

▪ Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати;

▪ Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари;

▪ жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қуйидагилар тўлалигича озод қилинадилар:

▪ хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг

ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатadиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

- ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

- Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;

- гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар гастроль-концерт фаолиятидан олинган даромадлари бўйича;

- мансаб даражалари бор прокуратура органлари ходимлари.

Қуйидаги солиқ тўловчиларнинг даромадлари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт барабари миқдорида тўлашдан озод этилади:

а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ

партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар.

Юқорида айтиб ўтилган имтиёзлар учун "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонлари китобчалари, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланганларнинг ордени китобчаси, Улуғ Ватан уруши ногиронларининг "Улуғ Ватан уруши ногирони гувоҳномаси" ёки ҳарбий комиссариатдан берилган маълумотномаси, бошқа ногиронларнинг "Имтиёзга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ногирон гувоҳномаси" асос ҳисобланади;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари.

Имтиёз "Уруш қатнашчиси гувоҳномаси" асосида, Улуғ Ватан уруши даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари учун "Имтиёзларга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома" ёки меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар.

Имтиёз қамал пайтида Ленинград шаҳридаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мазкур шахсларнинг ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тақдим этилади;

г) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар.

"Имтиёзга бўлган ҳуқуқи тўғрисида ногирон гувоҳномаси" имтиёз тақдим этиш учун асос ҳисобланади;

д) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари.

Пенсия гувоҳномаси ёки шифокорлик-меҳнат экспертиза комиссиясининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади;

е) қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар.

"Қаҳрамон она дафтарчаси" ёхуд болаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси имтиёз тақдим этишда асос бўлади;

ж) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларининг ота-оналари ва рафиқалари.

"Ҳалок бўлган жангчининг беваси (онаси, отаси)" штампи босилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзув қайд этилган пенсия гувоҳномаси асосида имтиёз тақдим этилади.

Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронт-да бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига фақат улар иккинчи марта турмуш қурмаган тақдирда, имтиёз тақдим этилади;

з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

и) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар.

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек имтиёз тақдим этилишида асос ҳисобланадиган бошқа ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатлар асосида имтиёз берилади;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.

Меҳнат ва ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган "ёлғиз онанинг шахсий дафтарчаси" асосида имтиёз берилади;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

Турмуш ўртоғи (аёли) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва болаларининг мавжудлигини ҳамда қайта никоҳдан ўтмаганлигини тасдиқловчи паспорт, боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсиясининг тайинланмаганлиги тўғрисида меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси имтиёз берилишида асос ҳисобланади;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири.

Пенсия гувоҳномаси ёки доимий парвариш талаб этилишини тасдиқловчи соғлиқни сақлаш муассасасининг тиббий маълумотномаси, бирга яшашлиги ҳақида - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар - ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг тегишли қарори ёки раҳбар буйруғи имтиёзни қўллаш учун асос бўлади.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганида вужудга келади.

Ҳисобот йили учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридagi имтиёз имтиёзларга бўлган ҳуқуқ юзага келган ой бошидан тақдим этилади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, агар асосий иш жойи мавжуд бўлмаса, унда яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ ҳисоблаб чиқаришда қўлланилади.

Фуқаро имтиёзларга бўлган ҳуқуқни йўқотганлигини 15 кундан кечиктирмай, ундан солиқ ушлаб қоладиган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек жисмоний шахсларни ёхуд солиқ органини (агар мазкур орган ҳисоб-китобни амалга оширса) маълум қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилгунига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида солиқ тўловчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари уларнинг тақдим этилган муддатлари тугагунига қадар сақлаб қолинади.

Чет эллик жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солишнинг хусусиятлари.

Чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади.

Резидент - чет эллик жисмоний шахсдан Ўзбекистон Республикаси фуқароси сингари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Норезидент - чет эллик жисмоний шахслардан тўланган жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Солиқ солиш мақсадида норезидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент сифатида ёки доимий муассаса билан боғлиқликда бўлмаган норезидент шахс сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент жисмоний шахс доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида, бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби.

Асосий иш жойидан олинадиган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил

бошидан ўсиб боровчи якун билан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб солиқ солинадиган жами даромад суммасидан амалга оширилади.

Фуқаро бир йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойини ўзгартирса, у янги иш жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи олғунига қадар белгиланган шакл бўйича жорий йилда тўланган даромадлар ҳамда ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши шарт.

Янги иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш тақвим йили бошидан илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аввалги иш жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ҳолларда солиқ солинадиган даромаддан энг юқори ставка бўйича солиқ ундирилади. Маълумотнома кейинроқ тақдим этилса, у ҳолда ундирилган умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Аввалги асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларининг ходим томонидан бажарилиши билан боғлиқ мукофот ва бошқа тўловлар унга ишдан бўшатиlgанидан сўнг тўланган бўлса, мазкур мукофот ва тўловлар умумбелгиланган тартибда уларни тўлаш чоғида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромаднинг ҳамда ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида корхона, муассаса, ташкилот бир ой муддатда истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб боровчи якун билан солиқ солинадиган жами даромад суммасидан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб (агар бундай даромадлар тўланган бўлса), белгиланган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад оловчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширса, даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқни ушлаб қоладилар.

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар даромадидан олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги тақдим этилган декларация маълумотлари бўйича солиқ хизмати органи томонидан даромад солиғи якуний суммаси ҳисоблаб чиқарилади.

Резидент жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (шу жумладан асосий иш жойидан) олган даромадларидан

даромад солиғи якуний суммасини ҳисоблаб чиқариш худди шундай тартибда амалга оширилади.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар даромадидан олинган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисидаги тақдим этилган декларация, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган фуқаролар фаолиятининг текширув материаллари маълумотлари ва солиқ тўловчилар даромадлари тўғрисидаги бошқа мавжуд ахборотлар бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан даромад солиғи ҳисобланади.

Резидент чет эллик жисмоний шахслар даромадидан назарда тутилаётган даромадлар ҳақида топширилган дастлабки декларациядаги маълумотлар бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан даромад солиғи ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолишни қуйидаги фаолиятини доимий муассаса, шу жумладан хорижий фирмалар ваколатхоналари, орқали юритувчи юридик шахслар, норезидент юридик шахслар амалга ошириши шарт:

-ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича тўловларни амалга оширадиган;

-нодавлат пенсияларини тўлайдиган;

-жисмоний шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўлайдиган;

норезидентларга тўловларни амалга оширадиган.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Юридик шахслар қуйидагиларни бажариши шарт:

-иш ҳақини тўлаш чоғида жисмоний шахсга унинг талабига кўра унга даромади суммаси ва тури, шунингдек ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақида (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса) маълумотномани бериш;

-жисмоний шахснинг рўйхат рақами ёки паспорт маълумотлари, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида қилган даромадининг умумий суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотномани молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиш;

-йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 санасидан кечикмай, юридик шахс солиқ тўлаш бўйича рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ органларига ёлланиб ишловчиларга иш ҳақи ва бошқа даромадлар кўринишида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган суммалар тўғрисида белгиланган шаклда ушбу даромадларга солинадаган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш.

Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортиш тартиби.

Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади ҳақидаги декларация куйидаги ҳолларда солиқ органларига топширилади:

а) асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган жисмоний шахслар томонидан; (Асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад олувчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширганлар бундан мустасно)

б) резидент - чет эллик жисмоний шахслар томонидан;

в) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи резидент - жисмоний шахслар томонидан.

Жисмоний шахслар доимий истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органларига жами йиллик даромад ҳақида декларацияни куйидаги муддатларда тақдим этишлари керак:

- асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахслар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай;

- резидент - чет эллик жисмоний шахслар назарда тутилаётган даромадлар ҳақида - Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб бир ой мобайнида белгиланган шаклда.

- Чет эллик жисмоний шахснинг фаолияти тақвимий йил мобайнида тўхтаган ва у Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишдан камида бир ой олдин декларация тақдим этилиши керак. Якуний декларация белгиланган шаклда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши керак;

- юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар - шундай даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой ўтганидан кейин беш кун муддатда, йил бўйича - ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача. Декларацияда фаолиятнинг дастлабки ойида олинган даромад миқдори ҳамда жорий йил якунигача назарда тутилаётган даромад миқдори кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва санаси, жами йиллик даромад ва қилинган чегирмалар тўғрисидаги декларация қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши кераклиги кўрсатилади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда солиқ тўловчи беш кунлик муддатда бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида давлат солиқ хизмати органига даромадлар ҳақидаги декларацияни белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлаш чоғида декларация топшириш орқали солиқлар қуйидаги муддатларда тўланади:

а) асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган резидент - жисмоний шахслар - жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечикмай, йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса,- декларация давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида;

б) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар - йилнинг ҳар чорагида ўтган йилги даромадлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган йиллик солиқ суммасининг 25 фоизини, тегишлича 15 февраль, 15 май, 15 август ва 15 ноябрдан кечиктирмай, солиқни биринчи марта тўлайдиган тўловчилар эса - жорий йилда олиш мўлжалланган даромад бўйича давлат солиқ хизмати органлари унга ҳисоблаб берган сумманинг 25 фоизини.

Йил мобайнида тўловчининг даромади анчагина кўпайган ёки камайган тақдирда солиқ тўловчи солиқ тўлашнинг бошланмаган муддатлари бўйича даромад солиғи суммаларини қайта ҳисоблаб чиқариши мумкин, йил ўтиши билан йиллик солиқ суммаси амалда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ана шу сумма билан йил мобайнида тўланган сумма ўртасидаги фарқ кейинги йилнинг 15 мартидан кечикмай, тугаган даромад манбаи бўйича эса, ўн беш кунлик муддатда тўловчидан ундириб олиниши ёки унга қайтариб берилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинганда солиқ жамғариб бориладиган тизимда қатнашувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган бадаллар чегирилган ҳолда қуйидаги муддатларда тўланади:

а) даромад тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси шу мақсадларда пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади;

б) тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказилади.

Банкда ҳисобрақамига эга бўлган юридик шахслар томонидан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш санаси солиқ тўловчи ҳисобрақамидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун, бошқалар, шу

жумладан жисмоний шахслар учун эса - маблағлар кредит муассасасининг кассасига ўтказилган кун ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб варағидан солиқ суммаси жисмоний шахс томонидан тўланганда, тўлов санаси жисмоний шахс ҳисобрақамидаги маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг йил мобайнида тўлаб борилган суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

**Тадбиркорлик фаолияти
билан шуғулланувчи
жисмоний шахсларни
солиққа тортиш тартиби.**

Юридик шахсни ташкил этмасдан
тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи
жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқ
тўловчилар ҳисобланадилар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи қатъий белгиланган солиқни тўловчи жисмоний шахслар солиқ қонунчилигига кўра ижтимоий суғурта бадалларини, экспорт-импорт операцияларини бажарганда ягона божхона тўлови, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни, агарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда сув ресурсларидан фойдаланилса, унда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни, бозорларда фаолиятини амалга оширишда савдо жойи учун тўлов (патта)ни, давлат божларини тўлайдилар.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг аниқ миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари тадбиркорлик фаолиятининг тури ва фаолият жойига (вилоятлардаги шаҳарлар, туманлар, шу жумладан қишлоқ жойларга) боғлиқ равишда белгилайди.

Бунда фаолиятнинг турли хиллари учун табақалаштирилган ёндашувни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари томонидан маҳаллий шароитлар ва бошқа мезонларни ҳисобга олган ҳолда қатъий белгиланган миқдорларда даромад солиғи ставкалари белгиланиши мумкин.

Қатъий белгиланган солиқнинг базавий ставкалари ва юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ суммасининг ҳисоб-китоби учун тузатувчи коэффицентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Қатъий белгиланган миқдорлардаги даромад солиғини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳар ойда, мустақил равишда фаолият амалга ошириладиган ойнинг 1-кунигача тўлайдилар.

Масалан, жисмоний шахслар даромадидан қатъий белгиланган солиқ:

2006 йил январи учун 2006 йилнинг 1 январига қадар;

2006 йил феврали учун 2006 йилнинг 1 февралига қадар тўланиши керак ва ҳоказо.

Қатъий белгиланган солиқ юридик шахсни ташкил этмаган тадбиркор томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган жойда, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, тўланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан энди шуғуллана бошлаган жисмоний шахслар қатъий белгиланган ставкалар бўйича даромад солиғини белгиланган тартибда, рўйхатга олиш пайтида мустақил тўлайдилар. Қатъий белгиланган солиқ фаолият бошланган кундан қатъи назар бир ой учун тўланади. 2006 йил 1 январдан юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ ставкаси қуйидагича:

15-жадвал

Айрим фаолият турлари бўйича юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга қатъий белгиланган солиқ ставкаси:¹⁷

№	Фаолият тури	Тошкент шаҳри	Вилоят шаҳарларида	Районлар, қишлоқ жойлари билан бирга
1.	Чакана савдо: - озиқ-овқат товарлари учун; - ноозиқ-овқат товарлар учун; - озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини аралаштириб савдо қилганда.	12,0 13,5 13,5	7,5 9,0 9,0	4,0 4,5 4,5
2.	Маиший хизмат (3 пунктда кўзда тутилганлардан ташқари)	7,5	3,0	1,5
3.	Сартарошхона хизмати, маникюр, педикюр, косметика ва шу каби хизматлар	8,5	4,5	3,0
4.	Миллий ширинликлар, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш ва шу кабилар	4,5	3,5	2,0

Тадбиркор ўз фаолиятини муайян ойга (ойларга) турли сабаблар (оилавий аҳволи, касаллик, вақтинча бошқа ерга кетиш ва ҳоказо) билан тўхтатган ҳолларда, у фаолиятини тўхтатишгача давлат солиқ хизмати

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПФ-244-сонли қарори.

органларига фаолиятни вақтинча тўхтатиши ҳақида ариза тақдим этиши ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномасини топшириши керак.

Ҳокимиятлар томонидан берилган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномаси топширилгандагина фаолият вақтинча тўхтатилган деб ҳисобланади. Бунда тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномасини топширгандан кейин қатъий белгиланган солиқни ўз фаолиятини амалга оширмайдиган ойда тўлашдан озод этилади.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган ариза ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома мажбурий тартибда, келиб тушган кунида келган хат-хабарлар дафтарида рўйхатга олиниши керак.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ва даромадидан қатъий белгиланган ставкалар бўйича солиқ тўлайдиган жисмоний шахсларга жами даромадни белгилаш ва ундан тегишли чегирмалар қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ татбиқ этилмайди.

Жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти уюшмалар, иттифоқлар ва шу кабиларга бирлашиш, ишларни ўз транспортида бажаришга доир фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилган тақдирда ушбу жисмоний шахслар қатъий солиқни белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Жисмоний шахс:

фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланса, солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида тўлайди;

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда амалга оширса, ижарага берувчилар (шу жумладан транспорт воситасининг эгаси) тўғрисида яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълумотнома (ахборот) тақдим этиши керак, унда ижарага берувчининг (шу жумладан транспорт воситаси эгасининг) фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, шунингдек ижара тўловининг суммаси ва ижара муддати кўрсатилади. Мазкур маълумотнома (ахборот) ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда фаолиятни амалга оширишга қадар тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари, бундан автотранспорт воситалари мустасно, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 55-моддасига биноан жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилади.

Автотранспорт воситаларини шу жумладан бирлашмалар, уюшмалар ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга ижарага топширадиган жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқни жисмоний шахслар учун йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш бўйича хизматларни амалга оширишдан келиб чиқиб белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Жисмоний шахсга 2006 йил май ойида 135000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Жисмоний шахсдан ушланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқланг.

Ечилиши:

1. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солинадиган солиқни аниқлаш учун биринчи навбатда жисмоний шахснинг ушбу ой учун солиққа тортиладиган даромад (СТД) аниқланиши лозим, яъни ушбу мисолда солиққа тортиладиган даромад 135000 сўмни ташкил этади.

СТД = 135000 сўм;

2. СТД дан ЎзР. Солиқ Кодексида белгиланган (жисмоний шахснинг иш ҳақи, мукофот пуллар ва бошқа даромадларидан) ставкалар бўйича *даромад солиқ ундирилади.*

Июнь ойи учун энг кам иш ҳақи 9400 сўмни ташкил этади.

$9400 \times 5 \text{ (карра)} = 47000$

$9400 \times 10 \text{ (карра)} = 94000$

$47000 \times 13 \% = 6110$

$6110 + ((94000 - 47000) \times 20 \%) = 6110 + 9400 = 15510$

$15510 + ((135000 - 94000) \times 29 \%) = 15510 + 11890 = 27400$

2-масала. Жисмоний шахсга май ва июнь ойларида 270000 сўм (135000+135000) иш ҳақи ҳисобланган. Май ойи учун 27400 сўм солиқ ушланган. Жисмоний шахсдан июнь ойида ушланиши лозим бўлган *даромад солиғи суммасини аниқланг.*

Ечилиши:

1. СТД= 270000 сўм

2. Май ва июнь ойлари учун энг кам иш ҳақи 18800 сум (9400+9400) ни ташкил этади.

$18800 \times 5 \text{ (карра)} = 94000$

$18800 \times 10 \text{ (карра)} = 188000$

$94000 \times 13 \% = 12220 \text{ сўм}$

$12220 + ((188000 - 94000) \times 20 \%) = 12220 + 18800 = 31020$

$31020 + ((270000 - 188000) \times 29 \%) = 31020 + 23780 = 54800$

3. Июль ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси 54800 – 27400 = 27400 сўмни ташкил этади.

3-масала. ЎзР Солиқ Кодексининг 59-моддаси 2-банди бўйича ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида имтиёзга эга

бўлган жисмоний шахсга май ойида 135000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Жисмоний шахсдан ушланиши лозим бўлган *даромад солиғини аниқланг*.

Ечилиши:

1. Май ойи учун энг кам иш ҳақи 9400 сўм;

Жисмоний шахснинг солиққа тортилмайдиган даромадини аниқлаймиз, яъни 37600 сўм (9400×4);

СТД = $135000 - 37600 = 97400$ сўм;

2. 18800×5 (карра) = 94000

18800×10 (карра) = 188000

$94000 \times 13\% = 12220$ сўм

$12220 + ((97400 - 94000) \times 20\%) = 12220 + 680 = 12900$

4-масала. Жисмоний шахсга июль ва август 274000 сўм ($137000 + 137000$) иш ҳақи ҳисобланган. Шунингдек июль ойида 70000 сум мукофот берилган. Жисмоний шахсдан июль ва август ойларида ушланиши лозим бўлган солиқ суммасини ҳисобланг.

5-масала. 2 - гуруҳ ногиронига август ва сентябрь ойларида 270000 сум ($135000 + 135000$) иш ҳақи ҳисобланган. Август ойида 32448 сўм солиқ ушланган. Сентябрь ойида ушланиши лозим булган солиқ суммасини ҳисобланг.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари кимлар?

2. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига қайси даромад турлари киради?

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қайси мезонлар асосида белгиланади?

4. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар таркибига қандай даромадлар киради?

5. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларига солиқ ставкалари қандай белгиланади?

6. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида қандай тартибда солиқ ставкалари қўлланилади?

7. Қайси жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқдан озод этилади.

8. Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига қандай ставкада солиқ белгиланади?

**Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда
банд бўлган ходимларнинг даромадларига солиқ солиш
ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида" 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига умумбелгиланган тартибда солиқ солинади. Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмида қайд этилган ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ олиш даражаси, шундай шароитли ишларда олинган даромаднинг 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

I. Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадига солиқ солиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ходима бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида (А), зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В), бунда даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, ҳамда ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида (С), бунда аёллардан даромад солиғи олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

(В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) умумбелгиланган тартибда олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.

Св - зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Сс - ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида (С) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ.

Бунда, агар:

1) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни $C_v > 25\%$ (В), ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошса (яъни $C_v > 20\%$ (С)), унда жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{\text{ж}} = C_A + 0,25 (B) + 0,20(C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

СА - оддий меҳнат шароитида олинган (А) даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

0,25(В) - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и;

0,20(С) - (С) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 20%и.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқ чегирилган ҳолда ундирилади;

2) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни $C_v < 25\% (В)$ ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошса (яъни $C_v > 20\% (С)$), унда жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Сж = C(A+B) + 0,20(C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

$C(A+B)$ - (А) ва (В) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

0,20(С) - (С) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 20%и.

Бунда, ушлаб қолинадиган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади;

3) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни $C_v > 25\% (В)$ ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошмаса (яъни $C_v < 20\% (С)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланилади:

$$Сж = C(A+C) + 0,25(В),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

$C(A+C)$ - (А) ва (С) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

0,25(В) - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и.

Бунда, ушлаб қолинадиган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади;

4) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни $C_v < 25 \% (В)$), ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошмаса (яъни $C_v < 20 \% (С)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Сж = C(A+B+C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

$C(A+B+C)$ - (А), (В) ва (С) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Бунда, ушлаб қолинадиган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади.

Жами даромаддан солиқ ҳисоблаб чиқаришнинг мазкур тартиби турли меҳнат шароитларига татбиқан олганда солиқни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланади.

II. Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солиқ солиш (1-рўйхатнинг 3-қисмида ҳамда 2-рўйхатнинг 1-қисмида кўрсатилган ишларда банд бўлган аёллардан ташқари) қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ходим бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида (А), ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В) даромад олди, бунда даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

(В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) умумбелгиланган тартибда олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.

Св - (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ.

Бунда, агар:

1) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни $C_v > 25 \% (В)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Сж = СА + 0,25(В),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

СА - оддий меҳнат шароитида (А) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

0,25(В) - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и;

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқ чегирилган ҳолда ундирилади;

2) (B) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (C_B) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни $C_B < 25\% (B)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{\text{ж}} = C(A+B),$$

Бунда: C_ж - жами даромаддан солиқ;

C(A+B) - (A) ва (B) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Бунда, ушлаб қолинадиган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади.

16-мавзу. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ

- **Солиқ тўловчилар ва солиқ объекти.**
- **Солиқ ставкаси ва ҳисоблаш тартиби.**
- **Солиқ ҳисобини юритиш ва уни бюджетга тўлаш муддатлари.**

Солиқ тўловчилар ва солиқ объекти.

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ тўловчилари бўлиб, жисмоний шахсларга бензин, дизель ёнилғиси ва газ сотадиган, мулкчилик шаклидан қатъи-назар хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоблана-ди. Бунда уларнинг жойлашган жойидан қатъи-назар автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга сотилган ўзи ишлаб чиқарган ҳамда четдан харид қилинган бензин, дизель ёнилғиси ва газнинг натурал ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Бензин, дизель ёнилғиси ва газни сотиш деганда уларни жисмоний шахсларга амалда бериш тушунилади.

Солиқ ставкаси ва ҳисоблаш тартиби.

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ ставкалари

хар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади.

Солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблағ тўланиши билан бир вақтда ундирилади.

Солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = V \times St,$$

бу ерда:

N - ҳисоблаб ёзилган солиқ;

V - жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ёки газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

St – солиқ ставкаси.

Ҳисоблаб чиқарилган ва ушланган солиқ суммаси ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тушум деб ҳисобланмайди ҳамда бошқа тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ ҳисобини юритиш ва уни бюджетга тўлаш муддатлари.

Бюджетга солиқ тўловчилар сотилган бензин, дизель ёнилғиси, газ ҳисоби ҳамда ҳисобланган солиқ суммалари ҳисобини алоҳида юритадилар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича - "Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ" илова ҳисобварағида юритилади, солиқни ўтказиш "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи бўйича акс эттирилади.

Солиқ маҳаллий бюджетга Ўзбекистон Республикаси бюджетлари даромад ва харажатларининг тегишли таснифига кўра бўлим ва параграфга тўланади.

Солиқ банк муассасалари орқали ҳар ўн кунда, бензин, дизель ёнилғиси ва газ жисмоний шахсларга сотилган ой ўн кунлиги тугаганидан сўнг учинчи кундан кечиктирмай тўланади.

Жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган солиқ бўйича ҳисоб-китоб автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига:

-корхоналар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) - ҳисобот оидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай ҳар ойда, белгиланган шаклда;

-микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ойлик яқунлари бўйича, ойларга бўлган ҳолда ҳисобот чорагидан

кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида, белгиланган шаклда (14-илова) тақдим этилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқни бюджетга бевосита тўловчилар кимлар?

2. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида ва ким томонидан белгиланади?

3. Солиқ тўловчилар солиқ идораларига жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиғи бўйича қайси муддатда ҳисобот топширади?

4. Солиқ тўловчилар томонидан бюджетга солиқ ўз вақтида ўтказилмаганда уларга нисбатан қонунчиликда қандай чора кўриш кўзда тутилган?

**Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин,
дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқнинг
ҲИСОБ КИТОБИ**

минг сум.

Кўрсаткичлар	Жами	Оборот			Солиқ став каси	Солиқсуммаси			
		Шу жумладан				Жам и	Шу жумладан		
		1 дека да	2 дека да	3 дека да			1 дека да	2 дека да	3 дека да
1. Натурал ифодада сотишнинг ҳақиқий ҳажми ва жами солиқсуммаси	х	х	х	х					
шу жумладан: Бензин (литрларда)									
Дизель ёнилгиси (литрларда)									
Газ (кг.ларда) (ЎзР АВ 04.02.2003 й. 1092-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ ва ДСҚ Қарори таҳриридаги банд)									
2. Хисобот оyi учун бюджетга тўланган ўн кунлик тўловлар бўйича солиқсуммаси	х	х	х	х	х				
Бензин бўйича	х	х	х	х	х				
Дизель ёнилгиси бўйича	х	х	х	х	х				
Газ бўйича (ЎзР АВ 04.02.2003 й. 1092-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ ва ДСҚ Қарори таҳриридаги банд)	х	х	х	х	х				
3. Жами солиқсуммаси (1- сатр. 2- сатр):	х	х	х	х	х				
а) қўшимча тўлашга	х	х	х	х	х				
б) камайтиришга	х	х	х	х	х				
Шу жумладан;									
3.1. Бензин бўйича	х	х	х	х	х				
а) қўшимча тўлашга	х	х	х	х	х				
б) камайтиришга	х	х	х	х	х	х	х	х	х
3.2 Дизель ёнилғиси бўйича	х	х	х	х	х				
а) қўшимча тўлашга	х	х	х	х	х				
б) камайтиришга	х	х	х	х	х	х	х	х	х
3.3. Газ бўйича (ЎзР АВ 04.02.2003 й. 1092-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ ва ДСҚ Қарори таҳриридаги банд)	х	х	х	х	х				
а) қўшимча тўлашга	х	х	х	х	х				
б) камайтиришга	х	х	х	х	х	х	х	х	х

IV БЎЛИМ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР

17-мавзу. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси

- **Жамғармага мажбурий тўловларни тўловчилар ва тўловларни ҳисоблаш объектлари.**
- **Жамғармага ажратиладиган тўловлар ставкаси ва тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиблари.**

Жамғармага мажбурий тўловларни тўловчилар ва тўловларни ҳисоблаш объектлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларини тўлашнинг ўрнига (бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, бандликка кўмаклашиш давлат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши) ягона ижтимоий тўлов киритилди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўловчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланади. Юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида алоҳида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берувчи, шунингдек, ўз мустақил баланси ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган барча турдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар тушунилади.

Фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалларининг тўловчилари бўлиб, ёлланиш бўйича ишловчи жисмоний шахслар ҳисобланади. Фуқаролар иш ҳақларидан Пенсия жамғармасига ундириладиган мажбурий ижтимоий суғурталаш бадалларининг ставкаси 2,5 фоизни ташкил этади.

Ёллаш бўйича ишловчи фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларининг ҳисоблаб ёзилиши ва ушланиши бўйича мажбурият, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши учун жавобгарлик иш берувчи юридик шахс зиммасига юкланади.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга кўйилиш чоғида бир вақтнинг ўзида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг суғурта бадаллари тўловчилари бўладилар.

Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар учун ижтимоий суғурталашга мажбурий бадалларнинг миқдори ногиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан 4,7%ни, Ўзбекистондаги болалар маҳаллалари – «SOS» уюшмаси учун ижтимоий суғурталашга мажбурий бадаллар миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 7%ни ҳамда адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари

ва фирмалари учун ижтимоий суғурталашга мажбурий бадаллар миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25%ни ташкил қилади.

Бюджетдан таиқари Пенсия фондига ажратма қуйидаги даромад манбаларидан таиқил топади:

а) мажбурий ажратмалар ва бадаллар:

- мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тушумларининг белгиланган миқдори;

- алохида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;

- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллинувчи жисмоний шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;

- фуқароларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари;

- қўшилган киймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг товарлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан ажратмалари:

а) ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (иш, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми – саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалик корхоналари учун;

б) воситачилик хизматларини кўрсатувчи дилерлар ва корхоналар учун – корхоналарни комиссиян тақдирлаш суммалари;

в) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қудирув ва илмий тадқиқот ташкилотлари учун – бақарилган ишлар ҳажми;

г) савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини, таъминот-сотиш ва тайёрлов ташкилотлари учун – товар айланмаси, бақарилган иш ва хизматлар ҳажми;

д) улгуржи ва чакана дорихона муассасалари учун – ялпи даромад;

е) консигнация шартномалари бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар учун – сотилган маҳсулотнинг ҳажми (консигнация товари қиймати ҳам киради);

ж) банклар, суғурта ташкилотлари учун – ҳисобот даврида олинган даромад;

з) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи нотижорат, бюджет ташкилотлари учун – тадбиркорлик фаолиятидан олинган тушум суммаси.

- деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий равишда тўланадиган суғурта бадаллари;

- сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан мажбурий ажратмалар;

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг белгиланган тартибда ажратиладиган мажбурий ажратмалари, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси, 14-моддаси, 12-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, ҳисобланган жарималар суммалари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органларини ривожлантириш Жамғармасига ундириладиган суммалардан ташқари, суғурта бадаллари ва ажратмаларнинг ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар;

- корхона тугатилганда, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майибланган, касб касаллигига учраган ёки соғлиғига бошқа шикаст етказилган ходимга зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар.

Жамғармага

**ажратиладиган тўловлар
ставкаси ва тўловларни
ҳисоблаш ҳамда тўлаш
тартиблари.**

Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб ёзиш тўловчи томонидан мустақил равишда, ҳисобот ойи учун ҳисоблаб ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси ЎзР. Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарорига асосан 25 фоиз миқдорида белгиланган. Ягона ижтимоий тўловдан тақсимлашларнинг миқдорлари эса 2006 йилдан бошлаб қуйидагиларни ташкил қилади:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - 24,2 %;
- Давлат бандликка кўмаклашиш фондига - 0,5 %;
- Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига - 0,3 %.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан тегишли туман (шаҳар) солиқ органлари учун хизмат кўрсатувчи банкларда очилган транзит ҳисоб рақамларига ҳисобланган сумманинг тўлиқ миқдорида ўтказилади. Тушган маблағлар ҳар куни хизмат кўрсатувчи банклар томонидан белгиланган нормативлар бўйича тақсимланади ва тегишли равишда ҳисоб рақамларига ёзилади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган бошқа мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар уларга хизмат кўрсатадиган тижорат банклари орқали туман (шаҳар) солиқ органларига хизмат кўрсатадиган банкларда очилган Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамларига белгиланган тартибда ўтказилади.

Туман (шаҳар) солиқ органлари учун очилган транзит ҳисоб рақамларига тушган маблағлар ҳар куни, иш куни охирида тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармаларида очилган Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармаларидаги Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамларига тушган маблағлар шу куннинг ўзида ушбу банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари

Пенсия жамгармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ягона йиғма ҳисоб рақамига автоматик режимда ўтказилади.

Ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан алоҳида ҳисоб рақамлари очилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловлари учун маблағларга бўлган эҳтиёж миқдорини тўлов тўланадиган ҳар бир ойнинг 10-кунигача аниқлайди ва ижро этувчи дирекцияга буюртманома беради.

Жамгарманинг Ижро этувчи дирекцияси жамгарма маблағларини меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан жорий тўлов ойининг 5-кунигача ўтган ойнинг эҳтиёжи ҳисоб-китобининг 40 фоизи миқдоридаги суммани, жорий тўлов йилининг 20-кунигача амалдаги эҳтиёжнинг тақдим этилган миқдоридан қолган суммани сарфлайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ўз навбатида, икки банк куни мобайнида тегишли маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг ҳисоб рақамларига ўтказди, улар буюртманомалар асосида маблағларни туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказди.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари, ўз навбатида, тушган маблағларни пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлаш учун "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти ва Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказадилар.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг буюртманомалари бўйича ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақалар, дафн маросими нафақалари, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш куни учун ҳақ тўлаш, берилаётган имтиёзлар ўрнига компенсация тариқасидаги пул тўловлари (бюджет ташкилотларидан ташқари) маблағларини молиялаштирадилар.

Мавзуга доир масалалар

1-масала: 2006 йил январ ойи учун ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан Пенсия жамгармасига ажратиладиган *ягона ижтимоий тўлов суммасини аниқланг?*

- иш ҳақи ҳисобланган – 7200 минг сўм;

- ишчи ва хизматчиларнинг йўл патталарига ажратилган харажатлар – 360 минг сўм;
- ишчиларга моддий ёрдам ажратилган – 700 минг сўм;
- ишчиларнинг тушлик овқатларига – 650 минг сўм;
- кунлик харажатлар берилган:
- меъёр чегарасида – 6870 минг сўм;
- меъёрдан юқори – 3800 минг сўм;
- ярим йил якунига асосан мукофат пули ҳисобланган – 200 минг сўм.
- Энг кам минимал иш ҳақи миқдори – 10800 сўм.

Мисол: Фуқаро У.Бадаловга иш жойидан унинг юбилейи муносабати билан мукофот пули берилди. Бундай мукофот пулига суғурта ажратмалари тўланади-ми?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?
2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қандай манбалардан ташкил топади?
3. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари ким томонидан белгиланади?
4. Ягона ижтимоий тўлов маблағлари қандай тартибда жамғармаларга тақсимланади?
5. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари неча фоизни ташкил этади?

18-мавзу. Республика йўл жамғармаси

- Жамғармага тўловларни тўловчилар ва жамғарма даромадларининг шаклланиш.
- Жамғармага тўловлар ставкалари.
- Мажбурий ажратмалар ва тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиблари.
- Мажбурий ажратмалар ва тўловларни тўловчиларга берилган имтиёзлар.
- Жамғарма маблағлари тушуми ва сарфланиши учун жавобгарлик ҳамда назорат қилиш.

Жамғармага тўловларни тўловчилар ва жамғарма даромадларининг шаклланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сонли “Ўзавтойўл давлат

акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятни ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги қарорига асосан 2003 йил 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тугатилди ва уларнинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика йўл жамғармаси тузилди. Ушбу жамғармага маблағларни йиғиш ва уни назорат қилиш вазифаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси зиммаларига юклатилди.

Республика йўл жамғармасига тўловчилар бўлиб, асосий фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари ҳисобланади. Улар бўйича тўланадиган айланмага, шунингдек, фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотлар сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади.

Агар хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг бир неча турлари билан шуғулланса, у ҳолда у алоҳида ҳисоб юритиши ва тўловларни фаолиятнинг ушбу турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаши керак.

Жамғарманинг даромадлари қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

- тайёрлов, воситачи, савдо корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари, таъминот-сотиш ташкилотлари томонидан қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда товар айланмасидан, улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари томонидан эса - ялпи даромаддан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

- тижорот банклари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), ким ошди савдолари, казинолар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтиришдан улар прокатидан, пул ютуқли автоматлардан фойдаланишдан, лотерея ўйинлари ўтказишдан ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлардан, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар – даромаддан мажбурий ажратмалар ҳисобига;

- асосий фаолияти лизингга мол-мулк тақдим этиш бўлган корхоналар маблағларидан - лизинг бўйича даромадлари (фоизлари) суммасидан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

- қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда, мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

- автотранспорт корхоналари томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда, мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

- "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ва ташкилотлари мол-мулкни сотишдан бюджетга тушиши керак бўлган маблағлар умумий суммасининг 50 фоизи ҳисобига;

- хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги учун ундириладиган тўлов ҳисобига, бир автоташувчининг кирганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда - АҚШ долларида; (15-илова).

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан ихтиёрий бадаллар, хорижий инвестициялар ва кредитлар маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

Жамғармага тўловлар ставкалари.

Жамғармага мажбурий ажратмалар ва йиғимларни тўлаш тартиби ва ставкалар миқдори Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан маблағ тўловчиларга етказилади. 2006 йилда Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловларнинг ставкалари қуйидагича белгиланган:

16-Жадвал

Республика йўл жамғармасига тўловларнинг ставкалари¹⁸

1.	Асосий фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда).	1,5%
2.	Тайёрлов, воситачи, таъминот-сотиш ташкилотлари товар айланмасидан, (қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда)	1%
3.	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, товар айланмасидан,	1%
4.	Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи дорихоналар ялпи даромаддан;	1%
5.	Банклар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан ташқари), суғурта ташкилотлари, биржалар, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар даромаддан	1,5%
6.	Асосий фаолияти мол-мулкни лизинг шартномаси бўйича ижарага бериш хизматларини кўрсатувчи корхоналар лизингга олганлар томонидан тушган даромаддан (маржалардан)	1,5%

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244 сонли қарори

7.	Курилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан, (қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда)	1,5%
8.	Коммунал хизматлар курсатиш тизимидаги корхоналар маҳсулотларни сотиш ҳажмидан совуқ сув, иссиқлик энергетикаси, газ етказиб берувчи корхоналардан маҳсулотни сотиб олганлик қийматини чиқариб ташланган қисмидан	1,5%
9.	Автотранспорт корхоналари маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан, (қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда);	2,5%
10	Мулкчилик шаклидан қатъи назар Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказилган харид қилинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган автотранспорт воситаларининг нархидан келиб чиқиб, автотранспорт воситалари қийматидан ушбу сотиб олган ва вақтинча олиб чиқиб кетадиган харидорлар (фойдаланувчилари)дан:	
	- харид қилинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган енгил автомобилларнинг нархидан	6%
	- харид қилинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобилларнинг нархидан	20%
11	Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ва ташкилотлари мол-мулкни сотишдан бюджетга тушиши керак бўлган маблағлар умумий суммасидан ажратма	50%

**Мажбурий ажратмалар
ва тўловларни ҳисоблаш
ҳамда тўлаш тартиблари.**

Тўловларни тўловчилар ҳисобот оидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органларига Жамғармага маблағ ажратилиши бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва худди шу ойнинг 20-кунигача тўланиши керак бўлган тўловларни Жамғармага ўтказадилар.

Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси солиқ органларининг ортиқча тўлаганлик тўғрисидаги хулосаси бўйича, тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда бўлажак тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки Республика йўл жамғармаси томонидан тўловчига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда белгиланган муддатларда Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига ҳисобот оидан кейинги ойнинг 1-кунидаги ҳолат бўйича ҳисобланган ва тушган тўловлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Жамғармага мажбурий ажратмалар турлари бўйича қарздорлик тўғрисидаги тезкор ҳисоботни тақдим этади.

**Мажбурий ажратмалар
ва тўловларни
тўловчиларга берилган
имтиёзлар.**

*Қуйидагилар жамғармага мажбурий
ажратмалар тўлашдан озод этилади:*
- давлат бюджетидаги ташкилотлар ва

муассасалар (шу жумладан фаолият ихтисослиги бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, фойдаланилмаётган биноларни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича, ҳомийлик ёрдамидан, пулли-контракт асосида ўқитиш учун тушумдан);

-бюджетдан дотация олувчи томоша кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;

-умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари сақловчи, таъмирловчи, реконструкция қилувчи ва қурувчи йўл хўжалиги ташкилотлари;

-"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари билан шартномалар тузган ҳамда улар асосида улар томонидан бажарилаётган ишлар умумий ҳажмининг камида 75 фоизи миқдорида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажарувчи корхоналар;

-уй-жой-фойдаланиш идоралари, уй бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва мулкчилик шаклларида қатъи назар уй-жой фондини бошқариш, сақлаш ва улардан фойдаланишни бевосита амалга оширувчи бошқа ташкилотлар;

-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси;

-давлат ташкилотларини бошқариш республика ва маҳаллий органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тижорат ва хўжалик фаолияти бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар ва тушумлар бўйича;

-Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари ва ташкилотлари, уларга бўйсунувчи хўжалик ҳисобидаги хўжалик ташкилотлари бундан мустасно.

**Жамғарма маблағлари
тушуми ва сарфланиши
учун жавобгарлик ҳамда
назорат қилиш.**

*Республика йўл жамғармасига тушумлар
тўлиқ тушиши таъминланиши учун:
мулкчилик шаклларида қатъи назар
корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар
томонидан Жамғармага мажбурий
ажратмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши*

учун - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари кирганлиги учун тўловнинг тўлиқ тушиши учун - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

-автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги ёки қайта сотилганлиги учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатсиз рўйхатдан ўтказилишига, қайта рўйхатдан ўтказилишига ёки техник кўрикдан ўтказилишига йўл қўйилмаслиги учун -

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Ҳаракат хавфсизлиги давлат хизмати органлари) ва унинг жойлардаги органлари жавоб берадилар.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағлари қонуний ва қатъий мақсадли сарфланиши учун жавоб беради.

Мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик тўловчилар зиммасига юкланади.

Жамғармага йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилишини ва тўланишини текшириш учун давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўйишга, уларнинг талабига кўра ушбу йиғимлар ва мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Жамғармага мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўғри ҳисоб-китоб қилиниши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади.

Мавзуга оид масала

Чакана савдо билан шуғулланувчи корхона асосий фаолиятдан ташқари ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланади. 2005 молия йили учун товарларни сотишдан тушган тушум -8000 минг сўм, корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш натижасида тушган тушуми -5400 минг сўм. Юк автомобили сотиб олинган -8800 минг сўм.

Республика йўл жамғармасига тўланиши лозим бўлган суммани аниқланг?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Республика йўл жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил топган?
2. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари кимлар?
3. Ажратма юридик шахсларнинг қайси даромадларидан олинади?
4. Ставкалар қандай тартибда ва қайси мезонга асосан белгиланади?
5. Республика йўл жамғармасига тушумларни тушушини назорат қилиш қайси орган зиммасига юклатилган?

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатлар
автотранспорт воситаларини кирганлиги учун тўлов
СТАВКАЛАРИ**

1.	Хорижий давлатга тегишли бўлган бир автоуловнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги учун (АҚШ долларида); 2-5 бандлардан ташқари.	400
2.	Тожикистон Республикасининг автобус ёки юк ташувчи транспортини (бир автоуловининг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги учун:	
	Бирта юк автомобили ёки автобуси учун	130
	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар куни 8 суткадан ортиқ бўлган юк транспорти учун	50
	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан учунчи мамлакатга (МДХдан ташқари) транзит бўлиб ўтган юк автомобилли ва автобуслар учун	90
3.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган чиққан Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари юк автомобили ва автобус воситалари учун, транзитдан ташқари	300
4.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит бўлиб ўтган Туркменистон Республикаси транспорт воситаларининг қуйидаги турлари учун АҚШ долларида қуйидагича тўлов ундирилади: Юк автотранспорт воситаларининг юк кўтариш қобилияти бўйича	
	10 тоннагача	50
	10 тоннадан 20 тоннагача	100
	20 тоннадан юқори	150
	Автобуслар ўчун ўриндиқлар сонига қараб:	
	12 ўриндиқгача	25
	13 тадан 30 тагача	50
	30 тадан юқори	100
	Транзит бўлиб ўтувчи енгил автотранспорт воситалари учун	30
	Мотоцикллар учун	15

Изоҳ: Гуманитар юкларни ташиб ўтишида тўлов ставкасида 0,5 камайтирувчи коэффициент қўлланилади.

19-мавзу. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси

- **Мажбурий ажратмани тўловчилар**
- **Мажбурий ажратмаларга тортиш объекти.**
- **Мажбурий ажратма ставкаси ва имтиёзлар, уни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиби.**

Мажбурий ажратмани тўловчилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги Фармонида мувофиқ мактаб таълимини 2004-2009 йиллар давомида ривожлантириш мақсадида бюджетдан ташқари мактаб таълими Жамғармаси

ташкил этилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш мажбурий тўлови мактаб таълимини ривожлантириш 2004-2009 йиллар Давлат умуммиллий дастурига киритилди ва улар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилган.

Қонунчиликка асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солишнинг алоҳида тартибига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек кўрсатилган ажратмалар тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахслар деб ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг барча турлари ҳисобланади.

Мактаб таълимини ривожлантириш учун келиб тушадиган маблағлар бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳри Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб-касса марказида очиладиган махсус ҳисоб рақамида жамланади.

Мажбурий ажратмаларга тортиш объекти.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларга тортиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- а) ялпи даромад - улгуржи ва чакана савдо қилувчи дорихона муассасалари учун;
- б) комисион тақдирлаш суммаси – воситачилик хизматини кўрсатувчи дилерлар ва даллоллик корхоналари учун;
- в) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда, ўз кучлари билан амалга оширган ишлар ҳажми - қурилиш, қурилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш, лойиҳа қилиш, изланиш ва ва илмий-текшириш ташкилотлари учун;
- г) даромад – тижорат банклари, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув шохобчалари), ким ошди

савдолари, казинолар, нусха олиш ҳисобига даромад оладиган корхоналар, видео- ва аудио манбаларни ижарага берувчилардан, пуллик ютуқлар ўтказадиган ўйин автоматларини эксплуатация қилувчилар, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ҳамда оммавий концерт-томоша тadbирларини ўтказувчи ташкилотлар учун;

д) лизингга берувчининг даромади (маржа) – лизинг компаниялари учун;

е) товар айланмаси ҳажми – савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, тайёрлов, таъминлов-савдо ташкилотлари учун;

ж) маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан, бунда иссиқлик таъминловчи корхоналари–иссиқлик энергияси, сув, газ билан таъминловчи табиий газларнинг сотиб олиш нархи чегириб ташланганда – коммунал хўжалигининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун;

з) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланганда, реализация қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажми – иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар учун.

**Мажбурий ажратма
ставкаси ва имтиёзлар,
уни ҳисоблаш ҳамда
тўлаш тартиби.**

Мактаб таълими ривожлантиришга
мажбурий ажратмалар ставкаси Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
томонидан белгиланади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга
мажбурий ажратмалар тўлашдан нотижорат ташкилотлар озод этилади,
уларнинг тadbиркорлик фаолиятидан олинган даромади ва тушумлари
бундан мустасно.

Жамғармага тўланиши лозим бўлган мактаб таълимини
ривожлантиришга мажбурий ажратмалар суммаси белгиланган мажбурий
ажратмаларга тортиш объекти ва ставкасидан келиб чиққан ҳолда
тўловчилар томонидан аниқланади.

Мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоблари (16-илова) тўловчилар
томонидан давлат солиқ хизматининг органларига белгиланган тартибда
ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, ўсиб боровчи якун
билан ҳар ойда тақдим этилади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳар ойда
ҳисоб-китоблар тақдим қилиш муддатидан кечиктирмай тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда ҳисобот
ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, Жамғарманинг Ижро
этувчи дирекциясига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-кунидаги ҳолат
бўйича ҳисобланган ва тушган мажбурий ажратмалар суммалари, шунингдек
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича мазкур
ажратмалар бўйича қарздорлик тўғрисидаги тезкор ҳисоботни тақдим этади.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси мажбурий ажратмалар
тўловларидан тушган маблағларга тегишли бўлган қўшимча маълумотларни
Давлат солиқ қўмитасидан сўраш ҳуқуқига эга.

Мактаб таълимига мажбурий ажратмалар тўловчилари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур тўловнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавоб берадилар.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси мажбурий ажратмаларнинг келиб тушган суммаларнинг мақсадли ишлатилиши учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат давлат солиқ хизматининг органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, давлат солиқ хизматининг органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий санкциялар қўллаш ҳуқуқига эга.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил топган?
2. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари кимлар?
3. Ставкалар қандай тартибда ва қайси мезонга асосан белгиланади?
4. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига тушумларни тушушини назорат қилиш қайси орган зиммасига юклатилган?

16-илова

2006 йил III чораги учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар суммалари ҲИСОБ-КИТОБИ

минг сўм

Кўрсатмалар	Сатр коди	Сумма
Мажбурий ажратмаларга тртиш объекти*	010	
Мажбурий ажратмалар ставкаси (%)	020	
Ҳисобот даври учун ҳисобланган (010-сатр x 020-сатр/100)	030	
Кечиктирилган сумма	040	
Ҳисобдан чиқарилган сумма	050	
Ҳисобот даври тўловлари учун тўланган	060	
Тўланиши лозим бўлган тўлов суммаси (030-сатр - 040-сатр - 050-сатр - 060-сатр)	070	
Қўшимча тўлашга	080	
Камайитиришга	090	

*) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда кўрсатилади

Таянч сўз ва иборалар

1. Тўловлар
2. Солиқлар
3. Солиққа тортиш
4. Давлат бюджети
5. Солиқ тўловчилар
6. Солиқ хизмати
7. Солиқлар ва солиққа тортиш.
8. Солиқ тизими
9. Солиқли ва солиқсиз тўловлар
10. Бюджет даромадлари
11. Юридик шахс
12. Жисмоний шахслар
13. Тўғри солиқлар
14. Эгри солиқлар
15. Инфляция
16. Солиқ тамойиллари
17. Солиқ тизими Солиқ тамойиллари
18. Жарима ва пенялар
19. Солиқли ва солиқсиз тўловлар
20. Далолатномалар
21. Экспорт-импорт
22. Хбарнома
23. Даромад (фойда) солиғи
24. Солиқ ставкаси
25. Солиқ объекти
26. Солиқ субъекти
27. Резидент ва норезидентлар
28. Солиқ имтиёзлари
29. Солиқни тўлаш муддатлари
30. Ягона солиқ
31. Солиқ ставкаси
32. Ялпи даромад ва ялпи тушум
33. Микрофирма ва кичик корхона
34. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари
35. Пластик карточка
36. Ялпи даромад
37. Товар айланмаси
38. Қўшилган қиймат
39. Ноли ставка
40. Импорт маҳсулотлари
41. Божхона юк декларацияси
42. Счёт-фактура
43. Акциз

44. Акциз солиғи
45. Акциз ости товарлари
46. Шартномавий нарх
47. Корхона мол-мулки
48. Мол-мулк солиғи
49. Мол-мулклар қиймати
50. Ўртача қолдиқ қиймати
51. Муддатида ўрнатилмаган ускуналар
52. Ер майдонлари
53. Суғориладиган ерлар
54. Суғорилмайдиган ерлар
55. Резидент ва норезидент
56. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи
57. Декларация
58. Инфратузилма объектлар
59. Инфратузилмани ривожлантириш солиғи
60. Сув ресурслари
61. Ер ости сувлари
62. Ер усти сувлари
63. Ер ости қазилма ресурслар
64. Техноген ҳосилалар
65. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ
66. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
67. Рўйхатга олиш йиғимлари

Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш курси бўйича тест саволлари вариантлари

1. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадларига қандай даромад турлари киради?
 - A. Мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад
 - B. Дивиденд бўйича олинадиган даромад
 - C. Натура шаклида олинган иш ҳақи тўловлари
 - D. Товарлар реализациясидан келадиган барча тушумлар ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради

2. Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли текширишга рухсат берувчи ваколатли органни кўрсатинг.
 - A. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий Кенгаши
 - B. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси
 - C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
 - D. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди

3. Юридик манзилгоҳи ўзгарганда корхона неча кун ичида солиқ идораларини хабардор қилиш керак?
 - A. 3 кун ичида
 - B. 1 ой ичида
 - C. 10 кун ичида
 - D. Ўша куни

4. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи солиш объектини аниқлашда жами даромаддан молиявий жарима ва пеня суммалари чегириб ташланадими?
 - A. Чегириб ташланади
 - B. Чегириб ташланмайди
 - C. Фақат молиявий жарима суммаси чегириб ташаланди
 - D. Фақат пеня суммаси чегириб ташланади

5. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг алоҳида тартиби қайси давлат идораси томонидан белгиланиши мумкин?
 - A. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
 - B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
 - C. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
 - D. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

6. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш объектини кўрсатинг.
- A. Фойда
 - B. Даромад
 - C. Ялпи тушум
 - D. Ялпи даромад
7. Ўзбекистон Республикасида ягона ижтимоий тўлов қачон жорий қилинган?
- A. 1998 йил 1 январ
 - B. 1995 йил 1 январ
 - C. 1992 йил 1 январ
 - D. 2004 йил 1 январ
8. Қуйида қайд этилган солиқларнинг қайси бири маҳаллий солиқ ҳисобланади?
- A. Акциз солиғи
 - B. Ер солиғи
 - C. Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқ
 - D. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиқ
9. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар қандай манбаларидан солиқ тўлайдилар?
- A. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
 - B. Ўзбекистон Республикасида олган манбаларидан
 - C. Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
 - D. Солиқ тўловчининг хоҳишига кўра тўланади
10. Хайрия мақсадларига ўтказилган маблағлар солиққа тортиладими?
- A. Тортилмайди
 - B. Даромад (фойда) солиғи базасининг 2 % миқдоридан ошган қисмидан тортилади
 - C. Даромад (фойда) солиғи базасининг 1 % миқдоридан ошган қисмидан тортилади
 - D. Даромад (фойда) солиғи базасининг 5 % миқдоридан ошган қисмидан тортилади
11. Қайси жавобда корхонанинг мақсадли жамғармаларига ўтказадиган тўловлари берилган?
- A. Қўшилган қиймат солиғи
 - B. Ягона ижтимоий тўлов
 - C. Давлат божлари
 - D. Ер солиғи

12. Қуйидаги жисмоний шахслардан қайси бири ер солиғидан озод этилмаган

- A. Учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар
- B. I ва II гуруҳ ногиронлари
- C. Яйлов чорвачилигининг чўпонлари
- D. Ёлғиз бўлмаган, боқувчиси бор пенсионерлар

13. 1-2 гуруҳ ногиронлари учун даромад солиғи бўйича қандай имтиёз кўзда тутилган?

- A. Солиққа тортиладиган даромад 30 фоизга камайтирилади.
- B. Солиққа тортиладиган даромад 50 фоизга камайтирилади
- C. Солиққа тортиладиган даромад 30 фоиз, агар 16 ёшгача иккита боласи бор бўлса камайтирилади
- D. Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида камайтирилади

14. Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг дивиденд ва фоизли даромадлари қандай ставкада солиққа тортилади?

- A. 12 %
- B. 13 %
- C. 15 %
- D. 10 %

15. Акциз солиғи Ўзбекистон Республикасида қачон жорий этилган?

- A. 1991 йил 1 январдан
- B. 1992 йил 1 январдан
- C. 1995 йил 1 январдан
- D. 1999 йил 1 мартдан

16. Ер солиғи ставкалари 2006 йил учун неча мартага индексация қилинди?

- A. 1
- B. 1,5
- C. 2
- D. 1,2

17. Жисмоний шахслар солиқларни қандай шаклда тўлайдилар?

- A. Нақд пул шаклида
- B. Нақд пулсиз шаклида
- C. Натура шаклида
- D. Нақд пул ва нақд пулсиз шаклда

18. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан мақсад нима?

- A. Давлат бюджетини молиявий ресурс билан таъминлаш

- В. Давлат бюджетини молиявий маблағлар билан таъминлаш ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
- С. Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
- Д. Маҳаллий бюджет даромадларини молиявий ресурс билан таъминлаш

19. Солиқ ставкаларини қайси ваколатли давлат органи белгилайди?

- А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- В. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
- С. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
- Д. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги

20. Қуйидагиларнинг қайси бири солиқ объекти бўла олади?

- А. Корхона ва ташкилотларнинг смета режаси
- В. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижаси
- С. Кредиторлик қарзлари
- Д. Бюджет субсидиялари

21. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадига қандай даромадлар қиради?

- А. Фоиз, дивиденд, мол-мулкни ижарага беришдан келган даромадлар
- В. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромад
- С. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад
- Д. Омонатдан олинган фоизлар

22. Агар амалга оширилган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса:

- А. У фақат бир марта даромаддан чегирилади
- В. Ҳар бир тоифаси бўйича алоҳида чегирилади
- С. Чегирма қилинмайди
- Д. Харажатлар белгиланган меъёр даражасида чегирилади

23. Қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиш объекти нима?

- А. Товар (иш, хизматлар) сотилишига доир оборотлар ҳамда товар (иш, хизматлар) импорти
- В. Муомала харажатлари
- С. Ишлаб чиқариш таннари
- Д. Солиқ тўлангунга қадар молиявий натижа

24. Юридик шахс ўз фаолиятида рўйхатдан ўтган тумандан бошқа тумандаги сув ресурсларидан фойдаланганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни қайси солиқ органига тўлайди?

- А. Рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига
- В. Давлат солиқ қўмитасига
- С. Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олинган жойидан қатъий назар сувдан фойдаланиш жойидаги солиқ хизмати органига
- Д. Рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органи билан сувдан фойдаланиш жойидаги солиқ хизмати органига келишувига мувофиқ

25. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадига қандай даромадлар киради?
- A. Фоиз, дивиденд, мол-мулкни ижарага беришдан келган даромадлар
 - B. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромад
 - C. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад
 - D. Текинга олинган пул маблағлари
26. Почта маркалари, маркали откриткалар ва конвертлар сотиш қўшилган қиймат солиғига тортиладими?
- A. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилади
 - B. 20 фоизли ставкада солққа тортилади
 - C. Ноллик ставка бўйича тортилади
 - D. Камайтирилган ставкалар қўлланилади
27. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2006 йил учун неча мартага индексация қилинди?
- A. 1,5 мартага
 - B. 1 мартага
 - C. 1,2 мартага
 - D. 2 мартага
28. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи ставкасининг юқори чегарасини кўрсатинг.
- A. 16%
 - B. 10%
 - C. 35%
 - D. 20%
29. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчиларни аниқланг.
- A. Юридик шахслар
 - B. Жисмоний шахслар
 - C. Юридик ва жисмоний шахслар
 - D. Фойдали қазилмалар қазиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар
30. Ялпи даромад солиғи тўловчиларини аниқланг.
- A. Юридик шахслар
 - B. Жисмоний шахслар
 - C. Банклар ва суғурта компаниялари
 - D. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари
31. Қайси жавобда мол-мулк солиғининг солиққа тортиш объекти берилган?
- A. Асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар

- B. Номоддий активлар
- C. Капитал қўйилмалар
- D. Пул маблағлари

32. Акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи тўлови ҳисобига

- A. Киритилади
- B. Фақат алкоғолли маҳсулотлар учун киритилади
- C. Киритилмайди
- D. Фақат тамаки маҳсулотлари учун киритилади

33. Акциз маркаларининг жорий этилиш йилини кўрсатинг.

- A. 1992 йил 1 январ
- B. 1993 йил 6 май
- C. 1995 йил 1 январ
- D. 1996 йил 1 октябр

34. Соддалаштирилган солиқ тизимиға ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар мол-мулк солиғини тўловчилар ҳисобланадими?

- A. Мол-мулк солиғини белгиланган тартибда тўлайдилар
- B. Мол-мулк солиғини пасайтирилган ставкалар асосида тўлайдилар
- C. Ижарага берилган мол-мулклари қийматидан солиқ тўлайдилар
- D. Фақат асосий воситалари бўйича тўлайдилар

35. Қуйидаги юридик шахслардан қайси бири ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлайди.

- A. Савдо корхоналари
- B. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхоналар
- C. Ихчамлаштирилган солиқ тизимиға ўтган кичик корхоналар
- D. Ихчамлаштирилган солиқ тизимиға ўтмаган кичик корхоналар

36. Агар инфратузилма объектларини сақлаш харажатлари суммаси ободонлаштириш ишлари ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан ошиб кетса, корхона:

- A. Солиқни тўлайди
- B. Солиқни тўламайди
- C. Паст ставкаларда тўлайди
- D. Харажатларнинг ошган суммасига камайтирган ҳолда тўлайди

37. Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар декларация бўйича ҳисобланган даромад солиғини қайси санагача тўлашлари лозим?

- A. 1 апрел
- B. 1 май
- C. 1 июнь
- D. 1 сентябрь

38. Қуйида қайд этилган солиқларнинг қайси бири умумдавлат солиғи ҳисобланади?

- A. Ер солиғи
- B. Қўшилган қиймат солиғи
- C. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ
- D. Мол-мулк солиғи

39. Ободонлаштириш ишлари ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкасини аниқланг.

- A. 8 %
- B. 10 %
- C. 16 %
- D. 12 %

40. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддасида кўзда тутилган?

- A. 176/1
- B. 175
- C. 168
- D. 174

41. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг асосий ставкаси 2006 йил 1 январдан қанча қилиб белгиланган?

- A. 18
- B. 12
- C. 7
- D. 10

42. 2006 йилда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ставкалари неча фоиз қилиб белгиланган?

- A. 13, 23, 33
- B. 13, 20, 29
- C. 13, 20, 32
- D. 13, 21, 33

43. Даъво қилишнинг умумий муддати қанча?

- A. 1 йил
- B. 2 йил
- C. 3 йил
- D. 4 йил

44. Йўл фондига қилинадиган ажратмалар қачондан бошлаб солиқ хизмати идоралари назоратига берилган?
- A. 2003 йил 1 октябрдан
 - B. 2002 йилдан 1 июлдан
 - C. 2004 йил 1 январ
 - D. 2001 йил 1 январ
45. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкаларини ким белгилайди?
- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
 - B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
 - C. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
 - D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
46. Ер солиғини жорий этишдан мақсад нима?
- A. Давлат бюджетини молиявий маблағлар билан таъминлаш
 - B. Давлат бюджетини молиявий маблағлар билан таъминлаш ва ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
 - C. Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
 - D. Маҳаллий бюджет даромадларини молиявий маблағлар билан таъминлаш
47. Қайси тоифадаги фуқаролар жами йиллик даромад тўғрисида декларация топширади?
- A. Ҳамма тоифадаги фуқаролар
 - B. Икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган ҳамма тоифадаги фуқаролар
 - C. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар
 - D. Фақат ўриндошлик бўйича ишловчилар
48. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоиз кўринишидаги оладиган даромадлари қандай ставкада солиққа тортилади?
- A. 12 %
 - B. 13 %
 - C. 14 %
 - D. 10 %
49. Юридик шахсларнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни экспорти ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 30 % ва ундан юқорини ташкил этса, мол-мулк солиғини қандай ставкада тўлайдилар?
- A. Белгиланган ставкадан 20 % га камайтирилади
 - B. Белгиланган ставкадан 25 % га камайтирилади
 - C. Белгиланган ставкадан 35 % га камайтирилади
 - D. Белгиланган ставка 2 бараварга камайтирилади

50. Берилган ер участкаларидан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахсларга қандай чора белгиланган

- A. Ер солиғи уч барабар миқдорида тўланади
- B. Ер солиғи икки барабар миқдорида тўланади
- C. Молийвий жазо чоралари қўлланилади
- D. Маъмурий жазо чоралари қўлланилади

51. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни кимлар тўлайди?

- A. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
- B. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар
- C. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
- D. Барча юридик ва жисмоний шахслар

52. Қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистон Республикасида қачон жорий этилган?

- A. 1991 йил 15 февралдан
- B. 1992 йил 1 январдан
- C. 1993 йил 6 майдан
- D. 1997 йил 24 апрелдан

53. Солиқ кодекси қачон қабул қилинган ва жорий этилган?

- A. 1996 йил 15 февраль – 1996 йил 1 март
- B. 1997 йил 24 апрель- 1998 йил 1 январь
- C. 1997 йил 15 декабр – 1998 йил 1 январь
- D. 1998 йил 24 апрель – 1999 йил 1 январь

54. Ер солиғи жисмоний шахслар томонидан қачон тўланади

- A. Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар
- B. Жорий йилнинг 15 июнига қадар
- C. Жорий йилнинг 15 декабрига қадар
- D. Жорий йилнинг 1 апрелига қадар

55. Юридик шахслар солиқларни қандай шаклда тўлайдилар?

- A. Нақд пул шаклида
- B. Нақд пулсиз шаклида
- C. Айрим ҳолларда ҳар иккаласидан ҳам фойдаланиш мумкин
- D. Ҳам натура ҳам нақд пул шаклда

56. Жазони ижро этувчи муассасалар даромад (фойда) солиғига тортиладими?

- A. 18 фоизли ставкада солиққа тортилади
- B. Даромад (фойда) солиғидан озод этилади

- C. 35 фоизли ставкада солиққа тортилади
- D. 3 йил муддатда солиқдан озод этилади

57. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ноллик ставка қачон қўлланилади?

- A. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортига
- B. Стенография хизматларига
- C. Геология ва топография ишларига
- D. Маълумотларни ишлаш ва ахборот таълимотига доир хизматларига

58. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ объектини аниқланг?

- A. Ер усти манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми
- B. Ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми
- C. Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми
- D. Чучук сув манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми

59. Қўшилган қиймат солиғининг қандай ставкалари қўлланилади?

- A. 20 ва 10
- B. 20 ва 15
- C. 20 ва ноллик
- D. 10 ва ноллик

60. Жисмоний шахсларнинг мол-мулклари қандай ставкада солиққа тортилади?

- A. 10 ва 5
- B. 3,5 ва 7
- C. 0,5 ва 7
- D. 0,2 ва 7

61. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ким томонидан белгиланади?

- A. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
- C. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан
- D. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

62. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тўлайдиган солиқларни кўрсатинг.

- A. Қўшилган қиймат солиғи
- B. Ялпи даромаддан солиқ ва мол-мулк солиғи
- C. Ялпи тушумдан ягона солиқ ва ер солиғи
- D. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

63. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ким томонидан белгиланади.
- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан
 - B. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан
 - C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
 - D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан
64. Ягона солиқ тўлови тўловчилари қўшилган қиймат солиғини.....
- A. Ихтиёрий равишда тўлайдилар
 - B. Умум белгиланган тартибда тўлашга мажбур
 - C. Ноллик ставкада тўлайдилар
 - D. Пасайтирилган ставкада тўлайдилар
65. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига қўлланиладиган солиқ ставкаларини табақаланишининг асосий мезонини кўрсатинг.
- A. Жойлашган жойига қараб
 - B. Ишчилар сонига қараб
 - C. Даромадлик даражасига қараб
 - D. Устав капиталига қараб
66. Акциз солиғини тўлаш муддатларини кўрсатинг.
- A. Ҳар чоракда
 - B. Ҳар 15 кунликда
 - C. Ҳар 10 кунликда
 - D. 1 йилда 1 марта
67. Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш муддатларини аниқланг.
- A. Ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар
 - B. Ҳар чоракда молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан
 - C. Йиллик ҳисоботларни топшириш муддатига қадар
 - D. Ҳар ойнинг 15-санасига қадар
68. Корхона солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтиши ҳақидаги қарори ёки далилланган раддия давлат солиқ хизмати органи томонидан неча кун давомида чиқарилади?
- A. Ариза берган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
 - B. Ариза берган кундан бошлаб 10 кун мобайнида
 - C. Ариза берган кундан бошлаб 1 ой мобайнида
 - D. Ариза берган кундан бошлаб 25 кун мобайнида
69. Ягона солиқ тўловининг объекти нима?
- A. Корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда
 - B. Сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ

- C. Давр харажатлари
- D. Сотишдан тушган ялпи тушум

70. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг солиққа тортиш объекти нима?

- A. Маҳсулот сотишдан тушган тушум
- B. Соф фойда (даромад)
- C. Муомала харажатлари
- D. Асосий фаолиятнинг фойдси

71. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби нимадан иборат?

- A. Меҳнат ҳақи, мулкӣ даромадлар
- B. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, меҳнат ҳақи
- C. Меҳнат ҳақи
- D. Меҳнат ҳақи, мулкӣ даромадлар, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар

72. Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари солиқ тўловчиларга қайси муддатдан кечиктирилмай топширилиши шарт?

- A. Жорий йилнинг 5 январигача
- B. Жорий йилнинг 25 апрелигача
- C. Жорий йилнинг 15 июнигача
- D. Жорий йилнинг 1 майигача

73. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилари кимлар?

- A. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари
- B. Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар
- C. Норезидент жисмоний шахслар
- D. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари

74. Солиқ солинадиган объектларни ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддасида назарда тутилган?

- A. 175-модда
- B. 176-модда
- C. 164-модда
- D. 168-модда

75. Жисмоний шахснинг қуйида келтирилган қайси даромадлари даромад солиғидан озод қилинган?

- A. Олинган алиментлар
- B. Иш ҳақи тўловлари

С. Ижара тўловлари

D. Тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад

76. Қуйида қайд этилган солиқларнинг қайси бири эгри солиқлар гуруҳига киради?

A. Қўшилган қиймат солиғи

B. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ

C. Ер солиғи

D. Мол-мулк солиғи

77. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг объектини аниқлашда, чегирилиши лозим бўлган харажатларни аниқлаш тартиби ким томонидан белгиланади?

A. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси

C. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ инспекциялари

D. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

78. Ер солиғи ставкалари ким томонидан белгиланади?

A. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан

B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан

D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан

79. Юридик шахслар учун фойда солиғи қачон жорий этилган?

A. 1991 йил 1 январдан

B. 1992 йил 14 январдан

C. 1993 йил 6 майдан

D. 1995 йил 1 январдан

80. Акциз солиғи ставкалари ва акциз тўланадиган товарлар рўйхати қайси ваколатли орган томонидан тасдиқланади?

A. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

B. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

C. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

81. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат Солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни қачон тасдиқланган?

A. 1996 йилнинг 1 январида

B. 1997 йилнинг 10 сентябрида

C. 1998 йилнинг 15 майида

D. 1997 йилнинг 29 августида

82. Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахслар қандай манбаларидан солиқ тўлайдилар?

- A. Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
- B. Ўзбекистон Республикасидаги манбаларидан
- C. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан мувофиқлаштирилади

83. Ер солиғини тўловчилар бўлиб кимлар ҳисобланади?

- A. Эгалигида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
- B. Фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
- C. Ўз мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
- D. Ўз мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар

84. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғини қайси муддатларда тўлайдилар?

- A. 15 январ ва 15 июлга қадар
- B. 1 июн ва 1 ноябрга қадар
- C. 1 декабрга қадар
- D. 15 июн ва 15 декабрга қадар

85. Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар солиққа тортиладими?

- A. Солиққа тортилади
- B. Озод этилади
- C. Қисман солиққа тортилади
- D. Имтиёзли ставкаларда тортилади

86. Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан олган даромадларидан қандай ставкада даромад (фойда) солиғини тўлайдилар? (Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябридаги 390-сонли қарорига асосан)

- A. Белгиланган ставка 20 %га камайтирилади
- B. 18%
- C. 16%
- D. 20%

87. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий ҳокимият органлари қарорига асосан ер участкаларини ижарага олган юридик шахслар ер солиғини тўлайдиларми?

- A. Ер солиғи ўрнига ижара ҳақи тўлайди

- B. Ер солиғини белгиланган тартибда тўлайди
- C. Ер солиғи бонитет даражасига қараб тўланади
- D. Ижара ҳақи тўланиши билан биргаликда белгиланган тартибда ер солиғи ҳам тўлайди

88. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхонлар қуйидаги қайси солиқларни тўлайдилар?

- A. Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи
- B. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- C. Ер солиғи
- D. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи

89. Солиқ объекти деганда -

- A. Солиқ ундирувчилар тушунилади
- B. Солиқ тўловчилар тушунилади
- C. Даромад (фойда), мол-мулк қиймати, ер майдони
- D. Солиқ базасига нисбатан белгиланган меъёр

90. Солиқларни жорий қилиш қайси давлат органи ваколатига киради.

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- B. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги келишган ҳолда

91. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида солиқ тизимига тегишли моддаларни кўрсатинг.

- A. 10, 51
- B. 51, 123
- C. 14, 111, 4
- D. 98, 76

92. Солиқлар ва йиғимларни тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пенялар миқдорини кўрсатинг.

- A. 0,1 %
- B. 0,2 %
- C. 1,5 %
- D. 0,07 %

93. Муддати ўтган кредитор ва депонент қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар солиққа тортиладими?

- A. Солиққа тортилмайди
- B. 1 йилдан сўнг солиққа тортилади
- C. Солиққа тортилади
- D. Фақат кредитор қарздорлик солиққа тортилади

94. Қўшилган қиймат солиғи ставкаларини ким белгилайди?
- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
 - B. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси
 - C. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
 - D. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
95. Акциз солиғини кимлар тўлайди?
- A. Акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар
 - B. Акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи жисмоний шахслар
 - C. Акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар
 - D. Акциз солиғига тортиладиган товарларни экспорт қилувчи юридик шахслар
96. Қандай жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилган?
- A. I ва II гуруҳ ногиронлар
 - B. Маданият ва халқ таълими ходимлари
 - C. Тиббиёт ходимлари
 - D. Оғир меҳнат шароитида ишловчилар
97. Шаҳар йўловчи транспорти хизматлари (такси ва йўналишли таксидан ташқари) қўшилган қиймат солиғига тортиладими?
- A. Ноллик ставкада солиққа тортилади
 - B. 20 фоизли ставкада солиққа тортилади
 - C. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилади
 - D. 10 фоизли ставкада солиққа тортилади
98. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни кимлар тўлайди?
- A. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
 - B. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар
 - C. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
 - D. Барча юридик ва жисмоний шахслар
99. Акциз солиғи қуйидагиларнинг қайсиларига солинмайди?
- A. Акциз тўланадиган товарларнинг экспортига
 - B. Акциз тўланадиган товарларнинг импортига
 - C. Берилган хом ашёдан тайёрланган маҳсулотга
 - D. Вино ва виноматериалларига

100. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш объектини кўрсатинг.

A. Фойда

B. Даромад

C. Ялпи тушум

D. Ялпи даромад

АТАМАЛАР ШАРҲИ

Акционер – акционерлик жамиятининг акцияларига эгалик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс. Акциялар турли шаклларда бўлиши мумкин.

Акция – акционерлик жамиятининг капиталига ҳисса қўшилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи қимматбаҳо қоғоз. Акция ўзининг эгасига дивидент шаклида фойдани бир қисмини олиш (ўзлаштириш) ҳуқуқини беради.

Амортизация – келгусида асосий фондаларни тўлиқ қайта тиклаш учун пул маблағларини жамғариш ва уларнинг қийматини тиклаш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматининг уларнинг эскиришига қараб ўзлуксиз ўтказиш жараёни. Ишлаб чиқариш жараёни ва ташқи муҳитнинг таъсири натижасида асосий фондлар аста-секинлик билан эскиради, уларнинг моддий ва маънавий эскириши содир бўлади. Бунда меҳнат воситаларининг қиймати ўзлуксиз қисмларга бўлиниб, амортизация ҳисоблаш йўли билан норматив хизмат қилиш муддати давомида тайёр маҳсулотга ўтказилади.

Адвалор солиқ – товар қийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида ўрнатилган тўлов. Инфляция шароитида ўзининг функцияларини автоматик равишда сақлаб қолади. Бу солиқнинг таркибига савдо солиқлари, иморатга нисбатан кўпгина пошлиналар ва бошқалар киритилиши мумкин. Товарларни (импорт товарларни ҳам) жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини солиққа тортишда қўлланилади.

Баланс қиймати - бухгалтерия балансида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг пулда ифодаланган баҳоси.

Баланс фойда – маҳсулот таннархига киритиладиган барча ҳаражатлар ва чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилганидан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортулгунча қадар бўлган ялпи фойдадир.

Бюджетдан ташқари фондлар – а) ижтимоий: ижитмий суғурта фонди; пенсия фонди; бандлик фонди; мажбурий тиббиёт суғуртаси фонди; б) ноижтимоий: йўл фонди; экология ва бошқа фондлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси бюджет тизимида консолидацияланади.

Бюджет дотацияси – ўз даромадлари ва бюджет томонидан тартибга солинадиган барча маблағлар етишмаган ҳолда қуйи бюджетнинг ҳаражатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори

бюджетдан қуйи бюджетга текинга (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет профицити - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёки республика бюджетдан резидент – юридик шахсга ёки хориж давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

Бюджет тизими – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасида ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет субвенцияси – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда маълум мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга текинги (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет ташкилотлари – Давлат бюджетида унга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган бюджетдан маблағ ажратиш назарда тутилган вазирлик, длат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

Бюжети тақчиллиги (дефицити, камомади) – муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет трансферти – бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёки ваколотли орган орқали ҳақ олмай (текинга) ажратиладиган пул маблағлари.

Боқиманда – белгиланган муддатда ўтказилмаган ва сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг суммаси.

Бож пошлиналари – истеъмол солиқларининг таркибига кирази. Уларнинг мақсади даромад олиш бўлмасдан, балки ички бозорни, миллий саноатни ва қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилишдир. Давлат иқтисодий сиёсатининг инструменти сифатида майдонга чиқади. Импорт қилинадиган товарларнинг баҳоси Билан ички бозордаги ҳуди шунга ўхшаш товарларнинг баҳосини тенглаштириш лозим.

Бож пошлиналарининг ставкалари – ҳукумат томонидан ўрнатилиб, ягона ҳисобланади ва чегарадан товарларни олиб ўтувчи шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзармасдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни оператив равишда

тартибга солишнинг инструменти бўлиб хизмат қилади. Уларнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

а) адвалор ставкалар (бож ундириладиган тиварнинг бож қийматига нисбатан фоизда ўрнатилади);

б) махсус ставкалар (бож ундириладиган товарнинг бирлигига нисбатан аниқланади);

в) комбинациялаштирилган ставкалар (бож ундиришнинг дастлабки икки варианты қўлланилади).

Бож декларацияси - миллий қонунчиликнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган, ўзига чегарадан ўтаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган товарлар, пассажир юкки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат. Бу ҳужжат юкни давлат чегараси орқали ўтказиб юришда асос бўлиб ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлари – ўз таркибига қуйидагиларни олади: 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларша ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджетининг касса ижроси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат ички қарзлари - давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳумумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлат солиқ инспекцияларининг вазифалари ва функциялари –

1) солиқ тўловчиларнинг (хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам қўшиб ҳисобланганда) тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш; 2) солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини, солиқ ҳисоб-китобларини, ҳисоботларни, декларациялар ва тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш, шунингдек фойда, даромад, солиққа тортишнинг бошқа объектларини тўғри аниқланганлиги ва ҳисобланганлиги бўйича бу ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш; 3) бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганларга нисбатан молиявий санкциялар (жазолар) қўлланилишининг тўғрилигини таъминлаш; 4) корхона, ташкилот ва муассасалардан фойда (даромад)нинг ёки солиққа тортишнинг бошқа объектлари пасайтирилганлигидан (камайтирилганлигини) далолат берувчи ҳужжатларни кўриш, уларнинг мазмунини қайд этиш ва олиб қўйишни амалга ошириш (тегишли ҳужжатларни олиб қўйиш учун асос бўлиб солиқ инспекцияси мансабдор шахсининг асосланган қарори хизмат қилади); 5) мусодара қилинган ва эгасиз мулкларни, шунингдек, мерос қилиш ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтказилган мулкларни ҳамда топилмаларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва релизация қилиш ишларини амалга ошириш; 6) бюджетга тушиши лозим бўлган ва ҳақиқатда тушган солиқлар ва бошқа тўловларнинг оператив – бухгалтерия ҳисоби юргизиладиган ҳужжатларни банклар, молия органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан олиш; 7) давлат солиқ инспекцияларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бухгалтерия ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бюджетга солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ҳисоблаш, шунингдек, тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар тақдим этилмаганда ёки уларни тақдим этишдан бўйин товланган ҳолларда корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқароларнинг банк ҳамда бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш; 8) ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқ ва йиғимларни қайтаришни амалга ошириш; 9) юқори солиқ органларига бюджетга ҳақиқатда келиб тушган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммаси ҳақидаги маълумотни тузиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш; 10) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул муомаласи ва назорат-касса машиналарининг қўлланилишига нисбатан қонунчилик талабларининг бажарилишини назорат қилишдан иборат.

Давлат ташқи қарзи – давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Даромадлар тўғрисида декларация – Дивидентлар – тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади); акционерлик жамияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир акция учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили, айрим ҳолларда – ҳар чоракда) тўланадиган даромад.

Дотация – давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда бериладиган пул маблағлари, (зиён) ларни қоплаш учун корхона ва ташкилотларга бериладиган давлат нафақалари. Зарар (зиён)лар корхонага боғлиқ бўлмаган сабаларга кўра вужудга келган пайтда истисно тариқасида дотация берилиши мумкин.

Даромад солиғининг шедуляр шакли – Буюк Британия солиқ тизимида қабул қилинган. Даромаднинг манбаини инобатга олган ҳолда унинг қисмларга (шедулярга) бўлинишини тақозо этади. Ҳар бир шедул ўзига манбаи олдида “тутиш”ни мақсад қилиб қўяди. Мамлакатда бу соҳада олти шедул амал қилиб, уларнинг айримлари Яна ички тақсимланишга ҳам эгадир. Масалан, “А” шедул ўз таркибига мулкдан олинадиган даромадларни (ерга мулкчиликдан, бино ва иншоотларга эгаликдан, уй ёки хонани ижарага беришдан олинадиган даромадларни), “В” шедул тижорий мақсадлар учун фойдаланиладиган ўрмон массивларидан олинадиган даромадларни, “С” шедул давлат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромадларни, “Д” шедул тижорий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган даромадларни (бу шедулнинг таркибига даромадларнинг жуда кўп турлари кирганлиги учун унинг ўзи яна олти қисмга бўлинган), “Е” шедул иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа меҳнат даромадларни ва ниҳоят, “Ф” шедул Буюк Британия компаниялари томонидан тўланадиган дивидендлар ва бошқа тўловларни ўз ичига олинади.

Даромад солиғи бўйича жаримлар – Ушбу солиқ тўланмаганда, нотўлиқ тўланганда ёки тўлаш тартиби бузилганда (риоя қилинмаганда), пулни ундириш, моддий таъсир кўрсатишдан иборат. Ўз вақтида ушлаб қолинмаган, нотўлиқ ушланган ёки тегишли бюджетга ўтказилмаган солиқ суммалари жисмоний шахсларга даромад тўлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалардан ундиришга мўлжалланган сумманинг 10% ҳажмидаги жаримани биргаликда қўшиб, солиқ органлари томонидан сўзсиз ундириб олинади. Корхона, ташкилот, муассасалар ва тадбиркор сифатида қайддан ўтган жисмоний шахслардан солиқ ўз вақтида тегишли бюджетга ўтказилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб тўланган кунгача (бу кун ҳам қўшилади) 0,5% миқдорида пеня ундирилади. Пенянинг ундирилиши уларни жавобгарликнинг бошқа турларидан озод этмайди.

Даромадлардан олинадиган солиқ – фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан ташқари) олинган дивидентлар ва фоизлардан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, ўйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Икки марта солиққа тортиш – 1. Турли солиқларни даромад (капитал)нинг ягона манбаидан олинishi; 2. Қўшма корхона хорижий иштирокчисининг фойдасини хорижга ўтказилаётган пайтда солиққа тортиш ва ҳудди шу фойдани хорижий иштирокчи мамлакатда солиққа тортилиши; 3. Соф фойда (даромад) (корпорациялар фойдаси) в ундан тўланадиган дивидентларни улар шахсий даромадга айланаётган пайтда солиққа тортиш. Бошқа мамлакатда тўланган солиқларни бу мамлакатда ҳисобга олиш ёки бир мамлакатдаги солиққа тортиш манбаини иккинчи мамлакатда олиққа тортишдан озод қилиш йўли билан икки марта солиққа тортишдан қутилиш мумкин. 1979 йилда БМТ томонидан манфаатдор давлатлар ўртасидаги муносабатларда икки марта солиққа тортишга барҳам бериш учун махсус конвенция ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида икки томонлама битимлар имзоланади. Улар томонидан ўрнатилган солиққа тортиш тартибига кўра қўшма корхона хорижий иштирокчиси ўз фойдасини хорижга ўтказаетган пайтда қўшимча солиқдан озод қилинади.

Инвестицион солиқ кредити – Солиқ тўловчи томонидан маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича жуда муҳим буюртмани бажарганлиги ёки шу ҳудуд аҳолисига жуда муҳим хизматни тақдим этганлиги учун унга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ суммаси доирасида бериладиган енгиллик, имтиёз (солиқ тўловини кечиктирилиш). Бу кредит солиқ тўлови ва маҳаллий маъмурият ўртасида тузиладиган солиқ битими билан расмийлаштирлади. Инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш (бериш), расмийлаштириш ва қайтариш тартиби “Инвестицион солиқ кредит тўғрисида” ги қонунга мувофиқ белиланади.

Имтиёз - маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан, солиқ имтиёзига.

Импорт-экспорт солиғи – солиққа тортишнинг кўринишларидан бири; ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки оғирлик ва миқдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

Импорт солиғи – бир неча мамлакатлардаги солиқлар гуруҳи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар анна шундай солиқ таркибига киради. Бож пошлиналарини ҳам истеъмол солиқлари қаторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бир қисми маҳаллий бюджетларга бориб тушади.

Йиғимлар – қонун актларига мувофиқ белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар киради.

Квотатив солиқлар - даромад ёки мулк қийматининг пулдаги ифодасига нисбатан ставкаси фоизларда ўрнатиладиган солиқлар.

Моддий харажатлар - хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёкилғи, энергия ва бошқа харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг қиймати уларни сотиб олиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғисиз), таъминот ва ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган устамалар, комисион мукофотлар, бож тўловлари, товарлар биржасининг хизмат қийматлари, ташиш, сақлаш ва етказиб бериш ҳақларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Муомала харажатлари – товарлар муомаласи жараёнига хизмат қилувчи харажатлардан иборат. Бу харажатларлар икки кўринишда бўлиши мумкин; 1) олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар (соф муомала харажатлари); 2) ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида ҳам давом этиши билан боғлиқ бўлган харажатлар (товарларни сақлаш, ортиб жўнатиш, қадоқлаш ва бошқалар). Муомала харажатлари абсолют суммаларда ва товар-оборотга нисбатан фоизда ижтимоий зарурий харажатлар чегарасида (доирасида) режалаштирилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар – маҳаллий бюджетга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий тўловлари. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун қиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга

олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар.

Маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва уларнинг тушумлари миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маъмурий жавобгарлик – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун фуқаролар ва мансабдор шахслар юридик жавобгарлигининг шаклларида бири.

Ортиқча тўловлар – тўловнинг бюджетга тушган ортиқча суммаси. Одатда солиқ тўловчининг бошқа тўловлар бўйича мавжуд бўлган боқимондаларини узиш учун ҳисобга олинади ва бу тўғрида унга маълум қилинади ёки молия органининг қарори нусхаси ва банкнинг тегишли кўчирмаси асосида солиқ тўловчига қайтарилади.

Прогрессив солиқ - солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкасининг кўтарилиши характерлидир. Прогрессив солиқларнинг орасида энг кўп учрайдиган даромад солиғидир.

Пропорционал солиқ – солиқ шаклида олиниши мумкин бўлган сумма солиққа тортиш базасининг ўлчамига (миқдорига, ҳажмига) пропорционалдир. Бу солиқ ягона ставкали солиқлар жумласига киради.

Пропорционал солиққа тортиш – солиқнинг ставкаси солиқ тўловчи даромадининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг даромадига нисбатан фоизда ўрнатилади.

Прогрессив солиққа тортиш – солиққа тортиладиган сумманинг ўсишига мос равишда солиқ ставкаси ҳам ортадиган солиққа тортиш тизими. Улар қуйидаги шаклларда мавжуд бўлади: 1) оддий прогрессия – даромаднинг барча суммаси учун солиқнинг ставкаси даромаднинг ўсишига мувофиқ ўсади (ортади); 2) мураккаб прогрессия – даромад қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Даромаднинг ҳар бир кейинги қисми учун солиқнинг ставкаси олдингисига нисбатан юқорироқ бўлади.

Пеня – фуқаролик ҳуқуқида жазо чораларининг (жарималарнинг) кўринишларидан бири, қонун ёки шартномага мувофиқ тўловлар муддатини бузганлик учун ундириладиган молиявий жазонинг шакли. Унинг миқдори қонунга кўра тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун тўланиши лозим

бўлган суммага нисбатан фоизда белгиланади. Корхона томонидан тўланган пеня суммаси ноишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритилади.

Пошлина - қонун актларида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчи томонидан тегишли даражадаги бюджетга ёки бюджетдан ташқаридаги фондга ўтказиладиган мажбурий бадал.

Преференция – инвестицион ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун инвестицион солиқ кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган (ўрнатилган) имтиёз, афзаллик.

Регрессив солиқ – солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши характерлидир. Бундай солиқлар тоифасига, хусусан, эгри (билвосита) солиқларни киритиш мумкин. Регрессив солиқларнинг юки (оғирлиги) бойларга нисбатан камбағал қатламлар учун оғирроқ деб саналади. Масалан, кўшилган қиймат солиғини тўлаш учун камбағаллар бойларга нисбатан ўз даромадларининг кўпроқ қисмини (хиссасини) сарфлайдилар. Пропорционал солиқ ҳам регрессив бўлиши мумкин.

Регрессив солиққа тортиш - солиқ асоси (базаси)нинг ўсиб бориши билан солиқ ставкасининг пасайишини тақозо этади. Солиқ ундириш оғирлиги даромадга тескари пропорционалдир: даромад қанча кам бўлса, солиқ тўловчи учун солиқнинг оғирлиги шунча оғирдир. Ҳозирги пайтда кўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши билан эгри (билвосита) солиқларнинг регрессивлиги кучайиб бормокда.

Реал солиқ - солиқтўловчининг айрим мулкларини солиққа тортадиган тўғри солиқлардан иборатдир.

Резидентлар – календарь йилида мамлакатда 183 кундан кам бўлмаган муддатда яшаган, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ва бўлмаган солиқ тўловчилар (шу мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида олинганлари ҳам) шу мамлакатда солиққа тортилиши шарт.

Республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдават тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда адромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Солиқлар – қонунда белигланган тартибдаставка бўйича хўжалик бритувчи субъектлардан ва фуқаролар (юридик ва жисоний шахслар)дан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинадиган мажбурий

тўловлар. Солиқ, йиғим, пошлина ва бошқа тўловлар дейилганда қонуний актлар асосида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқаридаги фондларга мажбурий бадалларнинг тўланиши тушунилади. Белгиланган тартибда олинadиган солиқлар, йиғимлар, пошлиналар ва бошқа тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади.

Солиқ органлари – солиқ қонунчилигига риоя қилиш, мамлакатнинг қонунларига мувофиқ белгиланган (ўрнатилган) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши устидан назоратни таъминловчи ягона мустақил марказлаштирилган тизим. Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизимига қирувчи солиқ органлари давлат бошқарувининг марказий органи (Давлат солиқ қўмитаси), вилоят, туман ва шаҳар солиқ инспекцияларидан иборатдир. Солиқ органлари юридик шахс ҳисобланиб, ўз номига ўзларининг мустақил харажатлар сметасига, банклардаги жорий счётига ва ўз муҳрига эгадир.

Солиқ инспекциялари – Давлатсолиқ қўмитасининг ягона тизими таркибига қирувчи тузилмавий бирлик. Уларнинг таркибий тузилиши функционал белгига кўра аниқланади. Бунинг асоси сифатида турли белгилар: мулкчилик шакли, хўжалик фаолиятининг турли, тўловлар ҳажми, солиқларнинг турлари ва ў.к.лар олинаниши мумкин. Фуқароларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун солиқ инспекцияси назорати остида бўлган ҳудуд участкаларга бўлинади.

Солиқ оғирлиги (юки, “зулми”) – давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган энг умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларда солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиётнинг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган қўчам. Солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга нисбати Билан аниқланади.

Солиқ ставкаси – солиққа тортиш бирлигига тўғри келувчи солиқнинг ҳажми (миқдори, даражаси). Қатъий солиқ ставкалари даромадларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиққа тортиш бирлигига нисбатан абсолют суммаларида ўрнатилади.

Солиқ тизими - мамлакат доирасида (ҳудудида) тўловлардан (юридик ва жисоний шахслардан) белгиланган тартибда олинadиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакли ва услублари йиғиндиси.

Солиқ қонунчилиги – давлатда солиқларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтатишини тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йиғиндиси; молиявий ҳуқуқ институти. Солиқ ҳуқуқ давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши (қурилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.

Солиқ бадллари (тўловлари) – солиқ қонунчилиги бўйича белгиланган тартибда ва муддатда солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, ҳисобланган ёки қатъийлаштирилган суммалардир. Уларни ҳисоблаш тартиби ҳар бир солиқ тури бўйича қонунга биноан аниқланади.

Солиқ тушумлари - Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлари қисмидаги ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисм, банд, код ва моддага мувофиқ ваколотли банкларнинг ҳисоб-китоб счётига ёзиладиган, ҳисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солиқ бадаллари (тўловлари) ва молиявий санкциялар.

Солиқ ҳисоб-китоблари – юридик шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи билан биргаликда солиқ органларига тақдим этилиб, ўзида маълум ҳисобот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган тўловлар суммасини акс эттиради. Солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби солиқ қонунчилигига кўра ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида белгиланган.

Солиқ назорати - юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан назорат.

Солиқ тўловчилар – қонун ҳужжатларига кўра солиқ тўлаш мажбурияти юкланган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тўловчиларнинг бошқа тоифалари.

Солиққа тортилмайдиган оборот - қонунга сувофиқ қўшилган қиймат солиғига тортилмайдиган оборот.

Солиққа тортиш объектилари – қонунга мувофиқ фойда (даромад), маълум бир товарлар қиймати, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, мол-мулкни бериш, (мерос, тақдим этиш), қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, фаолиятнинг айрим турлари ва бошқалардан иборат. Солиққа тортишнинг бир объектибир ғурдаги солиқ Билан белгиланган муддатда (ой, чорак, ярим йил, йил) бир марта солиққа тортилиши мумкин.

Солиққа тортиш принциплари – солиқ сиёсатини амалга оширишини белгилаб берадиган ва солиқлар бўйича бюджет топшириқларини тузиш орқали реализация қилинадиган мустаҳкам ўрнашиб қолган қоидалар йиғиндиси.

Солиқ элементлари – давлатнинг қонун актлари асосида аниқланган солиқларнинг тузилиши (қурилиши) принциплари ва уларни ундиришни ташкил қилиш, солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзида акс эттиради.

Солиқ квотаси – солиққа тортишнинг маълум бирлигидан олинадиган солиқнинг миқдори, ҳажми, ўлчами.

Қўшилган қиймат – сотилган (реализация қилинган) товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати билан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг таркибига киритилган моддий харажатларининг қиймати ўртасидаги фарқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2005 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2005 й.
3. Налоговый Кодекс Республики Узбекистан. –Т.: Адолат, 2005 г.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 29 август 1997 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 14 декабрь. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 2001 й. № 2.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1996 йил 9 август. //Халқ сўзи газетаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3620-сонли Фармони (2005 йил 20 июн).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сонли Фармони (2005 йил 14 июн).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-100-сонли Қарори (2005 йил 15 июн).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 567-сонли Қарори, 2003 йил 30 декабрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 610-сонли Қарори (2004 йил 28 декабрь).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 244-сонли Қарори (2005 йил 27 декабрь).
13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 15 ва 2002-12-сонли «Юридик шахслар даромадларидан (фойдасидан) солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» Йўриқномаси. АВдан 08.02.2005 йил 1109-5-сон билан рўйхатга олинган.
14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 мартдаги 43 ва 2003-37-сонли «Ишлаб чиқарилган

ва сотиладиган товар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» Йўриқномаси. АВдан 29.04.2004 йил 1238-1-сон билан рўйхатга олинган.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 10 ва 2002-16-сонли «Жисмоний шахслар даромадларидан солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» Йўриқномаси. АВдан 12.03.2004 йил 1110-3-сон билан рўйхатга олинган.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16 ва 2004-13-сонли «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Йўриқномаси. АВдан 29.02.2004 йил 1132-1-сон билан рўйхатга олинган.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 27 ва 2002-19-сонли «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» Йўриқномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 6 ва 2002-10-сонли «Ер ости бойликларида фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» Йўриқномаси. АВдан 08.02.2005 йил 1098-3-сон билан рўйхатга олинган.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 21 январдаги 19 ва 2002-20-сонли «Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаси. АВдан 27.03.2004 йил 1118-сон билан рўйхатга олинган

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январдаги 25 ва 2002-13-сонли «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаси. АВдан 31.03.2003 йил 1107-3-сон билан рўйхатга олинган

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 16 январдаги 16 ва 2002-19-сонли «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаси.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 9 ва 2002-6-сонли «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаси. АВдан 30.01.2004 йил 1100-2-сон билан рўйхатга олинган.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 3 январда 1092-сон билан рўйхатга олинган «Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида »ги Йўриқнома.

24. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. - 89 б.
25. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.
26. Абдуллаев Ж.Х., Комилов М.М. Налог на доуавленную стоимость: сборник нормативных документов. –Т.: 2000.
27. Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 1996. 250 б.
28. Дмитриева Н.Г., Дмитриев Д.Б. Налоги и налогообложение. /Феникс, 2004 г.
29. Естигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. / СПб.: Питер, 2004 г.
30. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. / Монография. “Фан” нашриёти. 2004 й.
31. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси -Т.: ТМИ, 2004. - 210 б.
32. Жураев А. Актуальные вопросы налогообложения доходов физических лиц //Актуальные проблемы современной науки. –Москва, 2004. –№2(17). –С. 109–111.
33. Жўраев А., Амонов А. Қишлоқ хўжалигини солиққа тортишда хорижий давлатлар тажрибаси //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий–амалий конференция материаллари. 11–12 февраль 2004 й. –Тошкент, 2004. Б. 44–46.
34. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини таснифлаш мезонлари //Халқаро илмий–амалий конференция: 25май 2004. –Тошкент, 2004. Б. 246 – 247.
35. Жўраев А. Корхоналар инвестицион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш //Жамият ва бошқарув. –2004. –№4. –Б. 31–33.
36. Жўраев А. Солиқ–бюджет сиёсати яхлитлиги ва унинг давлат бюджети даромадлари ижросидаги аҳамияти //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2005. –№1–2. –Б. 34–35.
37. Жўраев А. Тўғри (бевосита) солиқлар: уларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2004. –№9–10. –Б. 58–59.
38. Жўраев А. Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлариаро тақсимла-ниши //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№11. –Б. 18–21.
39. Жўраев А. Умумийлик ва ўзига хослик //Солиқ тўловчининг журнали. –2004. –№9. –Б. 26–28.
40. Жураев А.С. Налоговый контроль: вопросы теории. //Вопросы гуманитарных наук. –Москва. –2004. –№1(10). –С. 120–121.
41. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. / “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005. -544 б.
42. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. –С.: Самарқанд

кооператив институти, 2002. – 366 б.

43. Князев В.Г., Черник Д.Г. Налоговые системы зарубежных стран. – М.: «ЮНИТИ», 2003.

44. Коваль Л.С. Налоги и налогообложение. - М.: Финансы и статистика, 2001. – 254 с.

45. Латипов А. “Ердан фойдаланиш ва солиққа тортиш”. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005.

46. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 204 б.

47. Маликов Т.С. Солиқлар ва имтиёз //Иқтисод ва ҳисобот. –1995, – №1–2. –Б. 30–31.

48. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. «Етти ўлчаб ...». //Бозор, пул ва кредит. –2001. –№3–4 –Б. 74–75.

49. Медведева А.Н. Налог на прибыль: арбитражная практика. – М.: 1998.

50. Мельник Д. Налоговый менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 2002.

51. Миляков Н. Налоги и налогообложение: Курс лекции. - М.: Финансы и статистика, 1999. – 281 с.

52. Миляков Н. Налоги и налогообложение:Практикум. - М.: Финансы и статистика, 2001. – 208 с.

53. Налоги в условиях экономической интеграции. / В.С. Бард и др. под ред. проф. В.С.Барда и Л.П.Павловой. –М.: КНОРУС, 2004. – 288 с.

54. Налоги и налогообложение. Учебник для вузов /Под ред. Д.Г.Черника. М: Юнита-Дана, 2004. – 345 с.

55. Налоги и налоговое право. /Под ред. А.В. Брызгалина. –М.: Аналитика-Пресс, 1998. – 608 с.

56. Налоги и налогообложение. /Тарасова В.Ф. и др. –М.: Финансы и статистика, 2005.

57. Пансков В.Г., Князев В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. –М.: МЦФЭР, 2003. – 336 с.

58. Рихсиева Х., Мухтаров М., Шмоль З. Налоги. – Т.: 2000. – 241 с.

59. Русакова И.Г., Кашина В.А. Налоги и налогообложение. -М.: ЮНИТИ, 1999.

60. Тошмуродов Т. Солиқлар./Изоҳли луғат. –Т.: Мехнат, 2003. -184 б.

61. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. /Монография. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 127 б.

62. “Солиқлар ва солиққа тортиш” маъруза матнлари тўплами. /А.Жўраев ва бошқ. –Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2005. - 241 б.

63. Суламова С.Н. Финансовые вложения в ценные бумаги. Бухгалтерский учет и налогообложение. –М.: 2000.

64. Толкушин А.В. Налоги и налогообложения: Энциклопедический словарь. –М.: 2000.

65. Финансы. /Под ред. Л.А. Дробозиной –М.: ЮНИТИ, 2003. – 350 с.
66. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ, 2001. 432 б.
67. Черник Д.Г. Налоги. 4 издание –М.: Финансы и статистика, 1998. - 430
68. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2002. – 576 с.
69. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
70. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларига солиқ солиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби . / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003.
71. Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортилиши. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003.
72. Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш. /“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004.
73. Ҳайдаров Н. Молия. Т.: Академия, 2001. 72 б.
74. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали 2004-2005 йил сонлари.
75. Бозор, пул ва кредит журнали 2004-2005 йил сонлари.
76. Солиқ тўловчи журнали 2004-2005 йил сонлари.
77. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 2004-2005 йил сонлари.
78. Ўзбекистон Иқтисодиёти. / Таҳлилий шарҳ 2003 йил. –Т.: 2004 й. №4, 106 б.
79. Социально-экономические показатели Республики Узбекистан за 2003. –Т.: 2004 г. 190 с.
80. www.nalog.uz
81. www.mf.uz
82. www.cer.uz
83. www.tfi.uz
84. www.gov.uz
85. www.expert.ru
86. www.cer.uz.
87. www.review.uz.
88. www.federalreserve.gov.
89. www.imf.org.